

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

«Ўзбек ва хорижий тиллар» КАФЕДРАСИ

Шарқ шеъриятига кириш маъруза матни

Тузувчи: филология фанлари номзоди, доцент в.б С. Р. Рахмонова

Такризчи: ф.ф.н, доцент в.б С. Ҳамдамова

Тошкент – 2015 й.

1-мавзу. Кириш.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз таълим тизимида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Республикамизда “Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури” қабул қилиниб, уни босқичма – босқич амалга оширишга киришилди. Давлат таълим стандарти ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ўқув дастурлари тубдан янгиланиб, ўқув режасига янги фанлар киритилди. “Шарқ шеъриятига кириш” курси шундай фанлардан биридир. Унда талабаларни умум инсоний қадриятлар ва миллий маънавиятимиз илдизлари, Шарқ адабиётининг ўзига хос хусусиятлари билан чуқурроқ таништириш асосий мақсад қилиб қўйилади.

Маълумки, Шарқ адабиётида асрлар мобайнида шеърият етакчилик қилган. Шеърият Шарқ халқлари ижтимоий, маданий – маърифий ҳаётида ҳамиша муҳим ўрин тутган. Шу боисдан кишиларнинг маданияти, илм – маърифати даражаси шеъриятдан нечоғли хабардорлиги асосида белгиланган. Чунки бу ҳудудда шеъриятга ижтимоий – маданий ҳаётнинг ажралмас таркибий қисми деб қаралган.

Албатта, Ғарб адабиётида ҳам шеърият алоҳида ўрин тутди. Данте, Шекспир, Гёте, Пушкин ижоди шундан далолат беради. Шарқ ва ғарб шеърияти қатор ўзига хос хусусиятларига кўра бир – биридан фарқ қилади. Бу тафовут аввало шеърларнинг турли тилда ва ўзига хос шаклда эканлигида кўринади. Ҳар бир тил ўзига хос оҳангга эгалигида назарда тутилса, ушбу хусусиятлар жуда муҳим аҳамиятга моликлиги англашилади. Араб, форс, туркий тилларда битилган Шарқ шеъриятида ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мустазод каби жанрлар мавжуд бўлса, инглиз, француз, итальян, испан, немис ва бошқа тилларда ёзилган ғарб шеърияти сонет, ода, эпиграмма сингари жанрлардан таркиб топган.

Шарқ ва Ғарб шеъриятида тафовутлар бўлиши баробарида муштарок жиҳатлар ҳам мавжуд. Бу умумийлик аввало ғазал, рубоий, қитъа, мухаммас,

мустахзодда ҳам, сонет, ода, эпиграммада ҳам инсоннинг хис – туйғу, кечинмалари акс этишида кўринади. Иккинчидан, ушбу шеърларнинг барчаси ўзига хос шаклга эга. Яъни ғазал ҳам, сонет ҳам муайян мезонга асосланади. Уларда фикр ва кечинмани ифодаловчи сўзлар маълум ўлчовдаги мисрага солинади. Мисралар бир – бирига оҳангдош сўзлар воситасида кофияланади. Шарқ шеъриятида ҳам, Ғарб назмида ҳам шеър муайян фикрни ўртага ташлаш билан бошланади. Кейинги мисра, бандларда айтилган фикр кенгайтириб, ривожлантирилади ва маълум бир хулосага келинади. Ғазал, мухаммас ҳам, сонет ҳам шу тарзда яқунланади. Уларда биринчи мисрада билдирилган мулоҳазани кенгайтириб ривожлантириш ва муайян хулоса чиқариш учун кейинги мисраларда қарама – қарши фикр билдирилади. Шарқ шеърияти ҳам, Ғарб шеъриятида худди шу ҳолат кузатилади.

Шеърнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг насрий асарлардан фарқли жиҳати аввало жанрларда ҳамда шеърда қўлланилган бадиий санъатларда намоён бўлади. “Шарқ шеъриятига кириш” курсида мана шу икки жиҳатга эътибор қаратилади. Унинг биринчи бўлимида Шарқ шеъриятида кенг тарқалган жанрлар – ғазал, рубоий, қитъа, мухаммас, мустазод каби жанрлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунча берилади. Иккинчи бўлимда эса Шарқ шеъриятида қўлланилган бадиий санъатлар – ўхшатиш, жонлантириш, кўчим (метафора), муболоға, сифатлаш сингари бадиий тасвир воситалари тўғрисида маълумот баён этилади. Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Махтумқули каби Шарқ шеърияти намояндалари ижоди билан таништириш мақсад қилиб қўйилади. Чунки бу шоирларнинг шеърлари бадиий тафаккур ривожига, кўшиқ санъати раҳнасида муҳим ўрин тутди.

Ушбу ўқув қўлланмасини яратишда “Шарқ шеъриятига кириш” курси бўйича Ўзбекистон давлат консерваториясида олиб борилаётган илмий – педагогик тажрибаларга таянилди. Талабаларнинг мумтоз маданий меросимиз, маънавиятимизнинг манбаси бўлмиш Шарқ шеъриятининг ўзига

хос хусусиятлари тўғрисидаги тасаввурини бойитиш ниятида битилган мазкур қўлланма тўғрисида билдириладиган фикр – мулоҳазалар келгусида уни янада кенгайтириш имконини беради, деб умид қиламиз.

2-мавзу. *Шарқ шеърияти жанрлари*

Адабий тур ва жанрлар.

Теварак – атрофимиздаги кўринадиган ва кўринмайдиган, ўтмишга ва ҳозирги даврга тааллуқли барча нарса – ҳодисалар муайян хусусиятлари билан бир – биридан фарқ қилади. Жумладан, адабий асарлар ҳам, куй ва кўшиқлар ҳам мавзуси, мазмуни, шакли, асарлар ҳам, куй ва кўшиқлар ҳам мавзуси, мазмуни, шакли, оҳанги, таъсирчанлиги каби жиҳатлари билан бир – биридан ажралиб туради. Адабий асарлар шеърий ёки насрий йўлда ёзилгани, қандай воқеликни объект қилиб олганига кўра турларга бўлинади. Эрамиздан аввалги замонда яшаган Аристотель “Поэтика” асарида адабий асарларни эпос, лирика ва драма турига ажратади. У бунда бадиий асарлардаги умумий хусусиятларни эътиборга олади. Қадимги юнон мутафаккири Аристотель Шарқда “Арасту” деб шуҳрат қозонган. Шарқ мутафаккирлари уни “устози аввал”, яъни “биринчи устоз” дея улуғлашган. Кўпгина Шарқ олимлари Арастунинг асарларига шарҳ ёзишган. Улуғ аллома Абу Наср Фаробий ҳам унинг “Поэтика”, “Метафизика” асарларига шарҳ битган. Абу Али ибн Сино “Метафизика”ни қирқ марта мутолаа қилиб ҳам тушунмагани, Фаробийнинг “Арасту “Метафизика”си мақсадлари ҳақида” асарини ўқигач, уни тушуниб етгани тарихий манбаларда қайд қилинган.

Арасту санъат инсоннинг табиатга тақлид қилиши асосида вужудга келган, деб ҳисоблаган. Бундай қараш фанда “мимесис назарияси”деб юритилади. Арасту кишилар табиатга уч хил тарзда тақлид қилишади:

ўзидан ташқаридаги нарса тўғрисида, бўлиб ўтган воқеа ҳақида гапиради;

Ўзининг ҳоли, аҳволини билдиради;

Ўзини ва бошқаларни бевосита ҳаракат жараёнида кўрсатади.

Эпос, лирика, драмада инсоннинг табиатга ана шу хил тақлиди ўз аксини топади. Эпос, яъни этик асарлар (ҳикоя, қисса, роман ва бошқа) воқеани, лирика, яъни шеърӣ асарлар (ғазал, рубоӣ, мухаммас, сонет каби) руҳӣ кечинмани, драма тури (комедия, драма, трагедия)га мансуб асарлар ҳаракатни тасвирлайди.

Лирика юнонча “лира” сўздан олинган. Лира – мусиқа асбобидир. Қадимда Юнонистонда шеърлар шу соз жўрлигида ўқилган. “Лирик асарлар” деганда халқ оғзаки ижодидаги лапар, ёр – ёр каби, шарқ ёзма адабиётидаги ғазал, рубоӣ, туюқ, қитъа, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мустахзод сингари, Ғарб адабиётидаги сонет, ода, япон шеърӣидаги хокку, танка каби жанрлар назарда тутилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос шаклга эга. Шеърӣидаги жанрлар ҳам воқеликка ёндашиши, қамраб олиш кўлами ва ифодалаш тарзига кўра бир – биридан ажралиб туради. Лирик асарларнинг барчасида инсоннинг ҳаёт воқелигидан олган таассуроти асосида туғилган кечинма, ҳис – туйғулари ифодаланади.

Ҳаётда бўлиб ўтган ёки бўлиши мумкин воқеалар оддий сўзлашув тилида баён этилганида ҳам қизиқарли бўлади. Чунки кишиларнинг диққат – эътиборини ҳамма нарсадан воқеа - ҳодиса кўпроқ жалб этади. Негаки ҳар қандай воқеа – ҳодиса муайян ҳаракат натижасида юзага келади. Ҳаракат эса ҳаётнинг асосидир. Шу боисдан ҳар бир одам, у гўдакми, қариями, ҳаракат қилиш, ҳаракатни кўриш ҳаракат тўғрисида эшитиб, бу жараёни хаёлан тасаввур этишга мойил бўлади ва бунга интилади. Ҳаракат кишиларнинг ҳаётида фаолликни таъминлаб, уларга завқ, лаззат бағишлайди.

Ҳиссиётларни воқеа – ҳодиса сингари бошқаларга баён этиб бўлмайди. Чунки улар кўзга кўринмайди. Кўнгилда кечадиган туйғуларни фақат ҳис этиш мумкин. Туйғу, кечинмалар оддий сўзлашув тилида изҳор этилса, улар жуда жўнлашиб қолади ва бошқаларга таъсир кўрсатмайди. Масалан, Ҳофиз Шерозийнинг:

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони
матлаъли ғазали ёки Саъдий Шеъротийнинг:

Эй сарбон, оҳиста юр, ороми жоним борадур,
Тандин дилу жоним олиб, ул дилситоним борадур
матлаъли ғазали оддий сўзлашув тилига ўтирилса, маъно – мазмуни
жуда жўнлашиб қолади. Ғазал шаклида улар барчани завқлантириб, ҳаяжонга
солади. Чунки ғазалда сўзлар муайян ритмга туширилади. Шу боис улардан
гўзал оҳанг таралади.

3-мавзу. *Шеър тизими*

Шеър инсон тафаккури, хаёл – тасаввурининг мураккаб, сирли
ходисасидир. Шу боисдан шеърга турлича таъриф берилади. Бу таърифларда
шеърнинг муайян жиҳатлари қамраб олинади. Лекин шеърнинг барча
жиҳатларини яхлит таърифлаш мушкул. Адабиётшуносликда “Шеър оҳанг
жиҳатидан маълум бир тартибга солинган ҳис – туйғунинг ифодаси сифатида
вужудга келган ҳаяжонли ритмик нутқдир” деган таъриф кенг тарқалган.
Чунки унда шеърга хос энг муҳим хусусиятлар умумлаштирилган.

Шеърга хос энг муҳим хусусият унда нутқнинг муайян ўлчов асосидаги
ритмга солинишидир. Шеърда нутқ маълум ўлчов, яъни вазнга туширилиб, шу
асосда муסיқийлик, оҳангдошлик ҳосил қилинади. Шеърда баён этилган
фикр аввало ритмик интонацияси – сўзлар жарангдор эканлиги билан
эътиборни тортади. Шеърда сўзлар муайян оҳангдошлик ҳосил қилиб,
кишиларнинг туйғу, ҳиссиётига таъсир ўтказади. Шеър энг қадимий санъат
саналади. Халқ кўшиқлари, достонларнинг шеърӣй ёзилгани шундан далолат
беради.

Шеърлар ҳам бошқа бадий асарлар каби шакли, ҳажми каби
жиҳатларига кўра бир – биридан фарқ қилади. Айни чоғда улар ўртасида

умумий жиҳатлар ҳам мавжуд. Шеърлар умумий ва фарқли хусусиятларига таснифланади. Бу “шеър тизими” дейилади.

Шеър тизими – маълум ўлчовга асосланган шеърий вазнлар мажмуидир. Шеър тизими шеърга хос асосий хусусиятларни умумлаштиришга асосланади. Маълумки, шеърда шу халқ тилига хос ўзига хос сифатлар ифодаланади. Шеър тизими белгилашда ҳам халқ тилига хос хусусиятлардан келиб чиқилади.

“Шеър – муайян ўлчовдаги ритмик нутқ” дейилади. Бундан шеърда сўзлар маълум бўғиндан иборат бўлиши оёнлашади. Бўғин шеърга хос энг муҳим унсур бўлгани боис шеър тизимини белгилашда бўғин асосий ўлчов қилиб олинади. Жаҳон халқларининг тили бир – биридан сўзларда бўғинларнинг тузилиши, таркиби ва миқдори жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Айни хусусият шеър да ҳам акс этади. Яъни ҳар бир халқнинг шеърияти шу халқ тилига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Шундан келиб чиқиб, жаҳон шеъриятида силлабик, тоник, метрик шеър тизимлари мавжудлиги таъкидланади.

Силлабик шеър тизими – муайян миқдордаги бўғинлардан иборат мисраларнинг такрорланишига асосланади. Сўзларда урғу ўзгармайдиган тиллар (масалан, француз тили)да шеър учун асосий хусусият мисраларнинг бир хил миқдорда бўлишидир. Силлабик шеър тузилишига хос хусусиятлар француз, поляк шеъриятида яққол сезилади. Француз тилида урғу, одатда, сўзнинг охириги бўғинига, поляк тилида эса охиригисидан олдинги бўғинга тушади. Бу тилларда урғу маънога таъсир этмайди. Рус тилида эса урғу сўз маъносини белгилайди. Француз тилидаги ўн икки ҳижоли шеърда урғу доим олтинчи ва ўн иккинчи бўғинларга тушади. Ўзбек тилида ҳам сўзларда урғу ўрни ўзгармайди. Ўзбек тилида урғу доимо сўзнинг сўнгги бўғинида келади. Ўзбек шеъриятини силлабик шеър тизмига киритиш мумкин. Чунки мисраларда бўғинлар миқдори тенг бўлиши ўзбек халқ шеърияти учун ҳам, замонавий шеъриятимиз учун асосий хусусият саналади.

Силлабик юнонча syllable – бўғин сўзидан олинган. Бармоқ вазнидаги шеърлар силлабик шеър тизимига мансуб. Бармоқ вазни учун мисраларда бўғинлар тенглиги асосий хусусиятдир. Бармоқ вазнидаги шеърларда мисралардаги бўғинлар муайян тартибда турокланади, яъни гуруҳланади. Бармоқ вазни мисралардаги бўғинлар микдорни тенглиги ва уларнинг бир хил тартибда гуруҳланиб такрорланишига асосланади.

Тоник шеър тизимида шеър мисралардаги бўғинларнинг урғули ёки урғусизлиги асосий ўрин тутати. Тоник шеър тузилишида урғули ҳижола муайян нисбатда такрорланади. Бундай шеърларда урғули ҳижола ўртасида урғусиз ҳижола нисбатан эркин бўлади. Рус, инглиз немис шеърияти урғули ҳижола маълум тартибда такрорланишига асосланади.

Метрик шеър тизимида мисралардаги бўғинларнинг чўзиқ ва қисқалиги ва уларнинг маълум тартибда келиши муҳим аҳамият касб этади. Метрик шеър тизими қадимги юнон шеъриятида кузатилади. Унда қисқа ҳижола __, чўзиқ ____ белгиси билан ифодаланган. Бу белгилар мора деб юритилади. Қисқа ҳижола бир морага тенг бўлса, чўзиқ ҳижола икки морага тенгдир. Қисқа ва чўзиқ ҳижоланинг маълум тартибда гуруҳланиши стопа дейилади.

Метрик шеър тузилиши мусиқа ва шеър бир пайтда ижро этилган замонларда вужудга келган. Қадимга Юнонистонда турли маросимларда шеърлар мусиқа жўрлигида айтилган. Ўша даврда мусиқа ва шеъриятга яхлит санъат ҳодисаси сифатида қаралган. Кейинчалик улар алоҳида санъат тури сифатида ажратилган. Мисралардаги бўғинларнинг қисқа ва чўзиқлиги шеърият учун асосий ўлчов бирлиги сифатида сақланиб қолган.

Силлабик, тоник, метрик тузилмаларга хос ушбу хусусиятлардан шеър тизими муайян ўлчов тамойилига асосланган вазнлар мажмуи экани аён бўлади.

4-мавзу. Аруз шеър тизими

Аруз – қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг муайян тартибда гуруҳланиб такрорланишига асосланган метрик шеър тизимидир. Шарқ адабиётида ушбу шеър шакли кенг тарқалган.

Аруз вазни араб шеъриятига хос бўлгани боис у билан барча атамалар араб тилидаги сўзлардир. Аруз сўзи арабча бўлиб, чодирни ушлаб туриш учун ўртага қўйиладиган ёғоч аруз дейилади.

Араб шеъриятига хос хусусиятларни илмий асосда ўрганган олим Халил ибн Аҳмад яшаган жой ҳам Аруз деб аталган. Шарқ адабиётида шеъриятнинг асосий шаклларида бири сифатида кенг тарқалган аруз VIII асрда яшаган араб олими яшаган жой номи билан боғлиқ. Аруз араб адабиётида пайдо бўлган ва кейинчалик бошқа халқлар шеъриятида шаклланган. Бу “Куръон”нинг араб тилида нозил қилингани билан боғлиқдир. Ислом динига эътиқод қилувчи халқлар илоҳий китоб “Куръон” араб тилида нозил этилгани боис ушбу тилга ҳурмат – эҳтиром билан қарашган. Адабий – бадий, илмий асарларни араб тилида ёзиш таомилга айланган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Замахшарий, Беруний, Ибн Сино, Фаробий сингари алломалар ўз асарларини араб тилида битишган. Низомий, Ганжавий, Хусров Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, сингари шоирлар дoston, девонлари, насрий асарларини форс тилида ёзишган бўлса – да, арабча номлашган. Алишер Навоий ҳам туркий тилда битган асарларини “Хазойин ул маоний” (“Маънолар хазинаси”), “Мезон ул авзон” (“Вазнлар ўлчови”), “Маҳбуб ул қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”), “Насойим ул муҳаббат” (Муҳаббат шабадалари), “Тарихи мулуки ажди” (“Ажди подшоҳлари тарихи”) деб атаган.

Араб тилида ҳижо, яъни бўғинларнинг қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқлиги маънони ифодалашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек тилида эса ундай эмас. Мисраларда қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ бўғинларнинг маълум тартибда такрорланиши араб шеъриятига хосдир.

Шарқ шеъриятида асосий вазн тури аруз бармоқ вазнидан фарқ қилади. Бармоқ вазн мисрадаги бўғинларнинг миқдори ва сифати муҳим. Яъни аруз вазн чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг маълум тартибда такрорланишидан вужудга келади. Аруз вазнида ундан товушлар билан тугаган ҳижолар чўзиқ, унлилар (“О”дан бошқа унлилар) билан тамом бўлган ҳижолар кўпинча қисқа саналади. Мисралардаги чўзиқ ҳижо баъзан қисқа ҳижо, қисқа ҳижо эса чўзиқ ҳижо тарзида ўқилиши мумкин. Бу “имола” деб юритилади.

5-мавзу. Арузда ҳижо ва рукн

Аруз вазнида мисранинг ритмик бўлаклари, яъни ҳижоларнинг турок типигаги гуруҳлари рукн деб аталади. “Рукн” арабча сўз бўлиб, устун деган маънони билдиради.

Арузшуносликда рукн жузв билан бахр орасидаги ритмик бирликдир. Жузв арабча сўз бўлиб, бўлак, парча, қисм демакдир. Жузв – арузда мутаҳаррак (чўзғили) ва сокин (чўзғисиз) ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлади. Ушбу термин араб арузи тўғрисида сўз юритилганда фаол, туркий арузга нисбатан эса кам қўлланади. Чунки туркий арузда ҳарор ва жузв терминлари ўрнига ҳижо термини ишлатилади.

Ҳижо арабча сўз бўлиб, тўғри ўқимоқ деган маънони билдиради. Ҳижо туркий, жумладан, ўзбек арузида энг кичик ритмик бирлик – бир ҳаво зарби билан айтиладиган товушлар гуруҳидир. Аруздаги ҳижо ҳамда тилшуносликдаги бўғин бир хил нарсас эмас. Улар ўртасида муайян фарқ мавжуд. Масалан, ўзбек тилида сўзда унлилар сони нечта бўлса, унда шунча бўғин бўлади. Арузда эса бир ундош (сокин)нинг алоҳида ҳолда ҳам, ўзидан кейин келаётган сўзнинг биринчи қисқа унлиси ёки биринчи бўғини билан қўшилиб ҳам бир ҳижога тенг бўлиши мумкин. Мисол учун “сабр қил” жумласи “саб – р – қил” тарзида ҳижога ажратилади. Бунда унинг чизмаси қуйидагича бўлади: – V –. Ушбу жумла “саб – рай – ла” тарзида ҳам ҳижоларга бўлиниши мумкин ва у чизмада – – – шаклида кўрсатилади. Айни

ҳолатда сабр сўзининг охириги “р” ундоши кейинги сўзнинг биринчи бўғини (“ай”) билан бирга бир ҳижога тенг. Баъзан вазн талабига кўра қисқа ҳижо чўзиқ ҳижога ва аксинча чўзиқ ҳижо қисқа иборат. Низомий Ганжавийнинг куйидаги ғазалида эса вазн талаби билан ушбу сўз кейинги сўзнинг биринчи бўғинига қўшиб ме – но – шик – ман тарзида талаффуз этилади.

Баҳр арабча сўз бўлиб “денгиз” деган маънони билдиради. Баҳр арузда рукнларнинг такрорланиш тартиби, муайян шеърдаги ўлчов асосидир. Баҳр маълум бир шеър (ғазал, рубоий, туюқ каби)нинг ритмик жиҳатдан тугал бирлигидир. Ҳижо, рукн, мисра, байт кабилар эса баҳрнинг таркибий қисмларидир. Арузда 8 та рукннинг муайян тартибда такрорланишидан баҳрлар ҳосил бўлади ва улар ҳазаж, рамал, ражаз, музориъ, ҳафиф, мужтасс, мунсариҳ, сариъ, мутақориб сингари номлар билан аталади. Алишер Навоий “Мезон ул авзон” асарида аруздаги 19 та баҳр ҳақида, Бобур “Мухтасар” асарида 21 та баҳр тўғрисида маълумот берилади. Мутақориб, мутадорик, ҳозаж, рамал, ражаз, комил ва вофир баҳрлари, яъни 7 та баҳр битта рукннинг такроридан ҳосил бўлади. Мисол учун ҳазаж баҳри мафойилун рукни такроридан, рамал баҳри фоилотун рукни такрорланиши асосида юзага келади, биргина мафъулоту алоҳида ҳолда баҳр ҳосил қилмайди.

Музориъ, ҳафиф, мужтасс, мунсариҳ, муқтазоб, тавил, мавид ва басит, яъни 8 та баҳр биттадан олинган иккита рукннинг такроридан ҳосил бўлади. Масалан: мафойилун / фоилотун ... – музориъ; фоилотун / мустафъилун ... – ҳафиф.

Қариб, мушокил, ғариб ва сариъ, яъни 4 та баҳр иккита бир хил ва битта бошқа рукн такроридан ҳосил бўлади. Масалан: фоилотун / фоилотун / мустафъилун – қариб; фоилотун / фоилотун / мафойилун – мушокил.

Рукнлар ҳижоларнинг миқдори ҳамда сифати, яъни чўзиқ ёки қисқалигига қараб, 8 та афойил ёки аслларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири “фаала”, яъни ҳаракат сўзидан ясалган алоҳида ном билан аталади: 1. фаулун. 2. фаулун. 3. мафойилун. 4. фоилотун. 5. мустафъилун. 6. мафъулоту. 7.

мафоилатун. 8. мутафоилун. Ана шу саккизта афойил ёки асллардан рукнлар вужудга келади.

Баҳр мисра доирасида воқе бўлади. Шеърнинг биринчи мисрасидаги рукнлар тартиби кейинги мисраларда ҳеч қандай ўзгаришсиз айнан такрорланади. Шеър денгиздан олинган дурга ўхшатилади. Шеърдаги рукнлар тартибининг “баҳр”, яъни “денгиз” деб юритилиши шу билан боғлиқдир.

Шеър ҳақиқатдан ҳам денгиз тубига тушиб, ундан дур топишидек машаққат билан дунёга келади. Арузда жузвларнинг муайян тартибда қўшилишидан саккизта афойил ёки асллар (рукнлар) нинг юзага келиши ҳам шундан далолат беради.

6-мавзу. *Ватад, сабаб, фосила*

Маълум бўладики, рукнлар ватад сабаб ва фосиланинг турли шаклининг қўшилишидан ҳосил бўлади. “Ватад” арабча сўз бўлиб, “қозикча” демакдир. Ватад – сокин (чўзғисиз) ва мутаҳаррик (чўзғили) ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўладиган ритмик бирлик яъни жузв. Ватад ҳарвларнинг қандай бирикишига кўра икки хил: 1. Ватади мажмуъ (ёки макрун). 2. Ватади мафрук.

Олдин келган иккита мутаҳаррик (чўзғили) ҳарфга бир сокин (чўзғисиз) ҳарф қўшилишидан ватади мажмуъ (ёки макрун) ҳосил бўлади: самар, башар, камар. Масалан, башар сўзи: мутаҳаррик (ба) + мутаҳаррик (ига) + сокин (р).

Иккита мутаҳаррик (чўзғили) ҳарф бир сокин (чўзғисиз) ҳарф жойлашишидан ватада мафрук ҳосил бўлади: лола, нола, зора. Масалан: нола сўзи: мутаҳаррик (но) + сокин (л) + мутаҳаррик (а).

Сабаб арабча сўз бўлиб, чодирнинг арқони демакдир. Сабаб – сокин (чўзғисиз) ва мутаҳаррик (чўзғили) ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўладиган ритмик бирлик, жузв. Сабаб ҳарфларнинг

кандай бирикишига кўра икки хил бўлади: 1. Сабаби ҳариф (ёки енгил сабаб).
2. Сабаби сақийл (ёки оғир сабаб).

Сабаби ҳариф битта мутаҳаррик (чўзғили) ҳарфга битта сокин (чўзғисиз) ҳарф бирикишидан ҳосил бўлади: кўз, гул, қад. Масалан, гул: мутаҳаррик (гу) + сокин (л).

Сабаби сақийл иккита мутаҳаррик (чўзғили) ҳарф қўшилишидан ҳосил бўлади: сана, гала, била. Масалан, била: мутаҳаррик (би) + мутаҳаррик (ла). Сабаби сақийл сабаби ҳарифдан қийинроқ талаффуз қилинади. Унинг номланиши шу билан боғлиқ.

Ҳафиф арабча сўз бўлиб, енгил демакдир. Аруз баҳрларидан бири. Айтилиши ва тақтиъ (парадигма ёки чизма) си енгил бўлгани учун ушбу баҳр шундай номланган. Ҳафиф баҳри фоилотун (– V – –) ва мустафъилун (– – V –) аслларининг кетма – кет такроридан ҳосил бўлади.

Ҳафиф ўзбек шеъриятида кенг қўлланадиган баҳрларидан биридир. Навоийнинг “Мезон ул авзон” асарида ҳафиф баҳрининг йигирма икки вазни мисоллар билан кўрсатиб берилган. Ўзбек мумтоз шеъриятида ҳафиф баҳрининг олти рукнли саккиз вазнидан кенг фойдаланилган. Ўзбек адабиётида ушбу баҳрдаги дастлабки шеърлар Атоийи ва Лутфийи шеъриятида мавжуд. Ҳофиз Хоразмийи шеърларининг катта қисми, Навоийнинг “Сабаи сайёр” достони ва девонидаги олтмиш иккита турли жанрга мавжуд шеъри ҳафиф баҳрида ёзилган. “Сабаи сайёр” достонидаги қуйидаги байт ҳафифи мусаддаси солими маҳбуни мақтуъ вазни (– V – – / V – V – / – –) да ёзилган:

Бир неча заврақ асрабон тайёр,
Янги ой заврақи киби сайёр.

Низомий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий “Хамса” сидаги тўртинчи дoston ҳам ҳафиф баҳри (фоилотун, мафойилун, фаъулўн)да ёзилган. Қўшилишидан ҳосил бўлади. “Капалак”, “келаман” сўзлари бунга

мисол бўла олади. Яъни капалак: мутаҳаррик (ка) + мутаҳаррик (па) + мутаҳаррик (ла) + сокин (к).

Фосилаи кубро кетма – кет келган тўртта мутаҳаррик харфга битта сокин харф қўшилишидан ҳосил бўлади. “Қарамадинг”, “Яшамадим” сўзлари шундай. Яъни қарамадинг: мутаҳаррик (ка) + мутаҳаррик (ра) + мутаҳаррик (ма) + мутаҳаррик (ди) + сокин (нг).

Арузшуносликка доир айрим манбаларда фосила алоҳида жузв сифатида кўрсатилмайди.

7-мавзу. *Зихоф, фуруъ*

Зихоф арабча сўз бўлиб, ўзгарган, аслидан узоқлашган, четлашган, жойидан кўзгалган демакдир. Аруз шеър тизими асосини ташкил этувчи 8 аслнинг сифат ёки миқдор жиҳатидан турли ўзгаришларга учраши зихоф дейилади.

Аслларнинг зихофга учраши натижасида уларнинг турли тармоқлари фуруълар ҳосил бўлади.

Асллар уч хил йўл билан зихофга учраши мумкин: 1. Ҳижоларнинг миқдор жиҳатидан ўзгариши. Бунда рукн таркибидаги ҳижолар сони ўзгаради. Яъни рукн таркибидан бир ёки бир неча ҳижо тушиб қолади. Масалан, фоилотун аслининг ҳазф зихофига учраши натижасида охирги чўзиқ ҳижо (тун) тушиб қолади ва фоилун (махзуф) фуруъси ҳосил бўлади. Фуруъ – рукн тармоғидир.

2. Ҳижоларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши. Бунда руки таркибидаги ҳижолар сифати ўзгаради. Яъни чўзиқ ҳижо қисқа ёки ўта чўзиқ ҳижога, қисқа ҳижо чўзиқ ёки ўта чўзиқ ҳижога, ўта чўзиқ ҳижо қисқа ёки чўзиқ ҳижога айланади. Масалан, мафойилун аслининг кафф қайтариш зихофига учраши натижасида охирги чўзиқ ҳижо (лун) қисқа ҳижога айланади ва мафойилу фуруъси (макфуф) ҳосил бўлади.

3. Рукн таркибидаги ҳижолар бир пайтнинг ўзида ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ўзгаришига учрайди. Яъни рукн таркибидаги бир ёки бир неча ҳижо тушурилиб, қолган ҳижолардан бирида сифат ўзгариши юз беради. Масалан, мафойилун аслининг қаср (қисқартириш) зиҳофига учраши натижасида охирги чўзиқ ҳижо (лун) туширилиб, ундан олдинги чўзиқ ҳижо (ий) ўта чўзиқ ҳижо (ийл)га айланади ва мафойил фуруъси (максур) ҳосил бўлади.

Ватад, сабаб, фосила тўғрисидаги мулоҳазаларини умумлаштириб, шундай дейиш мумкин:

Қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг бирикувидан ватад, сабаб, фосипа ҳосил бўлади.

Сабаб бир чўзиқ ёки икки қисқа бўғиннинг бирикишидан ҳосил бўлади. Бир чўзиқ бўғиндан иборат сабаб (чизмаси: –) сабаби ҳафиф (енгил сабаб) икки қисқа бўғиндан тузилган сабаб (чизмаси: V V) эса сабаби сақийл (оғир сабаб) дей аталади.

Ватад бир чўзиқ бўғин (чизмаси: –) билан бир қисқа бўғин (V) нинг бирикувидан ҳосил бўлади. Бундай бирикмада қисқа бўғин чўзиқ бўғиннинг олдида ёки орқасида келиши мумкин. Шунга кўра ватадлар икки хил бўлади:

1. Ватади мажмуъ (қўшилган ватад)
2. Ватади мафрук (ажратилган ватад)

Ватади мажмуъ чўзиқ бўғиннинг ўзидан олдин келган қисқа бўғин билан бирикувидан тузилади. Чизмаси: V –

Ватади мафрук эса аксинча бўлиб, чўзиқ бўғиннинг ўзидан кейин келган қисқа бўғин билан бирикувидан тузилади. Чизмаси: –V

Ватадлар таркибидаги чўзиқ ва қисқа бўғин бир – бири билан узвий боғлиқ бўлиб, қўшиб талаффуз қилинади. Масалан, “гўзал ватан” бирикмасидаги ҳар икки сўз бўғинлари тузилиши жиҳатидан ватади мажмуъга мисол бўла олади. Уларда биринчи бўғин қисқа бўлиб, кейинги

чўзиқ бўғин билан бирикиб келган. Китоб, хаёт, баҳор сўзлари ҳам ватади мажмуъга мисол бўла олади.

Фосила икки ёки уч қисқа бўғиннинг ўзидан кейин келувчи бир чўзиқ бўғин билан бирикишидан ҳосил бўлади. Агар икки қисқа бўғин билан чўзиқ бўғин бирикса, фосилди суғро (кичик фосила) тузилади. Чизмаси: VV –. Уч қисқа бўғиндан сўнг чўзиқ бўғин келиб бирикса, фосилаи кубро (катта фосила) ҳосил бўлади. Чизмаси: VVV –.

Зихоф тўғрисидаги мулоҳазаларни эса умумлаштириб, шундай дейиш мумкин:

Аруз тизимининг мураккабликларидан бири шундайки, ундаги саккиз асосий рукн шеър мисраларида, баҳрларда кўпинча турли ўзгаришлар билан қўлланади. Ушбу ўзгаришлар аруз илмида зихоф деб юритилади. Саккиз рукн ҳаммаси бўлиб, 45 хилгача ўзгариш, яъни зихофга учрайди. Мазкур ўзгариш – зихофларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Рукнлар таркибида бўғинларнинг туширилиши ёки орттирилиши.
2. Рукнлар таркибидаги чўзиқ бўғинларнинг қисқа ёхуд ўта чўзиқ, шунингдек, қисқа бўғинларнинг чўзиқ бўғинларга айлантирилиши.
3. Рукнлар таркибидаги бўғинларнинг бир вақтда туширилиши, ўрттирилиши ҳамда чўзиқ бўғинларнинг қисқа ёхуд ўта чўзиқ, шунингдек, қисқа бўғинларнинг чўзиқ бўғинларга айлантирилиши.

Аруз тизими асоси бўлган рукнларнинг ўзгаришидан фуруълар, яъни тармоқ рукнлар ҳосил бўлади. Бундай рукнлар сони ҳар бир асосий рукнда ҳар хил миқдорга ва ҳар хил кўринишга эга.

Фосила арабча сўз бўлиб, намат демакдир. Шунингдек, ушбу сўз ажратувчи, оралиқ маъносини билдиради. Арузда сокин ва мутаҳаррик ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлган ритмик birlik, жузв.

Ҳарфларнинг қандай тартибда бирикишидан келиб чиқиб, фосила икки турли бўлади: фосила суғро (кичик фосила) ва фосилаи кубро (катта фосила). Фосилаи суғро кетма – кет келган учта мутаҳаррик ҳарфга битта сокин ҳарф.

Мумтоз арузшуносликда ҳарф, жузв, рукн ва баҳр арузнинг ритмик бирлиги сифатида кўрсатилади. Бу кўпроқ араб арузига хосдир. Ўзбек арузшунослигида ҳижо, рукн ва баҳр арузнинг ритмик бирлиги сифатида қайд қилинади ҳамда ҳижо аруздаги энг кичик бирлик сифатида таъкидланади. Ҳарф ва жузв атамалари ўзбек арузшунослигида кам қўлланади.

Ҳарф арабча сўз бўлиб, товушнинг ёзувдаги шакли, белгиси демакдир. Ҳарф араб арузшунослигида энг кичик бирлик бўлиб, у икки турли бўлади: 1. Мутаҳаррик (чўзғили). 2. Сокин (чўзғисиз).

“Чўзғи” деганда унли товуш тушунилиб, мутаҳаррик ҳарф (ҳаракатли) ва сокин ҳарф (ҳаракатсиз) атамаларининг маъноси шу билан боғлиқ ҳамда англашилади. Масалан, қўз сўзи бир мутаҳаррик (кў) ва бир сокин (з) ҳарфдан иборат. Нола сўзи иккита мутаҳаррик: но ва ла; Вожиб сўзи иккита мутаҳаррик (во, жи) ва бир сокин (б) дан ҳарфдан таркиб топган. Мутаҳаррик ва сокин ҳарфларнинг муайян тартибда қўшилишидан жузв лар ҳосил бўлади.

Ўзбек шеъриятида ҳазаж, рамал, рижаз, музориъ, ҳафиф, мужтасс, мужарих, сариъ, мутақориб баҳрлари мутадорлик, комил, тавил баҳрларига нисбатан кўпроқ қўлланади.

Ҳазаж арабча сўз бўлиб, бир хил овозни такрорлаш, овозни ёқимли қилиш, қуйлаш деган маънони билдиради. Ҳазаж ўзбек мумтоз шеъриятида энг фаол қўлланадиган баҳрлардан биридир. У мафойилун асли (V – – –) такроридан ҳосил бўлади. Мафойилун аслининг охирида ватад (V –) дан кейин иккита сабаб (– –) такрорланиши ёки ушбу баҳрнинг вазнлари бир хил тарзда такрорланиши ҳам мумкин.

Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул маоний” девонидаги ғазалларнинг 669 таси (тахминан 22 фоизли) ҳазаж баҳрида битилган. Шарқ шеъриятида кенг тарқалган рубоийлар ҳам ҳазаж баҳрининг ахраб ва аҳрам тармоқларида ёзилиши шарт. Айрим дostonлар ҳам ҳазаж баҳрида ёзилган. Масалан, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonи Низомий, Хусров Деҳлавий

достони каби ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни (мафойилун, мафойилун, фаулўн)да, “Лайли ва Мажнун” достони эса устоз хамсанависларнинг достони сингари ҳазажи мусаддаси ахроби макбузи макфуф вазни (мафъулу, мафоилўн, фаулўн) да ёзилган ва маснавий йўлида қофияланган. Бунда биринчи мисра иккинчи, учинчи мисра тўртинчи, бешинчи мисра олтинчи мисра билан қофиядош бўлади ва дostonда мисралар шу тарзда қофияланиб боради.

Навоийнинг:

Ғамидин гарчи жон йўқ эрди тонда,
Тирилдим лаълидан ўлдум деганда

Матлаъси билан бошланувчи ғазали ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни (V — — — V — — — V — —) да ёзилган. Бобурнинг:

Баҳор айёмидур дағи йигитликнинг авонидир,
Кетур, соқий, шароби ноб ким, ишрат замонидур

матлаъли ғазали эса ҳазажи мусаммани солим вазни (V — — — V — — — V — — — V — — —) да битилган

Рамал арабча сўз бўлиб, туянинг лўкиллаши, қуй номини билдиради. Аруздаги баҳрлардан бири рамал фоилотун асли (— V — —) такроридан ҳосил бўлади. Ўзбек мумтоз шеъриятида кўп қўлланади. Шу боис рамал “Туркий баҳр” ҳам дейилади. Навоий “Мезон ул авзон” асарида рамалнинг ўн уч вазни тўғрисида, Бобур “Мухтасар” асарида унинг эллик тўққиз вазни ҳақида мулоҳоза билдириб, форс ва туркий шеърят намояндалари ижодидан мисоллар келтирган. Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайний) нинг ғазаллари шу баҳрда ёзилган. Навоийнинг “Ҳазойин ул маоний” девонидаги 1827 та шеър (девондаги шеърларнинг ярмида кўпи) рамал баҳрида битилган. Ўзбек

шеъриятида рамал баҳрида ёзилган дастлабки шеърлар “Қиссаси Рабғузӣ” да мавжуд. Навоӣнинг:

Дилбаро, сендан бу ғамким, менда бордур, кимда бор?

Фурқатингдин бу аламким, менда бордур, кимда бор

матлаъли ғазали рамали мусаммани маҳзуф вазни (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) да ёзилган. Парадигмаси, яъни тақтиъси (– V – – , – V – – , – V – – , – V –).

Ўзбек мумтоз шеъриятида рамал баҳрининг 8 ва 6 рукнли йигирма тўрт вазнидан кенг фойдаланилган. Маълумки, баҳрлар байтдаги рукнлар миқдори билан бирга айтилади. Масалан, рамали мурабба – тўрт рукнли рамал, рамали мусаддас – олти рукнли рамал, рамали мусамман – саккиз рукнли рамал ва бошқа. Баҳрларнинг ҳар бири бир неча вазнларга бўлинади ва моҳиятига қарат, махсус ном билан юритилади. Навоӣнинг:

Келки, ишқингдан кўнгулда йўқтурур сабру қарорим,

Бошима еткур қадамким, ҳаддан ошти интизорим

матлаъси билан бошланувчи ғазали рамали мусаммони солим вазни (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилотун) да ёзилган. Парадигмаси: – V – –, – V – –, – V – –, – V – –.

Олам ичра манга ул ҳури малак сиймо бас,

Бу қачон бўлса муяссар қадаҳи саҳбо бас

матлаъси билан бошланувчи ғазали рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ вазни (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фаълун) да ёзилган. Парадигмаси: – V – –, – V – –, – V – –, V –.

Эй жамолингдин хижил хуршиди анвар,
Қоматингдин мунфаил сарву санавбар

матлаъли ғазали рамали мусаддаси солим вазни (фоилотун, фоилотун, фоилотун) да ёзилган. Парадигмаси: – V – –, – V – –, – V – –.

Гулшанинг дин елдек, эй раъно ниҳол,
Мен ямон бордим, вале сен яхши қол

матълалли ғазали рамали мусаддаси мақсуф вазни (фоилотун, фоилотун, фоилон) да ёзилган. Парадигмаси: – V – –, – V – –, – V –.

Ҳафиф арабча сўз бўлиб, енгил демакдир. Аруз баҳрларидан бири. Айтилиши ва тақтиъ (парадигма ёки чизма) си енгил бўлгани учун ушбу баҳр шундай номланган. Ҳафиф баҳри фоилотун (– V – –) ва мустафъилун (– – V –) аслларининг кетма – кет такроридан ҳосил бўлади.

Ҳафиф ўзбек шеъриятида кенг қўлланадиган баҳрларидан биридир. Навоийнинг “Мезон ул авзон” асарида ҳафиф баҳрининг йигирма икки вазни мисоллар билан кўрсатиб берилган. Ўзбек мумтоз шеъриятида ҳафиф баҳрининг олти рукнли саккиз вазнидан кенг фойдаланилган. Ўзбек адабиётида ушбу баҳрдаги дастлабки шеърлар Атоий ва Лутфий шеъриятида мавжуд. Ҳофиз Хоразмий шеърларининг катта қисми, Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони ва девонидаги олтмиш иккита турли жанрга мавжуд шеъри ҳафиф баҳрида ёзилган. “Сабъаи сайёр” достонидаги қуйидаги байт ҳафифи мусаддаси солими маҳбуни мақтуъ вазни (– V – – / V – V – / – –) да ёзилган:

Бир неча заврақ асрабон тайёр,
Янги ой заврақи киби сайёр.

Низомий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий “Хамса” сидаги тўртинчи дoston ҳам хафиф баҳри (фоилотун, мафойилун, фаъулўн)да ёзилган.

Ражаз арабча сўз бўлиб, туя ҳолдан тойганда пайдо бўладиган қалтирок касаллигини билдиради. Аруз баҳрларидан бири ражаз мустафъилун асли (– V –) такроридан ҳосил бўлади. Мазкур баҳр изтиробли оҳангни ифодалагани учун шундай номланади. Ражаз баҳри ҳам худди ҳажаз, рамал баҳрлари сингари ўзбек шеъриятида фаол қўлланади. Навоий “Мезон ул авзон” асарида ражаз баҳрининг ўн уч вазни тўғрисида, Бобур эса “Мухтасар” асарида унинг олтмиш уч вазни тўғрисида мулоҳаза билдириб, туркий ва форс шеърияти намояндалари ижодидан мисоллар келтирган.

Ўзбек мумтоз шеъриятида ражаз баҳрининг саккиз рукнли, тўрт рукнли вазнларидан кенг фойдаланилган. “Қиссаси Рабғузий” да ражаз баҳрида ёзилган ўзбек шеъриятидаги дастлабки шеърлар мавжуд. Навоийнинг жами йигирма тўртта шеъри, яъни йигирма икки ғазали, бир қитъаси, бир муаммоси ражаз баҳрида ёзилган. Атайи Саккокий, Лутфий, Гадоий, Огаҳий каби шоирларнинг талайгина шеърлари айни баҳрда битилган. Огаҳийнинг мумтоз қўшиққа айланган машҳур “Устина” радифли ғазали ражази мусаммани солим вазнида бўлиб, унинг чизмаси V – / – – V – / – – V – / – – V – кўринишидадир.

Қилғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,

Гар курмасанг гул бўлғонин пайванди шамшод устина

8-мавзу. *Музориъ, мужтасс, мунсарих баҳрлари*

Музориъ арабча сўз бўлиб, ўхшайдиган, ўхшовчи демакдир. Музориъ баҳри ҳажаз баҳрига ўхшайди. Музориъ баҳри мафойилун (V – – –) ва фоилотун (– V – –) аслларининг кетма – кет такроридан ҳосил бўлади. Музориъ баҳр ҳам худди рамал, ражаз, ҳажаз баҳри сингари ўзбек мумтоз

шеъриятида кенг қўлланади. Навоийнинг “Мезон ул авзон” асарида музориъ баҳшнинг йигирма тўрт вазни тўғрисида, Бобурнинг “Мухтасар” асарида ушбу баҳрнинг йигирма тўрт вазни ҳақида маълумот берилиб, форс ва туркий шеъриятдан мисоллар келтирилган. Ўзбек шеъриятида музориъ баҳридаги дастлабки шеър. “Қиссаси Рабғузий” да мавжуд. Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби ўзбек шоирлари ҳам музориъ баҳрининг бир неча вазнида шеърлар битишган. Навоийнинг “Хазайин ул маоний” девонидаги турли жанрдаги 105 та шеър музориъ баҳрида ёзилган. Навоийнинг:

Ишқу жунун эрурлар беихтиёр манда,
Мендурманму бу икки, ўзга не бор манда

матлаъли ғазали музориъи мусаммани ахраб вазни (— V / — V — — / — — V / — V — —) да ёзилган.

Мужтасс арабча сўз бўлиб, илдизи билан юлинган демакдир. Аруздаги баҳрлардан бири. Мужтасс баҳри ҳафиф баҳридан юлиб олинганга ўхшагани учун шундай номланади. Мужтасс баҳри мустафъилун (— — V —) ва фоилотун (— V — —) аслларининг кетма — кет такроридан ҳосил бўлади. Мужтасс баҳри ҳам худди ҳазаж, рамал, ражаз, музариъ, ҳафиф, мужарих, сариъ, мутақориб баҳрлари сингари ўзбек мумтоз шеъриятида фаол қўлланган. Навоий “Мезон ул авзон” асарида мужтасс баҳрининг тўққиз вазни тўғрисида, Бобур эса “Мухтасар” асарида ушбу баҳрнинг йигирма вазни ҳақида мулоҳаза билдириб, форс ва туркий шеъриятдан мисоллар келтирган.

Ўзбек шеъриятида мужтасс баҳрининг бешта вазнидан кўпроқ фойдаланишган. Атоий, Саккоки, Гадоий, Лутфий, Мунис, Огаҳий, Нодири каби шоирлар ижодида мужтасс баҳрининг бир неча вазнида ёзилган шеърлар мавжуд. Навоийнинг “Хазойин ул маоний” девонидаги 348 та шеър (девоннинг 11 фоизини ташкил этади) мужтасс баҳрида битилган.

Мужтасс баҳрининг ўзига хослиги унинг кўп вазнли эканлигидир. Яъни мужтасс баҳрида битилган бир шеърда ундаги бир неча вазн аралаш ҳолда

қўлланиши мумкин. Бу эса шеърга ўзига хос ўйноқи оҳанг бахш этади.
Навоийнинг:

Кўнгул ҳароратин англапти оҳи дардолуд,
Уй ичра ўт эканин элга зоҳир айлар дуд

матлаъли ғазали мужтасси мусаммани махбуни максур вазни (V – V – /
– V – – / V – V – / – V ~) да ёзилган.

Нодиранинг қўшиқ қилиб куйланадиган:

Нигори гулбаданимни тушимда кўрсам эдим,
Лаби ширин шиконимни тушимда кўрсам эдим

матлаъли ғазали мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф вазни (V– V– /
VV – – / V – V – / V V –) да битилган.

Мунсариҳ арабча сўз бўлиб, эркин демакдир. Аруздаги баҳрлардан бири мужариҳ мустафъилун (– – V–) ва мафъулоту (– – – V) аслларининг кетма – кет такроридан ҳосил бўлади. Мунсариҳ баҳри ҳам ўзбек мумтоз шеъриятида фаол қўлланади. Навоий “Мезон ул авзон” асарида мунсариҳ баҳрининг ўн бир вазни тўғрисида, Бобур эса “Мухтасар” асарида ушбу баҳрнинг ўттиз тўрт вазни ҳақида мулоҳоза билдириб, форс ва туркий шеъриятдан мисоллар келтирган.

Ўзбек шеъриятида мунсариҳ баҳрининг учта вазнидан кенг фойдаланилган. Навоийнинг “Хазойин ул маоний” девонидаги 12 та шеър мунсариҳ баҳрида ёзилган. Улар ўзбек шеъриятида ушбу баҳрда битилган дастлабки шеърлар эканлиги қайд қилинади. Навоийнинг:

Эй оразинг кўнглум коми, лаъли лабинг жон ороми,
Васлинг кунин еткурғилки, жоним олур хажрингшоми

Матлаъли ғазали мунсариҳи мусаммани солим вазни (– – V – / – – – V / – – V – / – – – V) да ёзилган.

Сариъ арабча сўз бўлиб, тез демакдир. Аруздаги баҳрлардан бири сариъ тез айтиладиган баҳр бўлгани боис шундай номланган. Сариъ баҳри 2 та мустафъилун (– – V – / – – V –) ва 1 та мафъулоти (– – – V) аслларининг кетма – кет такрорланишидан ҳосил бўлади. Навоийнинг “Мезон ул авзон” асарида сариъ баҳрининг беш вазни тўғрисида, Бобур эса “Мухтасар” асарида ушбу баҳрнинг ўн етти вазни ҳақида маълумот бериб, форс ва туркий шеърятдан мисоллар келтирган.

Сариъ баҳрида бир неча вазн бўлса – да, ўзбек шеъриятида ундаги икки вазндан кўпроқ фойдаланилган. Навоийнинг “Хамса” сидаги “Ҳайрат ул аброр” достони ва “Ҳазойин ул маоний” девонидаги иккита ғазал ва битта фард сариъ баҳрида ёзилган. Алишер Навоий ўзбек шеъриятида сариъ баҳрида шеър ёзишни бошлаб берган. Навоийнинг:

Сендан йироқ кўзнинг эрур ҳайронлиғи,
Ҳажринг аро ҳар лаҳза саргардонлиғи

матлаъли ғазали сариъи мусаддиси солим вазни (– – V / – – V – / – – – V) да ёзилган. Огаҳий, Муқимий, Ҳабибий сингари шоирларнинг айрим шеърлари ҳам сариъ баҳрида битилган.

Мутақориб арабча сўз бўлиб, бир – бирига яқин демакдир. Мутақориб аруз баҳрларидан бири бўлиб, у фаулун асли (V – –) такроридан ҳосил бўлади. Ушбу баҳорнинг мутақориб, яъни “бир – бирига яқин” дейилиши унинг чизмаси (V – – / V – – / V – – / V – –) да ватад (сокин ва мутаҳаррик ҳарфларнинг муайян тартибда берилишидан ҳосил бўладиган ритмик бирлик) ларнинг муайян тартибда бирикиши дан ҳосил бўладиган ритмик бирлик) ларнинг бир – бирига яқин туриши билан боғлиқ. Баҳрнинг тақтиъ (чизма) сига эътибор берилса, унда ватод (V –)лар биргина (–) дан кейин такрорланиб келаётгани кўринади.

Мутақориб баҳри ўзбек мумтоз шеъриятида, хусусан, ғазалчиликда кенг қўлланади. Навоий “Мезон ул авзон” асарида ушбу баҳрнинг ўн бир вазни ҳақида, Бобур эса мутақорибнинг қиркдан ортиқ вазни ҳақида мулоҳаза билдириб, форс ва туркий шеъриятдан мисоллар келтирган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonлари мутақориб баҳрида битилган. Лутфийнинг:

Кўкарди чаман, гулузорим қани?

Сиҳи сарв бўйлук нигорим қани?

матлаъли ғазали мутақориб мусаммани солим вазни (V – – / V – – / V – – / V – –) да ёзилган.

Мутадорик арабча сўз бўлиб, орқадан келиб қўшилувчи демакдир. Аруздаги баҳрлардан бири мутадорик фоилун асли (– V –) такроридан ҳосил бўлади. Аруз вазнининг биринчи назариётчиси Халил ибн Аҳмад араб шеъриятида 15 та баҳр мавжудлигини кўрсатган. Абул Ҳасан Ахшаф ушбу баҳрлар қаторида яна бир баҳр борлигини билдирган. У қўшган баҳр “мутадорик” деб номланган. Айрим манбаларда ушбу баҳр баҳри муҳдас (янги топилган) ёки ғариб (четдан келган) деб юритилади.

Алишер Навоий “Мезон ул авзон” асарида мутадорик баҳри даги етти вазн тўғрисида, Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса “Мухтасар” асарида мазкур баҳрдаги йигирма олти вазн ҳақида фикр билдириб, туркий ва форс шеъриятдан мисоллар келтирган. Манбаларда ўзбек шеъриятида Навоий илк бор мутадорик баҳрида шеър ёзганлиги қайд қилинади. Навоийнинг “Мезон ул авзон” асарида:

Фурқатингда мани сўрмадинг,

Раҳм кўзи билан кўрмадинг

байти мутадорики мусаддаси солим вазни ($- V - / - V - / - V -$) да эканлиги мисол сифатида келтирилади.

Комил арабча сўз бўлиб, мукаммал, етук демакдир. Аруздаги баҳолардан бири комил ҳаракати (унлилари) нинг кўплиги жихатидан вофир баҳрига нисбатан етукроқ, мукаммалроқ бўлгани учун шундай номланган. Комил баҳри мутафоилун асли ($VV - V -$) нинг такроридан ҳосил бўлади.

Комил баҳри, асосан, араб шеъриятига хос бўлиб, ўзбек шеъриятида жуда кам қўлланган. Навоийнинг “Мезон ул авзон” асарида биргина комили мусаммани солим вазни ($VV - V - / VV - V - / VV - V -$) га мисоллар келтирилган. Бобурнинг “Мухтасар” асарида эса комил баҳридаги йигирма икки вазнга мисоллар берилган.

Комил баҳри ўзбек шеъриятига Навоий ижоди орқали кириб кириб келгани таъкидланади. Мунис, Огаҳий, Увайсий, Муқимий, Ҳабибий каби шоирлар ижодида ҳам комил баҳрига мансуб шеърлар мавжуд. Навоийнинг:

Не бало эмиш сенинг ул хиром ила қоматинг,
Гаҳи суръатинг, гаҳи ноз бирла иқоматинг

байти комили мусаддаси солим вазни ($VV - V - / VV - V - / VV - V -$) да ёзилган.

Вофир арабча сўз бўлиб, “мўл”, “кўп” деган маънони билдиради. Аруз вазнидаги баҳрлардан бири шундай номланади. Баҳрнинг бундай номланиши унда қисқа унлилар кўплиги билан боғлиқ. Вофир баҳри мафойлатун асли ($V - VV -$) нинг такроридан ҳосил бўлади.

Вофир баҳри араб шеъриятига хос баҳр эканлиги, у туркий ва форс шеъриятида қўлланмагани қайд қилинади. Навоий “Мезон ул авзон” асарида вофир баҳрининг икки вазни тўғрисида, Бобур эса “Мухтасар” асарида ушбу баҳрдаги йигирма бир вазн ҳақида тўхталиб, уларга мослаб байтлар битишган.

“Мухтасар” асарида:

Кел эй қаро қўз, манга гузар эт,
Будур санга сўз, манга назар эт

байти вофири мураббаъи солим вазни ($V - VV - / V - VV -$) га мисол қилиб келтирилган.

Басит арабча сўз бўлиб, ёйик демакдир. Аруз баҳрларидан бири басит мустафъилун ($- - V -$) ва фоилун ($- V -$) аслларининг такроридан ҳосил бўлади. Мустафъилун ($- - V -$) рукни бошида икки сабаб, яъни мус ($-$) ва тиф ($-$) ёйилиб тургани учун ушбу баҳр шундай номланган дейилади. Шунингдек, унда ҳаракатлар, яъни қисқа унлилар ёйилгани учун баҳр шундай аталган дейилади.

Басит баҳри араб шеърятига хос бўлиб, ўзбек шеърятида қўлланмайди. Навоий “Мезон ул авзон” асарида басит баҳрининг бир вазни тўғрисида, Бобур “Мухтасар” асарида ушбу баҳрнинг саккиз вазни тўғрисида тўхталиб, туркий тилда уларга мослаб махсус мисоллар келтирилган. Навоий:

Ишқинг мени туну кун мажнуну зор айламиш,
Кўнглумни зору ҳазин, жисмим низор айламиш

байтини мисол сифатида келтириб, у басити мусаммани солим вазни ($- - V - / - V - / - - V - / - V -$) да эканлигини қайд этган.

Тавил арабча сўз бўлиб, узун демакдир. Аруз вазнидаги баҳрлардан бири тавил араб шеърятидаги энг узун вазнли баҳрдир. Унинг номланиши энг узун вазнли эканлиги билан боғлиқ. Тавил баҳри фаулан ($V - -$) ва мафойилун ($V - - -$) аслларининг кетма – кет такроридан ҳосил бўлади.

Тавил араб шеърятига хос баҳр бўлиб, форс ва туркий шеърятда деярли қўлланмаган. Навоийнинг “Мезон ул авзон” асарида тавил баҳрининг биргина вазни, Бобурнинг “Мухтасар” асарида ушбу баҳрдаги олти вазни ҳақида маълумот берилиб, мисоллар келтирилган. Навоийнинг “Ҳазойин ул

маоний” девонидаги учта шеър тавили мусаммани солас вазни (V – – / V – – – / V – – / V – – –) да ёзилган. Улардан бири:

Юзингдек қамар йўқтур, кадингдек шажар йўқтур,
Шажар бўлса ҳам анда, лабингдек самар йўқтур

матлаъси билан бошланади.

9-мавзу. *Мадиди, муқтазаб, қариб баҳрлари*

Мадид арабча сўз бўлиб, “чўзиқ” демакдир. Аруз вазнидаги баҳрлардан бири мадид фоилотун (– V – –) ва фоилун (– V –) аслларининг кетма – кет такроридан ҳосил бўлади. Баҳрда фоилотун (– V – –) даги сабаблар, яъни фо ҳамда тун орасидаги масофа чўзиқ бўлгани учун у “мадид” деб номланади.

Мадид баҳри араб шеъриятига хос бўлиб, ўзбек шеъриятида қўлланмайди. Навоий “Мезон ул авзон” асарида, Бобур “Мухтасар” асарида мадид баҳрининг айрим вазнлари ҳақида маълумот берилиб, муаллифлар мисол сифатида махсус байтлар ёзишган. “Мухтасар” да:

Неча тортай ҳажридин сенсизин озормен,
Келки ҳижронингда мен умрдин безормен

байти келтирилиб, у мадиди мусаммани солим вазни (– V – – / – V – / – V – – / – V –) да битилгани қайд қилинган.

Муқтазаб арабча сўз бўлиб, кесиличи, қисқариш демакдир. Мунсариҳ баҳридан кесиб олинганга ўхшагани учун шундай номланади. Муқтазаб баҳри мафъулоти (– – – V) ва мустафъилун (– – V –) аслларининг кетма – кет такроридан ҳосил бўлади.

Муқтазаб баҳри араб шеърятига хос бўлиб, ўзбек шеърятига қўлланмаган. Бобур “Мухтасар” асарида муқтазаб баҳридаги ўн беш вазн тўғрисида маълумот берган ҳамда махсус байтлар битиб, мисол сифатида келтирган. Навоий эса “Мезон ул авзон” асарида ушбу баҳрнинг муқтазаби мусаммани матвий вазни ($-V - V / - VV - / - V - V / - VV -$) га:

Эй нигори маҳвашим, эй ҳарифи журъакашим,
Тут кадаҳки, беҳад эрур ишқ тобидин оташим

байтини мисол сифатида келтирган.

Қариб арабча сўз бўлиб, яқин демакдир. Аруз баҳрларидан бири. Музориъ баҳрига яқин бўлгани учун шундай номланган. Қариб баҳри иккита мафойилун ($V - - - / V - - -$) ва битта фоилотун ($- V - -$) аслларининг такроридан ҳосил бўлади.

Қариб баҳри араб шеърятига хос бўлиб, ўзбек шеърятига қўлланмаган. Навоийнинг “Мезон ул авзон” асарида ҳам, Бобурнинг “Мухтасар” асарида ҳам қариби мусаддаси солим вазни ($V - - - / V - - - / - V - -$) га:

Жамолингдин қуёш асру бор уётлик,
Сочингга банда боғ ичра сунбул отлик

байти мисол сифатида келтирилган. Бундан ташқар, “Мухтасар”да қариб баҳрининг яна ўн уч вазнига мисол сифатида махсус байтлар битган, масалан:

Қаро кўзум берига кел карам этгил,
Мени висол бирла муҳтарам этгил

байти келтирилган. Ушбу байт қариби мусаддас махбун вазни (V – V – / V – V – / VV – –) да ёзилган.

Ғариб арабча сўз бўлиб, четдан келган демакдир. Аруз бахрларидан бири. Ушбу бахр четдан янги қўшилгани учун шундай номланган. У янги деган маънода жадид баҳри деб ҳам номланади. Ғариб баҳри иккита фоилотун (– V – – / – V – –) ва битта мустафъилун (– – V –) аслларининг такроридан ҳосил бўлади. Ғариб баҳри араб шеъриятига хос бўлиб, ўзбек шеъриятида қўлланмаган. Навоий “Мезон ул авзон” асарида:

Ики рухсоринг эрур чул чаман аро,
Арақинг юз уза шабнам суман аро

байтини ғариб (жадид) и мусаддаси махбун вазнига мисол сифатида келтирган. Бобурнинг “Мухтасар” асарида ғариб (жадид) баҳрининг ўн бир вазни саналиб, уларнинг ҳар бирига туркий тилда битилган махсус байтлар мисол сифатида берилган.

Мушокил арабча сўз бўлиб, шаклдош демакдир. Аруз бахрларидан бири мушокил битта фоилотун (– V – –) ва иккита мафойилун (V – – – / V – – –) аслларининг такроридан ҳосил бўлади. Мушокил баҳри қариб баҳри билан шаклдош бўлгани боис шундай номланади. Мушокил баҳри, асосан, араб шеъриятида қўлланади. Навоийнинг “Мезон ул авзон” асарида ҳам, Бобурнинг “Мухтасар” асарида ҳам: мушокили мусаддаси солим вазни (– V – – / V – – – / V – – –) га:

Неча сансиз фироқингда фиғон айлай,
Нола бирла улус бағрини қон айлай

байти мисол сифатида келтирилган. Шунингдек, “Мухтасар” да мушокил баҳрининг ўн етти вазни саналиб, мисоллар берилган. Жумладан:

Йўқ сенингча жафокори жафожўй,

Йўқ менигча вафодори дуогўй

байти мушокили мусаддаси макфуфи максур вазни (– V – – / V – – – / V – ~) га мисол қилинган.

Бобурнинг “Мухтасар” асарида аруздаги бахрлар тўғрисида: “Билгилким, усулнинг такроридин, ё баъзининг баъзи била таркибидин бахр ҳосил бўлур. Бу бахрларким мустаъмал (.....) ва машҳур дур, ун тўқуз дур: 1. Мутақориб. 2. Мутадорик. 3. Ҳазаж. 4. Разаж. 5. Рамал. 6. Вофир. 7. Комил. 8. Тавил. 9. Мадид. 10. Басит. 11. Мунсарих. 12. Музориъ. 13. Муқтазат. 14. Мужтасс. 15. Сариъ. 16. Жадид. 17. Қариб. 18. Ҳафиф. 19. Мушокил. Яна икки бахрким Арид била Амикдур, тавил доирасида ҳосил бўлур, ул ғайри машҳур дур. Бу бахрлар била жамиъ букур (бахрлар) йигирма бир бўлғай” дейилади.

10-мавзу. Рукнлар, уларнинг тузилиши ва турлари.

Шарқ шеъриятида кенг тарқалган аруз мураккаб шеърий тизимдир. Бармоқ тизими билан аруз тизими таққосланганда бу яққол билинади. Маълумки, бармоқ тизими мисраларда бир хил миқдордаги бўғинларнинг муайян тартибда гуруҳланиб такрорланишига асосланади. Бармоқ тизимидаги шеърларда мисралардаги бўғинларнинг сифати, яъни чўзиқ ёки қисқалиги аҳамиятсиз.

Аруз тизимидаги шеърлар мисралардаги чўзиқ ва қисқа бўғинлар миқдори бир хил бўлиши ва муайян ўринда бўлиши шарт. Аруз тизимидаги шеърларда мисралардаги чўзиқ ва қичқа бўғинларнинг муайян тартибда такрорланиши майин мусикий ритм – оҳангни ҳосил қилади. Масалан, Навоийнинг:

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулру келмади,
Кўзларимга кеча тонг оқунча уйқу келмади

Маълум бўладики, ҳар бир мисрада 15 тадан бўғин бўлиб, уларнинг 11 таси чўзиқ (—), 4 таси қисқа (V). Чўзиқ (—) қисқа (V) бўғинлар кейинги мисраларда ҳам худди шу тартибда келади.

Бармоқ тизимидаги шеърларда мисралардаги чўзиқ ва қисқа бўғинлар сони ҳар хил бўлади ва исталган ўринда келади. Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеъридаги:

Водийларни / яёв / кезганда,
Бир ажиб ҳис / бор э / ди менда,
Дарёлардан / куйлаб / ўтардим,
Қўшиқларга / кулоқ / тутардим

Бармоқ тизимидаги шеърларда мисралардаги туроқ тугал сўзлардан таркиб топади. Аруз тизимидаги шеърларда эса бундай эмас.

Шу боисдан бармоқ тизимидаги шеърларга нисбатан “туроқ” термини, аруз тизимидаги шеърларга нисбатан “рукн” термини қўлланади. Чунки аруз тизимидаги шеърларда мисралардаги бўғинлар кейинги сўз бўғинларига қўшилиб кетаверади. Хусусан, ёпиқ бўғин охиридаги ундош вазн талаби билан ўзидан кейинги унли билан қўшиб ўқилиши мумкин. Бу васл ҳодисаси дейилади.

Васл арабча сўз бўлиб, уланиш, қўшилиш демакдир. Васл — арузда ёзилган шеърларда айрим ёпиқ ҳижолар охиридаги ундошнинг вазн талаби билан ўзидан кейинги унли билан бошланган сўзнинг биринчи ҳижосига қўшиб ўқилишидир. Масалан, Машрабнинг:

Сажда айлар зоҳид ул меҳробига,
Ман қилурман сажда эгма қошима

Байтидаги зоҳид ул (—) бирикмаси вазн талабига кўра “зо – хи – дул” (–V –) тарзида ўқилиши лозим. Акс ҳолда шеър вазни бузилади. Чунки байт рамали мусаддаси мақсур (фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнида бўлиб, агар васл қоидасига риоя қилинмаса, биринчи мисра хошви даги иккинчи ҳижо қисқа бўлмай қолади. Бунинг натижасида вазнда бузилиш юзага келади.

Ҳашв арабча сўз бўлиб тўлдирмоқ. Ҳашв тақтиъ билан боғлиқ ходисадир. Тақтиъ арабча сўз бўлиб, кесиш демакдир. Тақтиъ – аруз тизимидаги шеър байтини ритмик бўлакларга, тенг қисмларга бўлиш, мисралардаги муайян тартибда жойлашган мутаҳаррик ва сокин ҳарфларни гуруҳлашдир.

Тақтиъ қилиш орқали шеърдаги байтнинг баҳри аниқланади. Ҳозир арузшуносликда мисраларни чўзиқ ва қисқа ҳижоларга ажратиш орқали гуруҳлаш – тақтиъ қилиш усули кенг қўлланади. Байтдаги ҳар бир мисранинг бир рукнга тенг қисми, яъни тақтиъси алоҳида ном билан юритилади: биринчи мисранинг биринчи тақтиъси садр,

охирги тақтиъси аруз (ёки ажуз),

иккинчи мисранинг биринчи тақтиъси ибтидо,

охирги тақтиъси зарб,

садр ва ажус, ибтида ва зарб орасидаги тақтиълар ҳашв дейилади.

Байтлар тақтиъларга ажратилгач, ундаги рукнлар сони, зиҳоф (ўзгариш)га учраган ёки учрамаганига қараб, турлича номланади. Юқоридаги байт, яъни икки мисра фоилотун рукнининг саккиз марта такрорланиши (6 марта фоилотун ва 2 марта фоилун), ва мисралар охирида рукннинг ҳазф зиҳофига учраши кўринишида шаклланган. Шундан келиб чиқиб, ушбу байт вазни рамали мусаммани маҳзуф деб номланади. Агар байтда рукн олти марта такрорланса, байтда ҳашв иштирок этмайди.

Байтда мафойилун рукни олти марта такрорланмоқда ва мисра охиридаги рукн ҳазф зиҳофига учраган. Шундан келиб чиқиб, байт вазни ҳазажи мусаддаси маҳзуф деб номланади. Ҳазф арабча сўз бўлиб, орқасидан бормок, ўхшамок демакдир.

Маълум бўладики, аруз тизими, ундаги рукн, баҳр, фуруъ каби ужурлар жуда мураккаб бўлиб, уларни тушуниб олиш осон эмас. Шунинг учун Алишер Навоий “Мезон ул авзон” асарида: “Аммо билгилким, аруз фанним, назм авзонининг мезонидир, шариф фандир. Невчунким, назм аҳлининг рутбаси бағоят бийик рутбадир. Андоқки, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг каломи мажидида кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аруз қавоиди бида ростдур” деб таъкидлайди ва фикрини “Қуръон” оятлари ҳамда пайғамбар ҳадисларидан мисоллар келтириб асослайди. Муҳаммад соллоллаҳу алайҳи васлламнинг чаҳорёрларидан бири ҳазрати Али ҳам кўп шеър битгани, унинг девони борлиги, машойих ва авлиёлар арасида ҳам шеър ёзгани кўп бўлгани, унинг девони борлиги ва “Бос, собит бўлдим, аруз фани шариф фандур” деб таъкидлайди. “Шариф” арабча сўз бўлиб, илоҳий, муқаддас, азиз, эъзозли, тоза, покиза каби маъноларни билдиради. Навоий ва бошқа алломалар “аруз – шариф фан” деганда унинг мураккаб ва мукамал эканлигини назарда тутган.

Аруз тизимининг мураккаблиги ва мукамаллиги шундаки унда нафақат мисра, байт, сўз, балки бўғин, товуш, ҳарф ҳам ўзига хос ўринга эга бўлади.

Бўғин, товуш, ҳарф каби унсурлар шеърдаги маънони ёритишга тааллуқли бошқа жиҳат билан бевосита боғланиб кетади. Абдурауф Фитрат аруз тизимининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида сўз юритаркан: “... тизимда вазн масъаласини миллат ўз тилининг баъзи хусусиятларига кўра ҳал қилганлар. Бизнинг тилимизга уйғун келатурган вазн, албатта, миллий вазнимиз бўлган бармоқ вазнидир. Бироқ эрон – араб таъсири остида аруз вазни ҳам адабиётимизга кирган, муҳим ўрин олган, муваффақиятсиз бир шаклда кенг суратда бу кунгача давом этиб келган...”

Аруз вазни арабникидир. Араб ана шу вазнларда шеър ёзган... Бироқ форсий шеър учун қабул этилган аруз араб арузининг худди ўзи эмас. Фарслар араб арузини тузатдилар. Камчиликларини тўлдирдилар. Ўзларининг миллий вазнларини ҳам шу қоидаларга эргаштириб арузга киргаздилар...

Аруз ҳам асос қилиб, сўз бўғинларини оладир. Бироқ у чўзғиларнинг узунлик, қисқалигини ҳам кўзда тутадир. Бир неча сўз бўғинлидир. Ҳар бўғинида неча ҳарф, неча бўғин бор? Чўзғилари узунми, қисқами? Мана, араб – форс арузининг текширгани мана шулардир...

Аруз билан ёзилган бир тизимнинг вазини текширганда ҳар мисраънинг ҳар сўзининг ҳар бўғинида неча ҳарф, қандай чўзғи борлигини текшириб турмоқ, албатта, оғирдир. Шоирни (нг) илҳомини бўғуб, тил текширишга мажбур қиладир” деб қайд этади. “Адабит қоидалари” муаллифи аруз тизими бормоқ тизимига нисбатан мураккаб эканлиги боис шундай дейди. Чиндан ҳам ушбу тизимга хос хусусиятларни англаш анча қийинки, бу унда бир ужур кейингиси билан боғлиқлиги ва улар занжир ҳалқлари сингари бир – бирига уланиб кетганидан келиб чиқади. Масалан, юқоридаги ҳазф ўз – ўзича эмас, балки муқаййад қофияда намоён бўлади. Бунинг учун эса дастлаб қофия нима эканлиги тўғрисида тушунчага эга бўлиш лозим.

11-мавзу.Қофия, илми аруз

Қофия арабча сўз бўлиб, мисралар охиридаги сўзларнинг бир – бирига мос келиши демакдир. Маълумки, шеър мисралари охирида қўшимча, сўз, баъзан сўз бирикмалари оҳангдош бўлиб келади. Аниқроғи, мисралар охиридаги сўзлар таркибидаги товушлар гуруҳи оҳангдошлик ҳосил қиладир. Қофия мисранинг тугаганини билдиради. У шеър ритминини ҳосил қилишда муҳим ўрин тутайди. Қофия шеърий нутқни оддий нутқдан, насрдан фарқлаб турувчи энг муҳим унсур саналади. Шеър ўқилганида, тингланганида қофиянинг ушбу хусусияти яққол сезилади.

Шеърятда қофиянинг қатор кўринишлари мавжуд: Улар қуйидагилар:

тўлиқ ва тўлиқсиз қофия;

унлилар оҳангдошлигигагина асосланган ассонанс қофия;

ундошлар оҳангдошлигигагина асосланган диссонанс қофия;

рус шеъриятида очик ва ёпик бўгин билан тугашига кўра:

очик қофия – женская рифма

ёпик қофия – мужская рифма

Тўлиқ қофияда қофиядош сўзларнинг товуш таркиби тўламас келади.
Масалан: бузиб – узиб, юзларидан – изларидан.

Тўликсиз қофияда қофиядош сўзларнинг товуш таркиби қисман мос келади.
Масалан: даҳрий – қаҳридан, титраб – гулдирак.

Тўлиқ қофия “тўқ қофия”, тўликсиз қофия “оч қофия” деб ҳам юритилади.

Қофия шеърий нутқнинг оҳангдорлиги, мусиқийлиги ва таъсирчанлигини таъминловчи муҳим унсурдир. Шу боисдан Шарқ адабиётшунослигида қофияни ўрганувчи махсус соҳа – илми қофия мавжуд. Илми қофияда қофия ва унинг ужурлари, турлари эстетик вазифалари, қофия билан боғлиқ санъатлар ўрганилган. Жумладан, мумтоз шеъшуносликда қофиянинг равий, ридф, ноира каби унсурлари, қофиянинг мутлақ қофия, муқайяд қофия сингари турлари кенг таърифланган.

Муқайяд қофия, мутлақ қофия нима эканлигини тушуниш учун қофияни юзага келтирувчи омилларни билиб олиш лозим. Улардан бири равийдир.

Равий арабча сўз бўлиб, юкни тулга боғлайдиган арқон демакдир. Қофияланиб келаётган сўз ўзаги ёки негузи охирида айнан такрорланиб келувчи чўзиқ унли ёки ундош равий дейилади. Масалан: вафо – жафо сўзида о товуши равий саналади. Вафодор – жафодор сўзида эса р товуши равийдир.

Қофияда равийдан ташқари яна 8 та унсур мавжуд бўлиб, улардан тўрттаси – ридф, қайд, таъсис, дахил равийдан олдин, тўрттаси – васл, хуруж, мазид, ноира равийдан кейин келади. Қофияланувчи сўзда равийдан кейин ҳеч қандай унсур бўлмаса, бундай қофия “қофия” мужаррад”, яъни яланғоч қофия деб юритилади.

Равийдан олдин келувчи унсурлар қуйидагилар:

1. Ридф – мингашиш демакдир. Ундош равийдан олдин келган узун унли ридф деб юритилади. Масалан: “шаҳар – сахар” қофиядош сўзларида р ундош равий, ундон олдиндаги а чўзиқ унлиси ридфдир. Ридфли қофия қофияи мураддафа дейилади.

2. Кайд – боғловчи демакдир. Равийдан олдин келган ҳаракатсиз, яъни ёпиқ ундош кайд деб юритилади. Масалан: “Баланд – кайд” қофиядош сўзларида д ундоши равий, унинг олдидаги ҳаракатсиз, яъни ёпиқ ундош н кайддир. Кайдли қофия қофияи мукайяда деб юритилади.

3. Таъсис – асословчи, мустаҳкамловчи демакдир. Равийдан олдин келган бир ҳаракатли ундошдан олдин келувчи чўзиқ унли таъсис дейилади. Масалан: “ҳомил – қобил – зойил – қотил” қофиядош сўзларида о товуши таъсисдир. Чункиушбу сўзларнинг охиридаги л товуши равий, ундан олдин м, б, й, т мавжуд. Улардан олдин эса чўзиқ унли о турибди. Таъсисли қофия қофияи муассаса дейилади.

4. Дахл – орага кирувчи демакдир. Равий билан таъсис арасида келган ҳаракатли ундош дахил дейилади. Масалан: “зойил – қойил” қофиядош сўзларидаги й дахилдир.

Равийдан кейин келувчи унсурлар қуйидагилардир:

1. Васл – уланиш демакдир. Қофиядош сўзларда равийдан кейин такрорланувчи ҳаракатсиз ундош ёки чўзиқ унли васл дейилади. Масалан: “улфатим – суҳбатим” қофиядош сўзларидаги і – раавий, м – васл; “булоғи – қулоғи” сўзларидаги ғ – равий, и – васл. Васлли қофия қофияи мувассала деб юритилади.

2. Хуруж – чиқиш демакдир. Қофиядош сўзларда васлдан сўнг такрорланувчи ҳаракатсиз ундош ёки чўзиқ унли хуруж дейилади. Масалан: “афлоқидан – оташноқидан” қофиядош сўзларидаги қ – равий, д – васл, охирги н – хуруж. Ёки “рухсорга – деворга” қофиядош сўзларидаги р – равий, ғ – васл, а – хуруж.

3. Мазид – орттирилган демакдир. Қофиядош сўзларда хуруждан кейин келувчи ҳаракатсиз ундош ёки чўзиқ унли мазид дейилади. Масалан:

“Беомонлиғим – ҳайронлиғим” қофиядош сўзларидаги н – равий, д – васл, ғ – хуруж, м – мазид. Ёки “саломимни – каломимни” сўзларидаги биринчи м – равий, иккинчи м – васл, н – хуруж, и – мазид.

4.Ноира – ўзини четга олувчи демакдир. Қофиядош сўзларда мазиддан кейин келувчи энг охирги ноира дейилади. Масалан: “камронлиғлар – нонотавонлиғлар қофиядош сўзларидаги камрон – нотавон ўзаги охиридаги н – равий, биринчи д – васл, ғ – хуруж, иккинчи д – мазид ва охирги р – ноира. Қофиядош сўзларда равийдан кейин келадиган унсурларни сўз ўзгартирувчи ёки шакл ясовчи қўшимчалардан қидириш керак.

Қофия унсурлари тўғрисида тасаввурга эга бўлгач, қофия турлари тўғрисида маълумот бериш мумкин. Қофиянинг икки тури – мутлақ қофия ва муқайяд қофия тўғрисида тушунча бериш билан чекланамиз.

Мутлақ қофия. Қофия – сўзнинг сўзга мос бўлиши демакдир. Мутлақ қофия эса ҳеч бир шартсиз, тўсиқсиз қофияланишни билдиради. Илми қофияда равийдан кейин келувчи унсурлар (васл, хуруж, мазид, ноира) ҳам иштирок этувчи, яъни равий билан тўхтаб қолмайдиган қофия мутлақ қофия деб юритилади. Масалан, Нодиранинг:

Нигори гулбаданимни тушимда кўрсам эдим,

Лаби ширин шиканимни кўрсам эдим

байтида мутлақ қофия (баданимни – шиканимни) қўлланган. Бадан – шикан сўзларидаги охирги н ундоши – равий. Ушбу қофиядош сўзларда равийдан кейин ҳам охангдош товушлар мавжуд. Мутлақ қофия бўлиш учун равийдан кейин васл, хуруж, мазид, ноира дан бирининг бўлиши етарли.

Муқайяд қофия – боғланган қофия демакдир. Равий билан тугайдиган қофия муқайяд қофия дейилади. Масалан, Огаҳийнинг:

Мунчаким, эй дил, етишди ҳажридин заҳиат сенга,

Узмадинг ҳаргиз умидинг васлидин, раҳмат сенга

байтида муҳаййад қофия (заҳмат – раҳмат) қўлланган. Мутлак қофиядаги каби муқаййад қофия таркибидаги ҳар бир ҳарф алоҳида ном билан юритилади: қайд – равийдан олдинги ундош, ридф – равийдан олдинги чўзиқ унли, ишбо – равийдан олдинги қиска унли, дохил – ишбодан олдинги ундош, ҳазф – кайддан олдинги қиска унли, таъсис – дахилдан олдинги чўзиқ унли. Юқоридаги мисолдаги “заҳмат – раҳмат” қофиядош сўзларида ī – равий, ундан олдинги ḍ қиска унлиси – шибо, ишбодан олдинги m ундоши – дохил.

Шеър таркибида қофиядош сўзлардан олдин ва кейин такрорланиб келадиган сўзлар ҳам учрайди. Ушбу сўзлар адабиётшуносликда ради́ф ва хожи́б деб юритилади.

Ради́ф арабча сўз бўлиб, отнинг орқасига мингашиб келувчи, изма – из борувчи демакдир. Шеър давомида барча мисра ёки байтлар охирида қофиядан кейин айнан такрорланиб келувчи сўз ёки сўз бирикмаси ради́ф деб юритилади.

Шеър таркибида ради́фнинг ўрни қатъи белгиланган. Ради́ф фақат мисра охирида келади. Ради́ф сўз такрорининг бошқа кўринишларидан шеър ритмини кучайтириши билан фарқ қилади. Ради́ф шеърда сўз ёки сўз бирикмаларининг шунчаки такрори эмас. У мисра ёки байт мазмунини белгилашда муҳим ўрин тутadi. Мисра ёки байтнинг ажралмас таркибий қисми саналган ради́ф фикр, туйғуни таъкидлаш, кучайтириш учун хизмат қилади. Масалан, Огаҳийнинг:

Дўстлар, бу кун ажаб бир сарф қоматкўрмишам,

Сурати боштин оёқ ғарқи латофаткўрмишам

матлаъсида “қомат” ва “латофат” сўзлари қофия ҳосил қилган. Улардан кейин такрорланиб келадиган “кўрмишам” сўзи ради́ф саналади. Машрабнинг қуйидаги байтида ради́ф бир неча сўздан иборат:

Муродингга етайдесанг, каландар бўл, каландар бўл,
Ситам аҳлим ютайдесанг, каландар бўл, каландар бўл.

Ушбу байтда “етай” ва “ютай” қофиядош сўз саналади; “десанг, каландар бўл, каландар бўл” сўзлари эса радифдир.

Радиф Шарқ мумтоз шеърлятида ғазалларда, айниқса, кенг қўлланади. Шу боис ғазал кўпинча матлаъси ёки радифи билан аталади. Масалан, Навоийнинг “Топмадим” радифли ғазали, Бобурнинг “Қолдим” радифли ғазали дейилади.

Ҳожиб – арабча сўз бўлиб, парда, ёкувчи, беркитувчи демакдир. Байт мисраларида қофиядан олдин такрорланиб келган сўз ёки сўз бирикмаси хожиб деб юритилади. Мисраларда такрорланадиган сўз ёки сўз бирикмаси қофиядан олдин жойлашиб, уни пардалагандай бўлиб туради. Шунинг учун бундай такрорланувчи сўз ва сўз бирикмалари “хожиб” деб номланади.

Ҳожиб ғазал, қасидларда кўпроқ қўлланади. Шарқ мумтоз адабиётида рубоий, туюқ ва бошқа жанрда ёзилган шеърларда ҳам баъзан ҳожиб қўлланади.

Байтда радиф ҳам, ҳожиб ҳам ишлатилса, унинг оҳангдорлиги янада ортади. Масалан, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” сидаги:

Сочинг бир торина минг ҳур етмас,
Юзунгнунг нурина минг нур етмас

байтида “ҳур – нур” қофиядан сўзларидан олдин такрорланган минг сўзи хожиб, кейин такрорланаётган “етмас” сўзи радифдир.

12-мавзу. *Шарқ шеъриятида образ*

Шарқ шеърияти узок тарихга эга. Шарқ шеършунослиги адабиётшуносликнинг таркибий қисми бўлиб, у мукамаллиги ва мураккаблиги билан алоҳида ажралиб туради. Шарқ шеърятшунослиги “илми аруз”, “илми бадеъ” ва “илми қофия” деб номланган бир – бирига чамбарчас боғлиқ уч қисмдан иборат. Мумтоз адабиётшуносликда уларнинг ҳар бирига алоҳида фан деб қаралган.

Илми аруз. Аруз шеър тизимининг ўзига хос қонуниятларини ўрганувчи соҳа, арузшунослик. IX асрда яшаган араб олими Халил ибн Аҳмад аруз илми аруз сифатида эътироф этилади. Аруз илми араб шеъриятини ўрганиш заминида юзага келган. Илми аруз асарлар давомида такомиллашиб борган. Халил ибн Аҳмад, Ибн Усмон Мазиний, Имом Аҳмад ибн Абдураббих, Ибн ал – Хатиб ат – Табризий каби олимлар аруз арузшуноси сифатида танилган. Мавлоно Юсуф Нишопурий, Рашидиддин Вотвот, Шамс Қайс, Носириддин Тусий, Салмон Савожий, Абдурахмон Жомий форе арузшунослигига оид рисоалар яратилган. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шайх Аҳмад Худайдод Тарозий кабилар туркий арузшунослик ривожига муносиб ҳисса қўшишган. Умуман, Шарқ мумтоз адабиётининг ажазият намояндалари шеърят, аруз илми тўғрисида алоҳида асар битишган ёки асарларида, албатта, бу хусусда мулоҳаза билдиришган. Масалан, Абдурахмон Жомий саккиз равза (боғ) дан иборат “Баҳористон” асарининг еттинчи равзасини “Шеър ва шоирлик бобида” деб номлаган ва: “қадимий донишмандлар ҳукмига қараганда шеър шундай калимадирким, у мақаддимоти хаёл, яъни тингловчи хаёлини қўзғотувчи ва маъноси унга иқбол бергувчидир. Бу ҳақиқат бўлиши ва бўлмаслигидан ва бунга тингловчининг ишониши ва ишонмаслигидан қатъий назар. Масалан, “майлаълдир ёки эритилган ёқутдир” ёки “бол – асалари чиқариб ташлаган шўр, аччиқ нарса” деганларидек. Умуман олганда, донишмандлар бунда вазн ва қофияни эътиборга оладилар. Демак, вазнли ва қофияли калимадирким, бунда

хаёлнинг бор – йўқлиги ёки ҳақиқатнинг бор – йўқлиги унчалик эътиборга эга эмас. Ҳақиқатан ҳам шеър нечоғли гўзал, нечоғли фазилатга бой ва нечоғли юксак. “Шеърдан буюкроқ фазилат бормикан?! Шеърдан сеҳрлироқ сеҳр бормикан?!” дейди. Улуғ шоир Абдурахмон Жомий ушбу бобда Рудакий, Дақикий, Имора, Унсурий, Асжадий, Фаррухий, Фирдавсий, Носир Хусрав, Амир Муиззий, Адиб Собир Тирмизий, Анварий, Рашидидди Вотвот, Афзалиддин Ҳоконий, Фахр Журжоний, Низомий, Салмон Соважий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Хусров Деҳловий, Ориф Ҳаравий, Алишер Навоий каби Шарқ шеърлятида ёрқин из қолдирган шоирлар ижодига боҳа беради. Масалан, Алишер Навоий тўғрисида: “Бизнинг замонамиз бу соҳибдавлат вужуди ила мушаррафдир. У ўз мартабаси, улуғлиги ва шохга яқинлиги ва шунингдек, Аллоҳ ато этган ва ўқиш – ўрганиш билан орттирилган илму дониш ва ақлу заковати билан шеърлари хусну қамоли учун ҳар қандай – мақтовдан юқори турса – да, у ўзини паст тутиб, шеър аҳли жамоасига қўшилди ва бошқаларга ҳам пардани орадан кўтариб, шеърят йўлини очиб берди. Аммо ҳаққониятини айтганда у мана шу анжуманларнинг барчасига бошлиқ ва шеър аҳли сардафтарида номи битик...

Табиати тақозоси ва қобилият кенг фазосига кўра у туркий ва форсий шеърларида юксалишга муяссар бўлган бўлса – да, туркий кўпроқ мойиллик кўрсатди ва бу тилдаги ғазалиёти ўн минг байтдан зиёдроқ бўлди. Низомий “Ҳамса”си муқобилида ёзган маснавийлари уч минг байтга яқин ва бу тилда ҳеч ким бунчалик кўп ва кўб шеър ёзмаган.

Форсий шеърлари орасида Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Яхшилар дарёси” қасидасига жавоб тариқасида битилган қасидаси бор. Унда ажиб мазмун ва нозиқ ҳаёлатга эга байтлар жуда кўп...” деган.

Ўтмиш донишмандлари шеър битиш ҳам, шеърни тушуниш, ҳис этиш ҳам жўн иш эмаслигини таъкидлашган. Хусусан байт, рукн, ҳижо, баҳр, зиҳоф каби тушунчалар билан танишиш ҳам аруз илмини ўрганишга осонгина эришилмаслигини билдиради. Низомий Арузий Самарқандий:

(XIаср охири – 1160): “Шоирлик шундай санъатки, (шоир) бу санъат орқали хаяжонлантирувчи тушунчаларни ҳосил қилади ва ва таъсирчан қиёсларни бир – бирига улайди. У шундай йўл билан, масалан, кичик маънони каттага, катта маънони эса кичикка айлантиради, чиройлини хунук либосда кўрсатади, хунукни эса чиройли суратда жилвагар этади. Илҳом санъати билан ғазаб ҳамда ҳиссий қувватларни кўзғатади, натижада, кишилар табиатида кайғу ёки хуррамлик пайдо бўлади. Бу эса улуг кишилар фаолиятида оламни тартибга солиб туриш учун хизмат қилади... Ҳар кимнинг шеър таъби мустаҳкам, сўзлари эса равон бўлса, шеър илмини ўрганишга, аруз ўқишга киришади” деб таъкидлайдики, бу шеърни тушуниш кишидан зеҳн ва сабағни талаб этишини англатади.

Улуг немис шоири ва мутафаккир Йохан Вольфганг Гёте (1749 – 1832) “Ҳар қандай лирик асар яхлит ҳолда тўлиқ тушунарли, қисман ҳолда эса оз – моз тушунарсиз бўлиши мумкин” дейди (Йоханн Вольфганг Гёте. Ҳикматлар ҳазинаси. – Тошкент: “Шарқ”, 2008. – 17 = бет). Аруз тизимининг баҳр, рукн, қофия сингари таркибий қисмлари ўз ҳолича чуқур маънони ифодаламайди. Ундаги барча қисмлар узвий бирлашганидагина теран мазмунини англатади. Санъат асарларининг таркибий қисмлари тўғрисида муайян тушунчага эга бўлиш уларда мужассамлашган маъноларни англашга имкон беради. Шу боисдан Шарқда шеършуносликка азалдан алоҳида эътибор бериб келинган. Кишиларнинг билим даражаси уларнинг шеър санъатидан қайдаражада хабардорлигига қараб белгиланган. Шарқда касб – коридан қатъи назар, барча кишилар шеър ёдлашни бурчи деб билган. Зиёлилар, албатта, шеър санъатида атрофлича хабардор бўлишган. Шарқда шунинг учун ҳам шеършунослик алоҳида фан сифатида шаклланган. Илми аруз, илми бадеъ, илми қофия шеършуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида ривожланган.

Илми бадиъ арабча сўз бўлиб, чиройли сўзлаш, гўзал, нафис, нодир, ажойиб; бадпиягилми демакдир. Илми бадиъ мумтоз адабиётшуносликнинг таркибий қисми бўлиб бўлиб, унда нутққа безак, жило берувчи санъатлар,

уларнинг ўзига хос хусусиятлари, таснифланиши, фикрни чиройли ва мазмунни ифодалашдаги ўрни каби масалалар ўрганилади.

13-мавзу. *Лафзий, маънавий, муштарак санъатлар.*

Лирик жанрларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ҳам илми бадеъ саналади. Сўз, ибора, тасвирий воситалар нутқни безаш учун ишлатиладиган воситалар сирасига киради. Нутқни гўзал қилувчи бадиий усул ва воситалар санойиъ, яъни санъатлар деб юритилади. Санойиъ эса илми бадеънинг ўрганиши объектидир.

Санойиъ арабча сўз бўлиб санъатлар демакдир. Нутқни гўзал, жозибадор, таъсирчан этувчи барча воситалар санойиъ дейилади. Илми бадеъда санойиъ, яъни нутқни таъсирчан этувчи воситалар лафзий, маънавий ҳамда лафзий – маънавий санъатга ажратилади.

Лафзий санъатлар деганда шеърнинг кўпроқ шакл томонига эътибор қаратган ҳолда унинг услубига безак берувчи санъатлар назарда тутилади. Тарсеъ, тажнис, сажъ, қалб, тажзия, зулқофиятайн кабилар лафзий санъатсаналади.

Маънавий санъатлар деганда нутқнинг маънодорлигини таъминлайдиган санъатлар эътиборга олинади. Ийҳом, тавжих, тажохули ориф, талмех, ирсол ул масал, хусни таълил, лаффу нашр, муболаға, ташбех, тамсил, истиора кабилар маънавий санъат дейилади.

Нутқнинг ҳам шакли, ҳам маъносига алоқадор санъатлар лафзий – маънавий санъатлар ҳисобланади. Тақобул, муқобала, таъдил, тансиқ ус сифат, иктибос, тазмин, хусни ибтидо, хусни таҳаллус, хусни матлаъ, хусни мактаъ кабилар шу туркумдаги санъатдир. Лафзий – маънавий санъатлар бир пайтнинг ўзида нутқнинг ҳам шакл, ҳам маъно жиҳатига дахлдор бўлгани боис муштарак санъатлар деб ҳам юритилади.

Лафзий, маънавий ва муштарак санъатлар бир – бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар ўзаро бирлашган ҳолда нутқнинг маъно – мазмуни,

оҳангдорлиги, таъсирчанлиги таъминлашга хикмат қилади. Чунки маъно ва шакл бир – биридан айро эмас, балки яхлит ҳодисадир. Шаклсиз маъно ва маъно сиз шакл бўлмайди.

Илми бадеъ ҳам илми аруз ва илми қофия билан чамбарчас боғлиқдир. Шарқ шеърияти турфа санъатлар шеъриятидир. У ғарб шеъриятидан шу жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Шарқ шеъриятида дoston, ғазаллар эмас, бир байт – (икки мисра) дан иборат фард ҳам санъатга асосланади, фикр чиройли, таъсирчан шаклда ифодаланади. Шарқ шеъриятидаги санъатлар юқорида кўрсатилганлардангина иборат эмас. Шарқ шеърияти санъатга ниҳоятда бой. Масалан, Рашидиддин Ватвот (1080 – 1177) “Ҳадойик – с – сеҳр фи дақойик уш – шеър” (“Шеър нафосатидан бино бўлган сеҳрли боғлар”) асарида араб ва форс шеъриятидаг 63 та санъатни таҳлил қилиб кўрсатади. Яъни олим эллик беш бобдан иборат ушбу китобининг ҳар бир бобида битта санъат тўғрисида сўз юритиб, иловада яна 8 та санъат тўғрисида маълумот беради. Мазкур асарда биргина тажниснинг 7 хил кўриниши, мақлуб (қалб)нинг 4 хили тушунтирилади.

Атоуллоҳ Ҳусайний (XV аср ўртаси – 1513) нинг “Бадоъе ус саноеъ” (“Санъат гўзалликлари”) асарида эса шеъриятдаги санъатлар уч туркумга: лафзий, маънавий ва лафзий – маъновий санъатларга ажратилиб, 220 дан ортиқ санъат таҳлил қилинади. Алишер Навоий “Бадоъе ус саноеъ” муаллифи тўғрисида: “Бо вужуди донишмандлик, шеър муаммову санойиъда дағи маҳорат пайдо қилди... Аммо санойиъда китобе тасниф қилиптур “Бадойиъ – и Атойи” ға мавсумдир. Бо вужуди ихтисор, мақлуби муставий санъатидин ким, андин мушкироқ санъат бўлмас, бу байт ул рисолада анинг хосса байтидурким:

Шакардаҳано ғаме надорид,
Дийро данийи муғона даркаш

Анинг табъи диққатиға бу байт далили бастур” деган.

Шойх Аҳмад Тарозий (XV аср) нинг “Фунун ул болоға” (“Балоғат илмлари) асари илми бадеъга оид туркий тилда ёзилган дастлабки асарлардан биридир. Муаллиф асарини Мирзо Улуғбекка бағишлаган. Унда шеър навъ (жанр)лари, қофия ва радиф, бадий санъатлар, оруз илми масалалари ёритилган. Ҳжрий 840 (мелодий 1436 – 37) йилда битилган ушбу асар “Латойифу Тарозий” деб ҳам юритилади. Мазкур асарда ҳар бир одам адабиётдан хабардор бўлиши тўғрисида сўз юритилиб: “Ҳар одамеким, инсоният яқосидан бош чиқорур, анга назм ва насрнинг қоидасин билмактин гузир (илож, гора, таддир) йўқтур” деб таъкидланади.

Наср бинни Ҳасоннинг “Маҳосин ул калом”, Ибн Мўътазнинг “Китоб ул бадеъ”, Қудам ибн Жаъфарнинг “Нақд уш шеър” асарлари илми бадеъга оид араб тилида ёзилган китоблардир. Умар Родуёнийнинг “Таржимон ул болоға”, Рошидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус сеҳр”, Қайс Розийнинг “Ал – мўъжам”, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойи ус – санойиъ”, Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар” асарлари форс тилидаги илми бадеъга оид асарлардир.

Илми аруз, илми бадиъ илми қофия билан бевосита боғлиқдир. Илми қофия арабча сўз бўлиб, қофия илми демакдир. Мумтоз адабиётшуносликнинг таркибий қисми илми қофияда қофия ва унинг турлари, тузилиши, бадий санъатлар билан муносабати, шеърнинг оҳангдорлигини таъминлашда қофиянинг ўрни каби масалалар ўрганилади. Ҳ. Б. 293 – б.

Илми аруз, илми бадеъга оид асарларда ҳам тўғрисида сўз юритилади. Чунки қофия шеърий нутқнинг энг муҳим унсури саналади. Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул болоға” асарида: “Билгилким, мажмуи уламо ва фузало мазҳабинда аҳли таъбға қофия илман билмак муҳимдир. Зеро, таъбнинг натижаси шеърдир. Ва шеърнинг асли қофия. Ва қофиясиз шеър мумкин эрмас” дейди. Қофия мисраларда оҳангдошлик ҳосил қилиш баробарида, улардаги маъно таъсирчанлигини таъминлайди. Шу боисдан Шарқ шеъриятида қофияга алоҳида эътибор қаратилади. Қофия шеърдаги шакл

унсури эмас. Қофия шеър мазмунини ифодалайдиган энг муҳим жиҳатдир. Шу боисдан адабиётшуносликда қофия шеърнинг барча унсурлари билан узвий боғлиқ тарзда таҳлил қилинади. Шамсиддин Қайс Розий (XII – XIII аср) “Ал – Мўъжам фи маъойири ашъорил ожам” (“Ажам шеърлари андозалари луғати”) асарида: “Билгилким, шеър асли луғатда “билимидир ва сўзнинг тўғри идроки маъносини берур ва истилоҳий жиҳатдан маъноси мураттаби (тартибга солинган) ва мутасовий (ўзаро баробар) ва охири харфлари бир – бирига монанд келувчи сухандир. Ва шунинг учун мураттаби маъновий сухан” (маъноси тартибга солинган) дейилдики, ҳақиқий шеър билан бемаъни тартибсиз калом ўртасида фарқ бордир. Ва шунинг учун мавзун айтилдики, назм билан маъновий мураттаб наср ўртасида ихтилоф бордир” деса, Абдурахмон Жомий (1414 – 1492) “Рисолаи қофия” асарида: “Сўзни мавзун (ваззли) қилганларидан сўнг фасоҳат анжуманининг қофиясини унга тақаллум қилурлар... Билгилким, қофия Ажам шоирлари одатича, байтлар охиридаги сўзларнинг такрорланиб келишидир, шу шарт биланки, талаффузда мустақил бўлмасин, балки мисраънинг бир жузви (қисми) бўлсин. Баъзилар жумланинг охирини қофия дерлар, баъзилар эса равий ҳарфини қофия деб атарлар. Радиф деб шундай калимани айтурларки, бу калима барча байтлар охирида бир хил тарзда такрорланиб келсин” дейди. Ушбу мулоҳазалардан қофия шеърнинг энг муҳим таркибий қисми эканлиги англашилади. Қофия шеърга ҳам шакл, ҳам маъно берувчи энг зарурий таркибий қисм саналади. Шу боисдан Шарқ адабиётшунослигида илми қофия шеършуносликнинг алоҳида тармоғига айланган ва ривожланган. Али Сарахсий Баҳромий. “Канз ул қофия”, Абдурахмон Жомий “Рисолаи қофия”, Атоуллоҳ Хусайний “Қофия илми қоидалари ҳақида рисола” битгани шундан далолат беради. Девонларнинг дебочисида, достонларда, илми аруз, илми бадеъга оид рисоаларда қофия тўғрисида фикр билдирилгани ҳам шеърда шакл ва маъно таъсирчанлигига эришишида қофия алоҳида оҳамият касб этишини билдиради.

14-мавзу. Гўзаллик таърифи

Шарқ шоирлари, жумладан қофияга алоҳида эътибор берган ва унинг воситасида ёқимли, таъсирчан оҳанг ҳосил қилган. Сўз – ғоятда сирли ходиса. Ундаги ҳар бир товуш маъно ифодалайди ёки маънога бошқача тус беради. Шу боисдан бир сўз талаффуз этилишига кўра бир неча маъно англатади. Бир сўз ҳам жиддий, ҳам киноя пичингни билдиради. Сўзларнинг айтилиши кишининг мақсад – муддаосини аён этади. Сўздаги товушлар талаффуз этиши жиҳатидан бу ҳолатни ошкор қилади. Сўзларда мана шундай сирли – сеҳрли хусусият мужассамлиги боис Гёте (1749 – 1832) “Фауст” асарида:

Ҳар бир сўз маъносин қилмоқ учун ҳис,
Аҳли дониш ўзок товушга боқур

дейилади. Шарқ шеършунослигида айни ҳолат кузатилади. Унда сўз даги ҳар бир товушга алоҳида эътибор қаратилади ва махсус ном қўйилади. Арузшуносликда ҳафиф (енгил) ва сақийл (Ғофир), сокин ва мутаҳаррик, сабаб, батад, фосила сингари терминлар ффил қўлланиши сўздаги ҳар ужурда маъно мавжудлигини билдиради.

Эслатиш жоизки қадимда эллин тилида ёзилган барча шеърӣ асарлар узун ва қисқа ҳижоларнинг алмошинувига асосланган. Масалан, гекзаметр вазни олти туроқвон иборат бўлиб, ушбу туроқларнинг ҳар бири дактиль деб аталган бир узун, икки қисқа (- VV) бўғиндан таркиб топган. Шеър оҳангда бўлиши учун охирги туроқ спондий деб аталувчи икки узун ҳижо (– –) билан алмаштириб талаффуз қилинади. Шеърдаги ҳижоларнинг узун – қисқалигини, яъни дактиль ҳамда спондий туроқларини маълум тартибда алмаштириш орқали гекзаметрнинг турли оҳангда жарангини ҳосил қилишга эришилган. Шеърда узун ҳижоларнинг кўпроқ бўлиши воқеанинг улуғворлигини, ҳаракатнинг салмоқдорлигини таъминласа, қисқа

хижоларнинг кўплиги ҳаракатта тезлик, енгиллик, ўйноқилик бағишлайди. Қадимги шоирлар шу йўсинда гекзаметрни ўн олти вариантда қўллашган. Бундан ташқари, шеърнинг уйинчи ёки тўртинчи туроқлари ўртасида келадиган кезура, яъни паузалар ҳам гекзаметрда муҳим аҳамиятга эга. Манбалардан маълум бўлишича, қадимги юнон шеъриятида қофия бўлган эмас. Вазн шеърнинг оҳангдорлигини таъминлайдиган бирдан – бир восита саналган.

15-мавзу. *Шарқ шеъриятида образ*

Шарқ шеърияти асосида “ёр” образи туради. Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жамий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллаёр, Ҳувайд, Ҳазиний каби шоирларнинг “ёр” тимсоли кенг қўлланади. Шарқ шоирлари “ёр” деганда аввало Оллоҳни назарда тутушади. Улар ўз шеър, дostonларида унинг яратувчанлик қудратини, у бутун мужассам эканини таърифлашади. Ер ва осмондаги нарсаларда Оллоҳнинг гўзаллиги акс этишини таъкидлашади. Шайх Фаридиддин Аттор “Илоҳий нома” асарида: “Барча номалар унинг номи – ла безанур. У шундай улуғ зотки, мулки заволи билмас. У ҳақда сўзлагувчининг ақли хираланиб, тиш лол бўлур. Унинг номи номларни шарфлаб, диллорга шодлик бағишлар, девонлар мундарижасининг боши ҳам шу ном. Бу номдан жонларнинг оғуз шарбатга тўлур. Уни ёдга олувчининг тили дуру гавҳар сочар. Унинг номисиз бирор нарса йўқ. Барча мўъжизалар, хушбўй ҳидлар, рангин манзаралар, қудрат ва сифатлар, шону шараф, ору номус шу номдандир... Бутун оламда ундан ўзга ёр йўқ” дейди.

Шоирлар ёр – Оллоҳнинг қудрати, гўзаллигини таърифлашда бир – биридан чиройли, бир – биридан маънодор ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, муболағалар қўллашади. Улар шеърга жозоба, фусун ва сирлилик бағишлайди. Шеърда шу боис сўзлар одатдагидан кўра

таъсирчанроқ қувват касб этади. Турли бадий ифода воситалари туфайли шеър тили кундалик сўзлашув тилидан тамомила фарқ қилади. Чунки шеърда шундалик мулоқотни қоғозга тушириш асосий мақсад саналмайди. Шеърда шоир қалбини жунбуига келтирган ҳиссиётларни, уни ҳаяжонга солган, тўлқинлантирган туйғу, кечинмаларини изҳор этади ва шу асосида бошқаларда ҳам кутилмаган кайфият, жўшқин ҳиссиёт уйғотади. Шунинг учун “Сўзда – сеҳр, шеърда – ҳикмат бор” дейилади. Сўз шеърда киши онгига дафъатан таъсир этадиган сеҳр кучини намоён этади. Шеърда баён этилган шу сабаб ҳикмат бўлиб туюлади. Шарқда шу боис шеърга бўланча меҳр – муҳаббат, эътибор билан қаралади. Шарқ шоирлари ўз шеърларида юрагидаги дардини изҳор қилишади. Улар шеърларида Оллоҳга илтижо этишади. Мана шу каби сифат, хусусиятлар мужассам экани туфайли Шарқда “шеър – юрак муножоти, қалбининг куйи” деб тушунилади. Шеърнинг жозибасини, унинг оҳанги ва маъносини ҳис қилган киши беихтиёр завқ – шавққа тўлади, қалбига ҳис – ҳаяжонга, ажб туйғулар қуйилиб келаётганини ҳис қилади. Ўзининг бу ҳолатидан ҳам қувонади, ҳам изтиробга тушади. Киши шеърда нима хусусида сўз юритилган бўлса, албатта, ўша ҳақда уйланади. Шоирнинг қалбидан ўтган кечинма, ҳис – ҳаяжон сездирмасдан унга ўз таъсирини ўтказади.

Шарқ шеърлятида бутун борлиқ Оллоҳнинг ижови, ундаги барча гўзаллик унинг яратувчанлиги қудрати деб таърифланади. Инсоннинг ҳусну чиройи Оллоҳ жамолининг акси, Парвардигар жамолининг жилвиси деб қаралади. Оллоҳнинг яратган ҳар бир нарсаси беҳад мукамал ва гўзал бўлгани боис одамлар уларга талпинади, нафосатга доим ташна ямайди. Инсоннинг – ёши кекса, эркак – аёлнинг гўзаллигини севиши, унга интилиши, унда Оллоҳ жамоли жилоланиши билан боғлиқ, деб таъкидланади. Шарқ шоирлари инсонни табиатдаги нарса – ҳодисаларни тавсифлаганда, улардаги гўзалликни мадҳ этганда, албатта, Оллоҳга ҳамду сано айтишади. Жонли ва жонсиз ҳар бир нарса Оллоҳнинг қудрати, унинг мислсиз жамолининг намоёни эканидан ҳайратга тушишади. Шоирлар инсон

чеҳраси чиройини, дов – дарахт, ўсимликлар гулидаги нафосат турли ташбеҳлар, хилма – хил ўхшатиш, бетакрор сифатлаш, муболаға воситасида таърифлашдан завқланишади ва бошқаларда ҳам завқланиш ҳиссини уйғотишни асосий мақсад деб билишади. Бу борасида шоирлар ўртасида кўринмас ва туганлис мусобақакечади. Инсоният яралганидан бошланган бу мусобақа барчага завқ беради. Шеърият бакш этган завқ, ажиб туйғу, кечинмалар таъсирида кишилар олам гўзаллигини ҳис этиб, Оллоҳнинг чексиз қудрати, унинг яратувчанлиги хусусида мушоҳада юритишади. Шеъриятнинг, умуман адабиёт ва санъатнинг аҳамияти аввало шу билан белгиланади. Шеърият, санъат инсонни гўзалликни ҳис қилиш, ундан ҳайратланиш ва бунинг, яратувчисининг бунёдкорлик қудраттўғрисида мушоҳада юритишга ундаши, бунга рағбатлантиргани боис қадрланади.

Шарқ шеъриятида Оллоҳ гўзаллик идеали сифатида шарафланади. Шоирлар унга дил розларини айтишади, унга илтижо қилишади, ундан нажот, мадад сўрашади. Шеър шоирларнинг қалб кўзини очади. Уларнинг шеърдаги сўзи қалбдан чиққади. Шунинг учун уларнинг шеъри бошқаларга таъсирини ўтказади. Қалбдан чиққан сўз эса ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шеърда қайғу, изтириб ифодаланса, киши беихтиёр ғамгин тортади, завқ – шавқ акс этса, ўз – ўзидан қалбида қувонч ҳисси пайдо бўлади. Шунинг учун “Шеър – ғайбдан келадиган неъмат” дейилади, шеър сўзларни вазнга солиш, қофиялаштиришдан ҳосил бўлмайди. Ҳақиқий шеър қалбнинг ҳисга тўлиб, жунбушга келишдан яралади. Бу пайтда сўзлар қалбга ўз – ўзидан қуйилиб келаверади. Уларни вазнга солиш, оҳангини мослаб қофиялаштиришга ҳеч қандай ҳожат қолмайди. Шеър инсон қалби билан боғлиқ ғаройиб, сирли ҳодиса бўлгани боис унга турлича таъриф ололмайди. Шеър тўғрисидаги таърифларда унинг маълум жиҳатларигина ифодаланади.

Шарқ шеъриятида инсон гўзаллиги таърифи кенг ўрин тутди. Ғарб адабиётида ҳам айни ҳолат кузатилади. Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий шеърларида аёл гўзаллиги, унинг хусни жамоли мадҳи алоҳида ўрин эгаллайди. Ваҳдатул вужуд таълимоти

асосчиси шайх Ибн Арабий шеъриятда, умуман, саиъатда аёл гўзалиги таърифи диққат марказига қўйилишини: « » деб тушунтиради. “Худо Ҳавони Одамнинг қисқа қовурғасидан яратди. Бинобарин, унинг даражаси эр хакникидан кўра пастроқ бўлди. Худо айтганидай: “Эркак улардан кўра бир даража юқоридир”. Шунинг учун аёллар ҳеч қачон эркакларга ета олмайди. [...] Ҳаво Оданинг танасидан ажратиб олинганида Худо бўшлиқни аёлга бўлган иштиёқ билан тўлдирди, чунки мавжудлик бўшлиққа ўрин қолдирмайди. Ул зот бўшлиқни “ҳаво” билан тўлдирганида Одам худди ўзи томон эгилганидай, Ҳаво томон эгилди, чунки Одам у яратилган ватан эди” деб тушунтиради. (Кўчирма Томати Ж. Унтер (Абдулҳаким Муроднинг XXI асрда ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш)” китобидан олинди. – Т.:”Шарқ”, 2005.- 368б.-133-бет). Аён бўладики, санъатда аёл гўзалиги мадҳи асосий ўрин тутиши инсониятнинг яратилиши билан боғланади. Инсоният ибтидоси билан боғлиқ ушбу ҳодиса Шарқ шеъриятида бош мавзу саналади. Шарқ шоирлари соҳибжамол аёлнинг хусни, чиройини мадҳ этганда инсон барча мавжудотдан гўзал, устун қилиб яратилганини назарда тутишади. Масалан, Алишер Навоий Оллоҳга мурожаат қилиб:

Оламу одам фидонг ўлсунки борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин, ар оламдин ижондур ғараз

дейди. Яъни “Эй ҳабиб, фақат ўзинг борсан. Олам ва одам сенга фидо бўлсин. Сен одамни ўзинг учун, ўз қудратинг ва жамолингдан завқланиш учун, оламни эса инсон учун яратуинг”, дейди.

Шарқ шеъриятида кўпинча Оллоҳ гўзаллиги мадҳи одамнинг гўзаллиги таърифи билан узвий боғлиқ талқин этилади. Алишер Навоийнинг “Ҳадейин ул маоний” (“Маънолар хазинаси”) девонидаги дастлабки ғазал:

Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор ул худо,
“Ёр аксин майда кўр” деб жомдин чикди садо

деб бошланади. Матлаъдан, англашилдики, Навоий Оллоҳни қуёш ва ёр деб атайди. Ишқ эса Оллоҳга элтувчи муқаддас туйғу, дейди. Ушбу байтда “жом” қалб, кўнгилни, “мой” эса Оллоҳнинг ишқи, унга интилиш, Оллоҳ пок қалбда тажалли этиши, яъни кўринишини билдиради. Навоий “оламдин ижондур ғараз”, яъни Оллоҳ оламини инсон барча одатлар учун яратди, дейди.

Шарқ шоирлари фақат аёлнинг эмас, умуман, инсоннинг гўзаллигини таърифлашади. Улар шу асосда Оллоҳнинг қудратини, у гўзалликлар яратувчиси эканини шарафлашади. Чунки илоҳий китобларда Оллоҳ инсонни ўзига ўхшатиб яратгани айтилади. “Қуръон”нинг “Аъроф” сурасидаги 172чи оятда Аллоҳ билан ҳар бир инсон ўртасида дунё яратилмасидан бурунги ибтидоий аҳд хусусида сўз боради. (Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш). 221чи бет.)

Шарқ шеърлятида “ёр” деганда фақат Оллоҳ ёки соҳибжамол аёл эмас, “дўст”, “қадрдон”, “биродар”, умуман, дунёқараши, фикри бир – бирига мос келадиган киши назарда тутилади. Лекин шўро мафқураси таъсирида мумтоз шеърлятдаги “ёр” образи жуда тор талқин этилади. Масалан, Навоий:

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,
Мулкум султони йўқ жисмедурур ким жони йўқ

матлаъли ғазалида Худони – ўзининг яратувчисин унутган кишининг ҳолатини таъриф этган. Ғазалнинг кейин байтлари шундан далолат беради. Шеърда “Оллоҳдан айру кўнгул” қандай нарса эканлиги баён қилинар экан, унда фикр бир – бирига мантиқан боғланиб, бир – бирининг узвий давомига айланиб кетаверади. Навоийнинг шеърлярида фикр тадрижий тарзда ривожланади. Биринчи байтда баён этилган фикр кейинги байтларда ривожлантирилади. Бунда шоир кўпинча тазод, яъни қаршилантериш усулида усталик билан фойдаланади. Қуйидаги ғазал ҳам шундан далолат беради.

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,
Мулкум султони йўқ жисмедурур ким жони йўқ.

Жисмдан жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул
Бир қаро туфроғдекдурким, гулу райҳони йўқ.

Бир қаро туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга,
Ул қоронғу кечадек дур ким, маҳи тобони йўқ.

Ул қоронғу кечаким йўқтур маҳи тобон анга,
Зулматедур ким, анинг сарчашмаи ҳайвони йўқ.

Зулматеким чашмаи ҳайвони онинг бўлмағай,
Дўзахедурким, ёнида равзаи ризвони йўқ.

Дўзахийким равзаи ризвондин ўлғай ноумид,
Бир хуморий дурким, анда мастлиғ имкони йўқ.

Ғазалдаги “ёрдин” сўзи ўрнига “Оллоҳ” сўзи қўйилса, шоирнинг бутун борлиқнинг яратувчиси – Парвардигор қудратини таърифлагани аниқ англашилади. Биринчи мисрда Оллоҳни унутган киши мулки йўқ султонга ўхшайди, деган ифодаланади. Аёнки бирор мулкка – мамлакатга ҳукмрон бўлмаган кишини ҳеч ким султон сифатида тан олмайди. Чунки ҳар қандай киши эмас, балки бирор мамлакат ҳукмрон “султон”, “подшоҳ” дейилади. Иккинчи мисрада мулксиз султон жонсиз жисмга ўхшайди, дейилади. Навоий Оллоҳнинг қудратини унутган кимсанинг аҳволини жонсиз жисмга қиёслайди. “Жонсиз жисм” деганда тош, кесак, қуриган шох – шабба, хас – хашак каби нарсалар тушунилади. Шоир одам Оллоҳни ёдидан чиқарса, ана шундай эътиборсиз нарсага айланиб қолади, дейди. Учинчи мисрада шоир “эй мусулмонлар, жонсиз жисмдан ҳеч нарса чиқмайди”, деб таъкидлайди.

Тўртинчи мисрада фикрини давом эттириб, Худодан айрилган – Оллоҳнинг маслсиз яратувчанлигини бир лаҳза бўлса – да, унутган киши гулу райҳон битмайдиган каро тупроқ бўлиб қолади, деб уқтиради. Кейинги байтларда ҳам Оллоҳдан айру кўнгулнинг аянчли ҳолатлари таърифи двом эттирилади. Уларда байт охиридаги фикр кейинги байтнинг биринчи мисрасида яна эслатилиб, иккинчи мисрада янги фикр асосида кучайтирилади. Яъни:

Бир каро туфроғдек журким, гулу райҳони йўқ.
Бир каро туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга,
Ул қоронғу кечадек дурким, маҳи тобони йўқ.
Ул қоронғу кечақим йўқтур маҳи тобон анга.

дейилади. Навоийнинг бошқа ғазалларида ҳам фикр тазод асосида ривожлантирилади. Тазод бир – бирига зид, қарама – қарши ҳодиса дир. Оқ – қора, иссиқ – совуқ бири иккинчисининг акси бўлгани учун тазод саналади. Шарқ шеъриятида ўхшатиш ва тазоддан кенг фойдаланилади. Чунки мақсадни аниқ ва таъсирчан ифодалашда ўхшатиш ва тазод жуда қўл келади.

Санъат ва адабиётда таъсирчан манзара яратиш муҳим аҳамият касб этади. Шеъриятда ҳам шоир бутун диққат – эътиборини фикрни таъсирчан ифодалашга қаратади. У шу мақсадда турли бадий ифода воситаларига бойлиги билан ажратилиб турди. Шарқ адабиётида ижодкорнинг маҳорати бадий ифода воситаларини қўллашига қараб белгиланади.

16-мавзу. Бадий тасвир воситалари

“Бадий тасвир воситалари” деганда бадий асарда нарса – ҳодисаларни жонли тасвирлаш, ҳис – туйғу ва кечинмаларни ёрқин ифодалашга йўналтирилган тил воситалари назарда тутилади. Ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш, муболаға ва бошқалар шундай тил воситалари саналади. Бадий тасвир воситалари нарса – ҳодисаларни образли акс эттиришни

кучайтиришга хизмат қилади. Ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, муболаға кабилар нарса – ҳодисаларга хос хусусият, белгиларни одатдагидан бўттириб, эмоционал тус бериб кўрсатади. Яъни уларни ҳис – туйғуларга йўғириб ифодалайди. Уларда образлилик ва ҳиссийлик ўзаро уйғунлашиб кетади. Бадиий асарларда сўз ўз ҳолида эмас, балки бадиий тасвир воситасига айланганида таъсирчанлик касб этади. Алишер Навоий “Ҳайрат ул аброр” достонида:

Сўз гуҳарига эрур онча шараф,
Ким, бўла олмас анга гавҳар садаф.
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ўл,
Етти фалак ахтарининг буржи ул ...
... Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз
Сўз билан хавф ондин анга имтиёз

деганда сўзнинг ана шу сифат касб этишини назарда тутлади. Ҳеч бир ижодкор нарса – ҳодисаларга бадиий тус бериб, бошқаларнинг қалби, руҳига таъсир кўрсатишга осонлик билан эришмайди. Бадиий асардаги ҳар бир ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, муболаға илҳом ва матаққатли изланиш, узоқ йўлланиш “мева” сифатида пайдо бўлади. Шунинг учун бадиий тасвир воситаларида ҳис – туйғулар ёрқин акс этиб, фикр таъсирчан ифодаланади. Нарса – ҳодисалар моҳиятини ҳамиша ҳам “ $2*2=4$ ” тарзида мушоҳада асосида тушунтириб бўлмайди. Чунки нарса – ҳодисаларнинг барча жиҳатларини мантиқ ҳамраб ололмайди. Уларнинг мантикий мушоҳода қолипига сиғмайдиган томонларимавжудлигини ҳар бир киши сезиб, ҳис қилади. Санъат ва адабиётнинг мумтоз асарларида ҳиссий – образли тафаккур намоён бўлади. Ўхшатиш, сифатлаш, муболаға каби бадиий тасвир воситалари ҳиссий – образли таффакурнинг ўзига хос кшриниши бўлиб, улар орқали нарса – ҳодисаларнинг моҳияти, аҳамиятини тушунтириш осон

кечади. Кишилар шоирнинг таъриф – тавсифи мантиқан тўғри келмаслигини билса – да, ундан беихтиёр таъсирланишади. Муболаға, ўхшатиш, жонлантириш уларнинг тасаввурини бойитиб, нарса – ҳодисалар ҳақидаги тушунчасини кенгайтиради. Бадиий тасвир воситалари туфайли кишилар нарса – ҳодисаларнинг аввал эътибор қилмаган жиҳатларини билиб олишади. Улар одамларни ҳаётга янада яқинлаштиради. Шу боисдан адабиётда азалдан бадиий тасвир воситалари кенг қўлланади. Шарқ шеърляти бу жиҳатдан инсоният маданиятидаги алоҳида ҳодисадир. Шарқ шеърляти инсоннинг хиссий – образли тафаккурини ёрқин акс эттиради. Бу шеърлят бадиий тасвир воситаларига бойлиги билан жаҳон адабиётида алоҳида ажралиб туради. Унда борлиқ ҳодисаларни, инсон дунёси бир – биридан таъсирчан ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш каби санъатлар асосида таърифланади. Шарқнинг улуғ шоирлари қўллаган санъатларни ўйлаб, мушоҳада қилиб топиб бўлмайди. Шунинг учун Хўжа Ҳофиз Шерозий бир ғазалида: “Мен шеър тўқимайман, Мен Илоҳнинг тили бўлиб куйлайман” деган. Чиндан ҳам ҳам шеърда, умуман, асл бадиий асарларда сўз бошқача туёғга киради. Уларда оддий сўзлашувда ифодалаб бўлмайдиган туйғу – ҳиссиёт, кечинмалар ифодаланади. Қизиғи шундаки, кундалик муомала – мулоқотда билдириш ноқулай бўлган ҳолатларнинг бадиий асардаги ифодаси ғалати туюлмайди, ҳеч кимни ғашлантирмайди. Аксинча хум ёқади, қизиқтиради. Чунки асл бадиий асарларда нарса – ҳодисаларнинг шунчаки қараганда кўриб бўлмайдиган, ҳис – туйғулар орқали сезиш мумкин бўлган жиҳатларига эътибор қаратилади. Ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш муболаға каби бадиий тасвир воситалари нарса – ҳодисаларнинг дабдурустдан сезилмайдиган томонлари тўғрисида ўйлантиради. Чунки шоир қўллаган бадиий тасвир воситалари билан нарса – ҳодисалар ўртасида, албатта аллоқандай боғлиқлик кузатилади. Шоир бошқалар кўра олмайдиган ана шу алоқадорликни топа олади. Истеъдодли кишиларда, жумладан, шоир, адибларда шундай хусусият бўлади. Улар нарса – ҳодисаларга бошқалардан фарқли ўлароқ кўнгил кўзи билан қарайди. Шарқ донишмандлари, жумладан

инсонда нарсаларнинг ташқи томонини кўрадиган заҳирий кўз ва ҳодисалар ўртасидаги ички боғлиқликни сезадиган ботиний кўз мавжудлигини таъкидлайди. Бу кўз “қалб кўзи”, дейилади. Истеъдодли ижодкор, у расом бўладими, композитор ёки шоир – воқеликни қалб кўзи билан кўради. У нарса ҳодисаларни ақли эмас, кўпроқ туйғулари билан англайди. Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Бедул сингари улуғ Шарқ шоирларининг шеърларида, насрий асарларида ҳиссий образли мушоҳада ақлий – мантикий тафаккур билан ўзаро бирлашиб кетади. Масалан, Алишер Навоий:

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил

дейди. Яъни: Эй дўст, ёр юзида терни кўриб ўлсам, мени гулоб билан ювгин – да, кафанимни гул баргидан қилгин. Албатта, шоир “ёр” деганда Оллоҳни назарда тутди. Адабиётшунос Нажмиддин Комилов “тасаввур ва бадиий ижод” мақоласида Шарқ шоирлари ижодига хос хусусиятлар тўғрисида мулоҳоза билдирар экан: “Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Калол Хўжандий, Жомий ва Навоий ижодида дунё гўзаллиги илоҳий ҳусну жамолнинг давоми ва моддий ифодаси сифатида қаралади. Шунинг учун улардан соф диний ғояларни ёхуд соф дунёвий ғояларни қидириш, асарларини бир – бирига зид қўйиш нотўғри. Бу шоирлар учун олам ва одам ягонадир, руҳ ва жисм, вужуд ва маъно биргадир. Улар куйлаган реаллик илоҳий сифатларнинг мазҳари ва жилоси. Илоҳий мазҳардан илоҳий манбага қараб борадиган руҳ улар учун энг гўзал руҳдир. Шу боис ҳам мазкур шоирларнинг асарларини сўфийлар ўз мақомида, оддий китобхонлар ўз мақомида англаганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг асарлари кўп маъноли, ҳар бир ифода етти қават пазда ичига яширинган. Масалан, “маҳбуб” деганда Худони, пайғамбарни, пирни ва севган кишисини англаш, “соқий” деганда ҳам айна шу тўрт тушунчани эътиборга олиш, “лаб” деганда пирнинг сўзини,

илоҳий файзни, “қош” деганда илоҳий олам билан моддий олам чегарасини, “бел” деганда комил инсон ҳаёлини, “ингичка бел” деганда комил инсон ҳаёлининг нозиклигини, “кўз” деганда комил инсоннинг ўзини назарда тутиш мавжуд” дейди. (Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: “Маънавият”, 2005.- 320б.-36-37бетлар)

Шарқ шеъриятида ҳам, ғарб санъатида ҳам нарсa – ҳодисаларнинг гўзаллигини таърифлаш кенг ўрин тутaди. Бу шарқ шеъриятида, айниқса, алоҳида бўртиб туради. Бир қарашда, Шарқ шоирлари аёл гўзаллигини мадҳ этгандай туюлади. Аслида эса аёлнинг ҳусни, чиройини таърифлаш орқали Оллоҳ инсонни гўзал яратганига эътибор қаратилади. Шарқ мутафаккирлари кишилар бирбирига меҳр кўрсатиб, ардоқласа, бу уларнинг Оллоҳга муҳаббатини, унга интилишини билдиради, деб уқтиради. Оллоҳ оламини, айниқса, ундаги одамни гўзал қилиб яратган. Чунки Оллоҳ одамни ўзига монанд қилиб бино этган гўзаллик Оллоҳнинг сифати саналади. Оллоҳ гўзалликни севади. Шунинг учун у одамларни ҳам гўзалликка эҳтиёжманд, гўзалликка интилувчан қилиб қўйган. Гўзалликка интилиш, ундан баҳра олиш учун ҳаракат қилиш ҳар бир одам учун табиий эҳтиёж саналади. Шу боисдан санъатда, жумладан, тасвирий санъат, ҳайкалтарошликда инсон суратини гўзал ифода этиш, унинг кўркем, улуғворлигини кўрсатиш барчазамонларда диққат марказида туради. Сўз санъатида, хусусан, шеъриятда инсоннинг сурати ва сийратини таърифлаш, ундаги гўзал жиҳатларни таъсирчан тасвирлаш, бунинг учун турли санъатларни қўллаш бадийликнинг энг муҳим хусусияти бўлиб келади. Ҳофиз Шерозийнинг “Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони, / Қаро холига бахил этгум Самарқанду Бухорони” матлаъли ғазалида:

Менинг нуқсонли ишқимга унинг ҳусни эмас муҳрож,

Гўзал юз ҳеч талаб қилмас бўёқ ҳам зебу орони

Гапир чолғучидан, майдан – жаҳон сиррини кам изла,

Ечолмас ҳеч киши ҳикмат – ла бу оғир муаммони.

Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзалликдан аниқ билдим:

Чикормиш ишқ номус пардсидан ул Зулайҳони

дейилади. Ҳам дунёвий мазмунни ифодалайдиган, ҳам илоҳий моҳиятга ишора саналадиган ушбу ғазалда “Унинг ҳусни” деганда Оллоҳнинг илоҳий жамоли назарда тутилади. “Ғапир чолғувчидан” деганда Оллоҳ мислсиз кудрати, бекиёс яратувчанлигидан сўзлаб кишининг кўнглига файз берувчи, руҳни кўтарувчи суҳбатларга талпин, илоҳий маърифат билан қалбингни тўлдириб, бу дунёнинг ўткинчилиги, унинг бойликлари арзимас эсанлиги, шон – шуҳрат, мансаб – мартаба кишини маънавий камолатга эришмаслигини англа, деган фикр айтилади. Юсуф эса Шарқу Ғарбда инсон гўзаллигининг тимсоли саналади. Илоҳий китобларда қайд этилмашича, Оллоҳ Юсуфни шу даражада гўзал, кўркам яратадики, кўрган ҳар қандай аёл унга беихтиёр ошиқ бўлиб, ўзини унитиб қўяди. Султоннинг хотини Зулайҳо ҳам Юсуфнинг ҳусни жамолини кўриб, шу аҳволга тушади ва одамларнинг таъна – маломатига қолади. Зулайҳонинг устидан кулган аёллар Юсуфни кўргач, ундан баттар аҳволга тушишади. Юсуф ва Зулайҳо ишқи ҳақида Шарқ ва ғарб адабиётида жуда кўп асар яратилган. Уларда инсоннинг гўзаллик таъсири олдидаги ожизлиги тўғрисида сўз юритилган. Ҳофиз Шерозий каби Шарқ шоирлари инсоннинг гўзалликка эҳтиёжмандлиги жамиятда жорий этилган тартиб – қоидалардан, ор – номус каби қадриятлардан устун туришини таъкидлашган. Шарқ шеъриятида инсон гўзаллигини турли ташбеҳлар воситасида таърифлаш муҳим ўрин тутиши инсоннинг табиатида гўзалликдан баҳраманд бўлиш ҳисси мавжудлиги билан боғланади. Хусрав Деҳлавий (1253 – 1325) нинг рубоийларидан бирида:

Кулсанг, санамо, нозли юзинг ноз этгай,

Гул икки юзингда ўзни оғоз этгай,

Гар ғунча лабингдин сўз тилар эрса, санам,

Гул – гул очилиб, ўзини пардоз этгай

дейди. Бир қарашда, рубоийда соҳибжамол қизга мурожаат қилинаётгандай, лирик қахрамон унинг чехрасига мафтун, маҳлиё эканлигини ошиқона изҳор этаётгандай кўринади. Ушбу рубоийни инсон гўзаллигининг ажойиб таърифи дейиш мумкин. Ёки Мавлоно Жалолиддин Румий (1207 -1273)нинг рубоийсида:

Кўнглимни санамга мубтало истарман,

Жонимга неча тири бало истарман.

Кўйингда агар кечмаса умрим, санамо,

Қонлар ютадурман – у казо истарам

дейилади. Айрим кишилар “санам” шоирнинг соҳибжамол севгили бўлса керак, деб ўйлайди ва шоир севгилисига мурожаат қилган, деган хаёлга боради. Аслида ундай эмас. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам, Хусрав Деҳлавий ҳам “санам” дея барча гўзалликларнинг ижодкори Оллоҳга илтижо қилган. Афсуски ҳозир “санам” деганда кўпчилик соҳибжамол маҳбубани кўз олдига келтиради. Шарқ шоирлари эса “санам”, “маҳбуба”, “ёр” деганда хаёлан бутун борлиқни беҳад мукамал қилиб яратган Оллоҳнинг мислизи гўзаллиги, қудратини тасаввур этишади. Инсоннинг тасаввури эса мавжуд борлиқ билан бевосита боғлиқдир. Инсон учун энг гўзал мавжудот унинг жинсдоши дир. Шунинг учун одам гўзаллиқнинг энг мукамал тимсолини ўзининг жинсдошида кўради. Шоир ҳам Оллоҳнинг гўзаллигини унинг тимсолида тасаввур қилади. Чунки Оллоҳнинг қудрати, гўзаллиги барча нарсалардан кўра инсонда кўпроқ акс этади. Шунинг учун санъатда инсон гўзаллиги асосий объект бўлиб келади. Инсон гўзаллигини тасвирлаш тасвирий сифатда, ҳайкалтарошлиқда ҳамиша асосий ўрин тутади. Инсон гўзаллиги куй, кўшиқлар учун доимий мавзу саналади. Шарқ шеъриятида

ҳам инсон гўзаллигини таърифлашга алоҳида эътибор қаратилади. Нафақат Шарқ, балки ғарб адабиётида ҳам инсоннинг юз – кўзи, қомати, хатти – ҳаракати, сўзлаши, кийим – либосини таърифлаш кенг ўрин тутди. Санъатда, жумладан, шеърятда аёл гўзаллиги мадҳига алоҳида эътибор қаратилиши боиси эса улуғ француз адиби Оноре де Бальзак (1799 – 1850) таъкидлаганидек, “Аёл – тангри хуш кайфиятда бўлган чоғида яратган бир масъума хилқат” эканлигидадир. (Бальзак О. Чин севги. – “Жаҳон адабиёти” журнали 2010 – йил, 12 – сон. – 7 – бет). Оллоҳ аёлнинг қиёфаси, кўринишини эмас, овозини ҳам майин, латиф илиб яратган. Бу майинлик, латифлик ҳар қандай кишини ўзига маҳлиё қилади. Француз адиби мазкур ҳикоясида қалбда аёлга интилиш ҳиссининг пайдо бўлиши хусусида сўз юритиб: “Унинг қизларгагина хос бўлган назокатли овози шундай илтифотли саховат билан янградики, самовий куйни эслатувчи бу нафис овоз заргарни ўзига мафтун қилди – ю, бу қизни у чин юракдан севиб қолди – ўша пайтда ҳамма нарса, айниқча, мудом унга тинчлик бермаётган “қачон – уйланар канман” деган ширин орзу йўлини равон, мушкулени осон қилганди” дейди.

Таъкидлаш жоизки, шоирларнинг таъриф – тавсифлари кишиларнинг эстетик туйғусини тарбияламайди. Чунки ҳеч бир туйғуни кишида пайдо қилиб бўлмайди. Ҳар бир одамнинг фитратида муайян туйғулар бўлади. Ана шу туйғулар ташқи таърифлар натижасида уйғонади, ҳаракатга келади. Шарқ шеъриятидаги Оллоҳнинг гўзаллиги, соҳибжамол аёлнинг чиройи таърифи кишилардаги гўзаллик туйғусига таъсир этади. Шеърлардаги ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш каби бадий санъатлар кишиларнинг нарса – ҳодисалар тўғрисидаги тасаввури кенгайтиради. Шоирнинг фикри бошқаларни нарса – ҳодисаларнинг аввал эътибор берилмаган жиҳатлари тўғрисида мулоҳадага ундайди, уйлантиради.

Санъатда, жумладан, шеърятда аёл гўзаллиги мадҳи алоҳида ўрин тутиши аёлда инсон гўзаллиги кўпроқ зухур топгани билан боғланади. Соҳибжамол аёл кишиларнинг гўзалликка интилиш ҳиссини кучайтиради. Ушбу интилиш севги ҳиссини пайдо қилади. Севги – муҳаббат ҳисси

инсондаги энг юксак ҳисдир. Ҳар бир одам, албатта, кимнидир севади ва бу туйғуни фақат унинг ўзи ҳис этади. Бошқа ҳеч ким ундаги бу туйғуни унингчамк ҳис қилмайди. Инсон севган кишисида гўзалликнинг чинакам намунасини кўради. Гўзалликнинг ушбу тимсоли бошқаларга гўзаллик бўлиб кўринмаслиги мумкин. Севган йигит севгилисининг қиёфасидаги камчилик, қусурларни бошқалар сингари кўролмайди. Шунинг учун “Севгининг кўзи кўр бўлади” дейилади. Ҳар бир одам севги ҳиссиётини ўзича бошидан кечиради. Шоир айтганидек, ҳар бир киши севгини янгилайди. Улуғ немис файласуфи Артур Шопенгауэр (1788 – 1860): “Севги ёш овлод куч” қудрати ва фикр – зикрининг ярмисини (балки кўпроғини) узлуксиз оҳанрабодай тортиб туради... Севги энг муҳим ишлар ва ҳодисаларга салбий таъсир қилади, ҳар соатда энг жиддий машғулотлардан узиб қўяди, айрим пайтларда, қисқа муддатга бўлса – да, буюк ақл соҳибларини ноқулай аҳволга солиб қўяди, ҳар қандай уят – андишани бир четга суриб, чақирилмаган меҳмондек, ўзининг бўлмағур даъволари билан давлат артобларининг мажлисларига, олимларнинг тадқиқотларига аралашади, чаққонлик билан ўзининг эслатма хатлари – ю, гажаклари билан вазирларнинг портфелига, файласуфларнинг қўлзмаларига кириб олади, энг қиммати ва яқин муносабатларни бузиб юборади, энг мустаҳкам рашталарни узиб ташлайди, гоҳ ҳаёт ва соғлиқни, гоҳ бойликни, жамиятдаги мавқени, бахтни ўзига қурбон этишларини талаб қилади, софдилликдан виждонни тортиб олади, содиқликни сотқинликка айлантиради, хуллас, ёвуз иблис каби ҳамма нарсани остин – устун қилади, чалкаштиради, қулатади... Бу мавзунинг чеки – чегараси йўқ ва ҳар куни тилга олинса – да, кўнгилга: тегмайди... севгининг ҳақиқий типлари тўхтовсиз янгиланиб боради ва бунинг учун биз гўзалликни англаш ҳиссиётидан миннатдор бўлишимиз зарур... Ҳар қандай киши аввало, қатъий тарзда, эҳтирос билан энг чиройлиларга иштиёқманд бўлади ва уларни хуш кўради... Ўзига ёқадиган даражада чиройли бўлган аёлларни кўрган эркакни маст қилувчи завқ қамраб олади ... Ошиқ маъшуқасида ўзида йўқ бўлган, етишмаётган мукамалликни

кўради” дейди. (Шопенгауэр А. Севги илоҳиёти. – “Жаҳон адабиёти” журнали. 2008 йил, 5чи сон. – 177 – 196чи бетлар.) Севги инсон табиатидаги эса сирли ва мураккаб ҳиссиёт бўлгани боис у ҳар бир кишининг ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Шу боисдан санъатда, жумладан, шеъриятда ушбу ҳиссиёт тасвири доимо диққат марказида туради. Мазкур мавзу кишиларни ҳамиша қизиқтиради. Ўзининг учун тасвирий, санъат, ҳайкалтарошлик, мусикада – санъатнинг барча турларида севги мавзусида асарлар яратиб келинади. Бошқа мавзуга бағишланган асарларда ҳам, албатта, қаҳрамонларнинг севги – муҳаббати эътибор қаратилади. Чунки севги – муҳаббат муаммоси ҳар қандай асарга жозибадорлик бағишлайди. Ҳаётнинг ҳеч бир масаласи кишиларни ишқ – муҳаббат муаммосичалик қизиқтирмайди. Севги – муҳаббат одамларни барча замонда ҳар қандай шароитда бошқа муаммолардан кўпроқ ўйлантиради. Негаки турмушдаги ҳамма муаммолар қайсидир тарзда севги – муҳаббат масаласи билан боғланади. Шу боисдан адабиётда, жумладан, шеъриятда севги – муҳаббат мавзуси барча мавзулардан устувор бўлиб келади. Бу жиҳатдан Шарқ шеърияти алоҳида ажралиб туради. Қадимги юнон маданиятида эса инсон гўзаллиги кўпроқ тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликда ифодаланган. Рассомлар, ҳайкалтарошлар севги ва гўзаллик илоҳаси Афротиданинг сурати ва ҳайкалини яратишган. Улар Афротидани тимсолида, аёлларнинг расми ва ҳайкалларида илоҳийлик ва дунёвийликни уйғунлаштиришган. Шарқ тасаввуфи шеъриятида аёл вужуди гўзаллиги илоҳий гўзаллик тимсоли сифатида кўрсатилган. Соҳибжамолга муҳаббат изҳор этиш орқали Оллоҳга интилиш ифодаланган. Масалан, Машрабнинг ғазалида:

Дод айлаб ёрнинг кўйида юрган бормукин?

Тун – сахарларда дили розини сўрган бормукин?

Ман ғариб ҳайрон бўлуб қолдим биёбонлар аро,

Жон чиқар ҳолатда ҳам ёрини суйғон бориуктн?

Зарраи кўнглум ўти чикса жаҳонни куйдирур,
Дарғаҳиға бош қўйуб, дийдор кўрган бормукин?

Ул қиёмат даштида ҳар ким юрур ўз дардида,
Дод этарман ул замон арзумни сўрган бормукин?

Май ичиб Машраб азалдин, Ю маст етти оқибат,
Жонни бермасдан бурун, жононға етган бормукин?

дейилади. Ушбу ғазални синчиклаб ўқиб чиққан киши Машраб “ёр” деганда Оллоҳни назарда тутаётганини, албатта, пайқайди. Мисралардаги “ёр”, “жонон” сўзи ўрнига “Оллоҳ” сўзи қўйилса, бу янада аниқ аён бўлади.

Шарқ шеърлятида ошиқ ва маъшуқа, рақиб ва дўст образлари етакчилиқ қилади. Шоир ушбу образларни қўллаш орқали ўзининг Оллоҳга интилишини ифода этади. У шу мақсадда ҳаётининг воқеаларга мурожаат қилади, турмуш ҳодисаларини ўз ғоясини ифодалаш учун асос қилиб олади. Масалан, гул, булбул, шам, парвона тўғрисида сўз юритади. Гулга интилган булбул, шам атрофида айланадиган парвона ҳолатини қалам олиб, ўзининг аҳволини баён этади. Шарқ шеърлятининг бу каби жиҳатлари ХХІ аср кишисига бир қадар ғалати туюлади. Чунки ижтимоий ўзгаришлар, дунёқарашдаги янгиланишлар натижасида аждодлар ва авлодлар тушунча ва тасаввурида кескин тафовут юзага келди. Масалан, мумтоз адабиётда аруз тизими талабларига тўла жавоб бермаса, ҳар бир байтида камида битта бадий санъат қўлланмаса шеър саналмаган. Яъни мисраларда узун ва қисқа ҳижола гуруҳланган ҳолда маъум тартибда такрорланиши, байтлар, албатта, ўхшатиш, сифатлаш, муболаға, жонлантириш каби санъатлар билан зийнатланиши шеър учун асосий мезон қилиб олинган. Табиийки, бармоқ тизимидаги шеърлар бу ўлчовга мос келмайди. Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Навоий, Бобур, Бедил каби шоирларнинг шеърлари аруз тизими

мезонларига тўла мувофиқ келади. Уларнинг барча жанрдаги шеърларида мисраларда чўзиқ ва қисқа ҳижола гуруҳланган ҳолда такрорланиб келади. Бу шеърларда қофияга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шоирнинг маҳорати, ижодий салоҳияти вазн ҳосил қилиш, қофиялаш ҳамда бадиий санъатларни қўллашида кўринади.

Шарқ мумтоз шеъриятининг қатъий қоидалари, табиийки, шоир илҳомига тўсиқ бўлади. Аммо Шарқда шоир маҳоратини белгилашида муайян мезонлар асос қилиб олинган. Шунинг учун барча шоирлар аруз тизими тартибларига қатъий амал қилган. Бу мезонлардан чекиниш камчилик, айб сифатида кўрсатилган. Масалан, Навоий “Мжолис ун нафоис” асарида Мавлоно Атоий тўғрисида маълумот бериб: “Балххда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидиндур, дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит (кувноқ) киши эрди. Туркигўй эрди. Ўз замонида шеъри атроқ орасида кўп шуҳрат тутди. Бу матлаъ анингдурким:

Ул санамким сув қироғинда паридек ўлтурур,
Гояти нозуклугидан сув била ютса бўлур.

Қофиясида айбғинаси бор. Аммо Мавлоно кўп туркона аётур эрди. Қофия эҳтиётига муқайяд боғланган эмас эрди” дейди. Яъни Атоийнинг туркий тилдаги шеърлари эл арасида машҳур ўлса – да, у шеърининг қофиясига жиддий – эътибор бермас эди, дейди.

Шарқ шеърияти шаклий жиҳати – вазн, қофияда қатъий тартибга асосланиши билан эмас, балки рамз, тимсолларга бойлиги билан алоҳида эътиборни тортади. Образ, раму, тимсол кўпинча синоним – маънодош сўз сифатида қўлланади. Чиндан ҳам улар бир – бирига алоқадор. Аммо образ, рамз, тимсол айнан бир нарса эмас. Маълумки, образ бадиий адабиётда фикр, мақсадни ифода этувчи энг муҳим воситадир. Образ бадиий адабиётнинг ўзига хослигини кўрсатадиган асосий жиҳатидир. Сўз санъати образ

заминида пайдо бўлган. Ҳозир ҳам образ бадий адабиётнинг асосий унсуридир. “Образ”, образлилик бир – бирига узвий боғлиқдир. Образли ифода тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланади. Кенг маънода образлилик воқеликни тасаввурда жонлантириш, муайян вақтда кечган ҳодисалар, инсоннинг ҳолат, кечинмаларини хаёлда акс эттиришдир. Тор маънода бадий санъатлар, турли иборалар қўлланган нутқ ҳам образлиликдир. Бундан аён бўладики, образлилик – сўз ўрқали тасвирлашдир. Лекин тасвирлаш бирор воқеани баён этиш эмас. Ҳодисалар тўғрисида маълумот бериш уларни баён этишдир. Масалан, “Кеча” “Кеча ёмғир ёғди” ёки “Эртага Тошкентда футбол бўйича жаҳон чемпионати бошланади” сингари маълумотлар воқеаларнинг баёнидир. Оноре де Бальзакнинг “Сағри териси” романида тушкунликка тушган қаҳрамоннинг эътиборини “кеча кундузи соат тўртда ёш аёл Санъатлар кўприги устидан ўзини Сенага ташлади” деган хабар тортди” дейилади ва унинг ҳолат: “У майсалар арасида шамол эпкинни майин енгил чайқалтираётган гуллар олдида тўхтаб, бир зум ўй – хаёллар ва хотиралар юкини улоқтирди; сўнг ўлимини ўйлаб қийналаётганини, ҳаётга талпинаётганини сезиб, осмонга боқди, бироқ муаллақ сурранг булутлар, шамолнинг эзилиб увиллаши ва суяк – суякка ўтаётган зак куз ҳавоси унинг ўлимга иштиёқини янада кучайтирди” деб тасвирланади. (Бальзак О. Муҳаббат тилсими (Сағри тери тилсими). – Т.: “EXTREMUM PRESS” нашриёти, 2010. -264б. – 18 – бет). Аён бўладики, ҳар қандай хабар, мазмунидан қатъи назар, маълумот сифатида эътиборни тортади. Бадий тасвир эса воқеа – ҳодисани кишининг кўз олдида гавдалантириб, унга нисбатан муайян муносабат ҳосил қилади. Юқоридаги кўчирмада Бальзак қаҳрамоннинг ҳолати, руҳий кечинмаларини образли ифодалайди. Образли ифодалаш сўз орқали тасвир яратишдир. Образлилик, кенг маънода, маълум тасвирлаб, у хусусида тасаввур уйғотишдир. Ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш, муболаға сингари бадий тасвир воситалари, ибора ва кўчимлар қўлланган оғзаки ва ёзма нутқ ҳам, тор маънода, образлилик, образли нутқдир.

Образ, тимсол, рамз тушунча баъзан маънодош сўз ўрнида қўлланади. Аслида эса “образ” тушунчаси тижол ва рамзга нисбатан кенг маънони ифодалайди. Шунингдек, тимсол ва рамз тушунчалари ҳам маъно қамрови жиҳатидан бир – биридан фарқ қилади. Маълумки, образ бадиий адабиётда мақсад, фикр, ғояни ифодалашнинг асосий воситасидир. Образ халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам шу вазифани бажаради. Рангтасвирда ранглардан, ҳайкалтарошликда тош, лой кабилардан, мусикада товушлардан образ ҳосил қилинади. Адабиётда эса сўз орқали образ яратилади. Маъно ифодалашда эса сўзнинг имконияти бениҳоя кенг. Ранг, тош, лой, товуш воситасида ҳодисаларнинг муайян жиҳати ифодаланади. Сўз орқали эса воқеа – ҳодисанинг ҳам ташқи, ҳам ички жиҳати акс эттирилади. Шу боисдан адабиёт санъатнинг бошқа турларидан устун туради. Чунки унда ҳаёт ҳодисалари турли томондан ёзитади.

“Адабиётда ҳаёт ҳодисалари бадиий образларда ифодаланади” дейилиши унда ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, ибора, кўчимлар қўлланишинигина билдирмайди. Чунки айрим асарларда ташбеҳ, истиораларсиз ҳам ҳаёт ҳодисалари бадиий акс эттирилади. Масалан, Алишер Навоий “Ҳайратул аброр” достонида:

Одабий эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами

дейди. Ёки шу дostonнинг ўн биринчи бобида илмни амалий фаолият боғлашга чақириб:

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлда, амал айлагил

дея ўзига уқтириш орқали бошқаларга мурожаат қилади. Кўриниб турибдики, ушбу байтларда бадиий тасвир воситалари қўлланмаган ҳолда

тўғри дан – тўғри ифодаланган. Аммо уларда шоир ўзи англаган ҳақиқатни таъсирчан ифодалаган. Ёки Ҳамид Олимжоннинг машҳур “Ўзбекистон” шеърида:

Шундай ўлка доим бор бўлсин,
Шундай ўлка элга ёр бўлсин.
Омон бўлсин оғайнилари,
Омон бўлсин дўстларнинг бари

дейилади. Жўшқин эҳтиросга йўғрияган бу истак табиийки, кишининг қалбини ҳаяжонга солади. Шоирнинг тилаклари ҳар бир одамнинг кўнглида акс садо беради.

Ҳаёт ҳодисаларини ташбех, истиораларсиз таъсирчан ифодалаш нафақат шеърий асарларда, балки насрий асарларда ҳам кузатилади. Ҳикоя, қисса, романларда кўпинча воқелик ўхшатиш, сифатлаш каби бадиий тасвир воситалари, кўчимларсиз, тўғридан – тўғри оддий ҳаётий деталлар орқали кўрсатилади. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси: “Туробжон эшикдан ҳовлиқиб кирар экан, қалами яктагининг енги зулфинга илиниб, тирсаккача йиртилди. Унинг шашти қайтди. Жўхори туяётган хотини унинг кўлидаги тугунчани кўриб, келисопни келининг устига қўя чопди. Кели лапанглаб ағанади, чала туйилган жўхори ерга тўкилди” деб бошланади. (Қаҳҳор А. Асарлар: Беш жилдилик, 1- жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 336 б. – 285 – бет.) эътибор қилинса, адиб биринчи жумлада ҳовлиққан қаҳрамон ҳолатини – воқеа жараёнини “эшик”, “қалами яктак”, “зулфин”, деталлари орқали гавдалантиради. Ушбу ҳаётий деталлар ҳовлиқиб шошганидан қалами яктаги ёнгини эшиги зулфинига илинтирган ва енги тирсагигача йиртилган одам қиёфасини тасаввурда жонлантиради. Шу боисдан гарчи ташбех, истиоралар қўлланмаган бўлса – да, қаҳрамоннинг ҳолати образли гавлантирилган, деиш мумкин. Абдулла Қаҳҳорнинг ушбу ҳикоясида ҳаётий деталлар асосида образлилик яратилган. Туробнинг

бошидан кечирганларини ҳаётий деталлар воситасида кўрсатиш асосида чорасиз, иложсиз қолган одамнинг аянчли аҳволи, қашшоқ кишиларнинг уқубатли турмушу бадиий тасвирлаб берилган.

Тимсол, рамз – бадиий образ доирасидаги тушунчалардир. Масалан, Шарқ адабиётида Юсуф – гўзаллик, хотам – саховат, Нўширавон – адолат, Рустам – мардлик тимсоли дейилади. Шеърда, насрий асарда уларнинг номи эслатилган ушбу тушунчалар назарда тутилади. Шунингдек, айрим жонзотлар, ўсимликлар ҳам тимсол бўлиши мумкин. Бунда уларнинг ўзига хос айрим хусусиятлари назарда тутилади. Масалан, юлдуз, кундуз, лола, ғунча – гўзаллик, арслон, йўлбарс, бургут, лочин, қарчиғай – мардлик, жасурлик, от, турна, ғоз – дўст тимсоли саналади. Кўпинча жонли мавжудот – одам ва жонзотлар тимсол сифатида қўлланади.

Санъатда, жумладан, Шарқ шеъриятида ой, куёш, юлдуз, гул, олма, узук, рўмол, тароқ, ойна, турли қуроллар, нарса – ашёларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Тасвирий санъатда олма ёки анор ушлаган қиз ёки йигит тасвири кенг ўрин тутди. Мусавварларнинг аксарияти бу мавзуга кўп мурожаат қилади. Анор Шарқда муҳаббат, ҳосилдорлик, олма, гул – севги – муҳаббат рамзи дейилади. Эртда, достонларда қаҳрамон тушида куёш, ой, юлдуз, узук, ойна кўради ва улар таъбир қилинади. Бундан олма, анор, гул, оқ, қора, сариқ, қизил, яшил каби ранглар, узук, каби нарсалар нимагадир ишора экани англашилади. Демак, рамз – муайян нарса – ҳодисанинг белгиси, аломатини билдиради. Рамз – шартли белгидир. Арслон, йўлбарс, бургут, куч – кудрат, мардлик, жасурлик тимсоли дейилади. Чунки уларда шу хусусият мавжуд. Анор, олма, гул рамзида – муҳаббат ҳиссига бевосита алоқадор сифат йўқ. Одамлар ушбу нарсаларга шундай сифат беришган. Аён бўладики, поэтик тимсолда нарса – ҳодисага бевосита алоқадор хусусиятлар эътиборга олинади. Поэтик рамз эса шартли белги бўлиб, орқали нимагадир ишора қилинади. Масалан, герб, байроқ давлат рамзидир. Ҳилол ислом динининг, хоч насроний динининг рамзидир. Фирма, компаниялар ҳам муайян шакллари ўзининг рамзи қилиб олади. Олий ўқув юр்தларининг ҳам ўз рамзи

мавжуд. Турли анжуман, фестиваллар учун ҳам муайян шакл рамз сифатида белгиланади. Рамз нарса – ҳодисага тегишли умумий белги, хусусиятини ифодалайди. Шаҳарларнинг ҳам ўз рамзи бўлади. Масалан, Эйфел минораси Парижнинг, курант соати Лондоннинг рамзидир. Китоб соҳифаларида ёзилган математик формулалар математика фани бўйича анжуманларнинг дастур, таклифномаларида рамз сифатида кўрсатилади. Кимё фани бўйича тадбирларда колба рамз қилиб олинади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, рамз фан – техника, ижтимоий соҳага оид умумий хусусиятларни ифодалайдиган, муайян мақсадга қаратилган махсус шартли белгилардир. Масалан, ҳарфлар товушларнинг шартли белгилари – рамзлардир. Йўл белгилари ҳам рамз. Йўлчиروқнинг қизил чироғи ёниши тўхташни, яши чироғи ёниши йўл очиклиги, юриш мумкинлигини билдиради. Йўл қоидаларининг бу каби белгилари сунъий бўлиб, улар шартли қабул қилинган. Бундан, рамз шартли мазмунга эга, муайян мақсадга қаратилган сунъий тушунча экани аёнлашади. Рамз кўпроқ фан – техника ва ижтимоий соҳага дахлдор шартли белгидир.

Тимсол эса нарса – ҳодисага бевосита алоқадорлиги билан рамздан фарқ қилади. Иккинчидан, тимсол фан – техника, ижтимоий соҳага эмас, санъат ва адабиётга дахлдор дир. Рамз мақсадли тарзда ўйлаб топилган шартли белги бўлгани боис вақт ўтиши билан унинг маъноси ўзгаради. Тимсол маъноси эса сақланиб қолади. Гул санъатда ўтмишда бўлгани сингари ҳозир ҳам гўзаллик, муҳаббат, дўстлик тимсолидир.

Александр Пушкиннинг – “Евгений Онегин” романида Татьяна, Лев Толстойнинг “Анна Каренина” романида Анна, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида Кумзш, “Меҳробдан чаён” романида Раъно, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сарбоб” романида Мунисхон гўзал аёл образи сифатида тасвирланади. Лекин адабиётда Юсуф, Лайли инсон гўзаллиги тимсоли сифатида эътироф этилади. Бундан ҳар қандай бадиий образ тимсол бўла олмаслиги англашилади. Тимсол шу турдаги бошқа образлардан мукамаллиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Низомий Ганжавий,

Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий дostonларида Мажнун садоқатли ошиқ образи сифатида кўрсатилади. Шеърятда эса Мажнун илоҳий ишқ тимсоли сифатида таърифланади. Абдулла Қодирийнинг романларидаги Отабек (“Ўткан кунлар”), Анвар (“Меҳробдан чаён”) ҳам севгисига вафодор бўлса – да, улар ишқ тимсоли дейилмайди.

Шарқ халқларида кабутарни дев, пари, жинларга алоқадор деб қараши кенг тарқалган. Масалан, эртақ, дostonларида девнинг жони кабутарнинг ичида сақланиши айтилади. XX асрда машҳур мусаввар Пикассо чизган расм орқали эса кабутар тинчлик, дўстлик рамзига айланди. Ушбу расмда Ер шари узра учаётган кабутар тасвирланган. Бундан муайян нарса – ҳодиса рамз сифатида турли пайтда турлича муносабати шундан далолат беради. Айоим халқлар қизл рангни ҳаёт, тириклик рамзи деб қараса, баъси халқлар яшил рангни шундай қарайди.

Умуман, образ, тимсол ва рамз бир – бири билан ўзаро алоқадор тушунча бўлиб, улар поэтик фикрни таъсирчан ифодалашга хизмат қилади. Аёнки, нарса – ҳодисаларнинг акси унинг образидир. Олов, электр чироғи ёруғи ҳам нарсаларнинг сояси, яъни образини ҳосил қилади. Лекин бадий образ нарса – ҳодисаларнинг сояси – шунчаки акси эмас. Бадий образ борлиқнинг, ундаги одам, нарса – ҳодисаларнинг ижодкор нигоҳи билан кўрилган ва муайян мақсад билан қайта ишланган аксидир. Бадий образ муайян макон ва замондаги нарса – ҳодисанинг ўзи эмас, балки унинг субъект, яъни инсон тушунча, тасаввуридаги кўринишидир. Дарахт соясида битта ўзининг шакли акс этади. Бадий образда эса нарса – ҳодисаларнинг ҳам умумий, ҳам конкрет кўриниши гавдаланади. Масалан, Алишер Навоийнинг “Ғурбатда ғариб ...” рубойида ҳар бир инсон учун ўз юрти азиз эканлиги, мусофир киши ҳар доим ғариб бўлиб ғурбатда кун кечириши ҳақида сўз кетади. Ушбу рубой ватансиз одамнинг аҳволи тўғрисида ҳам умумий, ҳам конкрет тасаввур уйғотади. Ғафур Ғуломнинг “Соғиниш” шеърида урушга кетган ўғлини соғинган отанинг изтироблари ифодаланган.

Шеърни ўқиётганда, эшитаётганда хаёлда ўғлини урушга кузатган отанинг ҳолати жонланади. Шеърда анжир, қовун, ош, шафтоли каби ўзбек заминини эслатадиган қатор деталлар қўлланади. “Тонг отар чоғида жуда соғиниб, / Бедил ўқир эдим, чикди офтоб” дейилади. Шоир ана шу тарзда фарзандини ўйлаб, турли ҳаётларга борган, ўзига ўзи таскин – тасалли беришга уринаётган оталарнинг таъсирчан сиймосини яратади. Бу ора сиймоси хаёлда жонланиб, урушга, урушни бошлаганларга нисбатан нафрат ҳиёси уйғонади. Ҳар бир киши қалбида уруш туфайли фарзандларидан айрилган, яқинларидан жудо бўлганларга ачиниш туяди. Шеър, ҳикояларда ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш сингари бадиий тасвир воситаларини қўлламасдан ҳам воқеликнинг таъсирчан, образли манзараси яратилади. Бунда ҳодисанинг энг муҳим жиҳатларини гавдалантирадиган ҳаётий деталлардан фойдаланилади. “Соғиниш” шеърида уруш туфайли азият чекаётган отанинг қалбидаги ўртанишлар:

Кечкурун ош сузсак бир насиба кам,
Қўмсайман бировни – алла кимимни.
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,
Баъзан васвасалар босар дилимни

тарзида ифода қилинади. Шоир “Кечкурун ош сузсак бир насиба кам” мисрасига жуда кенг манзарани “жойлайди”. Бу манзарани ҳар ким ўзича тасаввур қилади ва беихтиёр маҳзун бўлиб қолади. Шеърда соғинч ҳисси бадиий акс эттирилган, образли ифодалангани туфайли у шундай таъсир кўрсатади. Шоир эътибор қаратган ҳаёрий деталлар бошқаларда турли ҳиссиёт уйғотади. Ушбу деталлар онгда акс этиб, ўзи билан боғлиқ манзара, ҳолат – ҳаракатни хаёлда жонлантиради. Тасаввурда кўриниб, турли ҳис – кечинмалар қўзғаган бу манзара, ҳолат – ҳаракатни турлича талқин қилиш

мумкин. Бундан, бадий образ ўзида бир эмас, кўп маънони мужассамлаштириши аёнлашади.

Шеърда, умуман, барча бадий асарларда ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш каби воситалар фикрни таъсирчан этиш, мақсадида қўлланади. Ушбу санъатлар худди ялтираган чўғдек диққатни бирдан жалб этади. Бундан эса кишининг кўнгли равшан тортади. Шарқ шеърияти, айниқса, ундаги ғазал жанри турли бадий санъатлар билан зийнатланиши жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Ғазал ҳажмининг ихчамлиги, мисраларнинг нафис тузилиши, қофияланиш тартиби, оҳангдорлиги туфайли куйлаш учун қулай. Шунинг учун Шарқ кўшиқ санъатида ғазал азалдан асосий объект бўлиб келган.

Шарқ шеърияти жанрга бой. Унда йигирма тўртта жанр мавжуд. Алишер Навоий Шарқ шеъриятининг ўн олти жанрида ажойиб асарлар яратган. Ғазал Шарқ мумтоз адабиётидаги етакчи жанрдир. Ғазал арабча сўз бўлиб, луғавий жиҳатидан “аёллар” билан суҳбатлашиш”, “аёлларни мадҳ этиш”, “аёлларга хушомад қилиш” деган маънони билдиради. Ғазал дастлаб араб шеъриятида пайдо бўлган. Абу Абдулло Рудакий (тахминан 860 – 941) форс – тожик адабиётидаги илк ғазал муаллифи сифатида эътироф этилади. Ғазалнинг ўзбек адабиётидаги дастлабки намуналари Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”, Хоразмийнинг “Муҳаббат – нома”, асарлари таркибида берилади. Шарқда барча шоирлар шу жанрда ижод қилишган. Мақсуд Шайхзода “ғазал мулкининг султони” мақоласида бу хусусда: “Шуниси аниқки, ўрта, яқин ва Марказий Шарқдаги ўнлаб мамлакатларнинг шеърият тарихи тадқиқ этилса, текширувчи бу халқларнинг шеърий ижодида ғазал деган турнинг асосий роль ўйнаганига қойил қолади. Дарҳақиқат, зилол чашмани биллур сувларсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидай, шеърий девонни ҳам ғазалсиз кўз олдига келтириш амрима ҳолдир. Тақрибан ўн асрдан берли шарқли ошиқнинг, шарқли ҳақиқатжўларнинг юрак майлларига ва фикрий изланишларига таржимон бўлиб келган ғазал халқларимизнинг энг сеvimли ва маҳрам сирдоши, улфати бўлиб қолди. Халқларнинг лирик симфониясига

Ўзбеклар ҳам бегона бўлиб келмади ва бу соҳада ўзларининг ўлмас тароналарини яратдиларки, бу санъаткорларнинг илғор нуқтасида Алишер Навоий турибди” дейди. (Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. 4 – том. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 372б. – 356 бет)

Нарса – ҳодисалар муайян хусусият, сифатларига кўра таснифланганидек, адабий турлар ва улардаги жанрлар ҳам мавзуси, тузилиши каби жиҳатларига кўра гуруҳларга ажратилади. Ғазаллар ҳам мавзуси, мазмунига кўра: ошиқона ғазаллар, оридона ғазаллар, қаландорона ғазаллар; тузилишига кўра эса: оддий ғазал, ҳусни матлаъли ғазал, қитъа ғазал, мусажжаъ ғазал (сажъли ғазал); якпора ғазал, пароканда ғазал тарзида таснифланади.

Ғазал аруз шеър тизимида етакчи ўрин тутди. Ғазал – биринчи байти (биринчи ва иккинчи мисраси) ўзаро, кейинги байтларининг жуфт мисраси биринчи байтга қофиядош шеърдир.

Ғазалнинг қофияланиш тартиби: а – а, б – а, г – а ... Энг кичик ғазал уч байтдан иборат бўлади. Лекин ўн тўққиз, йигирма уч байтдан иборат ғазаллар ҳам мавжуд. Шарқ мумтоз шеъриятида аксарият ғазаллар етти, тўққиз, ўн икки байтдан таркиб топган. Ғазалнинг биринчи байти матлаъ ёки мабдаъ, охириги байти мақтаъ деб аталади.

Ғазал дастлаб аёлларга муҳаббат изҳор қилиш, аёлларни васф этиш мақсадида битилган бўласа – да, кейинчалик унинг мавзу доираси кенгайиб борган. Ғазалда нозик туйғу ва кечинмалар ифодалангани ҳамда оҳангдорлиги боис уларга куй басталанган. Шарқда ғазал мусиқа санъати билан узвий алоқада тараққий этган. Жаҳон адабиётида ҳеч бир жанр бу жиҳатдан ғазал билан беллашолмайди. Ғазаллар куйга солингани учун халққа манзур бўлган. Қўшиқ қилиб айтилган ғазалларда аёлнинг ҳусни, жамоли мадҳ этилиб, ишқ – муҳаббат улуғланган. Шунинг учун Мақсуд Шайхзода “Ғазал мулкининг султони” мақоласида ўрта аср адабиётшунослари ғазал жанрига хос хусусиятларни аниқ кўрсатишганини таъкидлар экан, шамсиддин Қайс Розий, Қабул Муҳаммаднинг фикрини келтиради.

Жумладан: “Классик поэтиканинг пири ҳисобланган Шамсиддин Муҳаммад бин Қайс Розий (XIII аср) ўз “Китобул – Мўъжам”ида шундай ёзган: “Ғазалнинг луғавий маъноси – аёллар ҳақида гапириш, уларга нисбатан бизнинг вужудимизда пайдо бўлган хушторликни ва севгини сўйлаб бериш дегани бўлади. Ғазалнавислик катта ишқибозлик натижасида пайдо бўлади... Кўп шоирлар маъшуқ жамолининг зикрини ва севги ҳамда жазманлик даражасининг тасвирини ғазал деб атайдилар. Аммо бўлак бир шахснинг мадҳида тўқилган мукаддималарни насиб деб атайдилар. Ғазал ёзишдан мақсад жонга роҳат ва дилга ҳаловат келтиришдир. Бинобарин, ғазал ёқимли, маъқул, ширин бир вазнда, очик, ойдин ва нафис сўзлар билан олижаноб фикрларни қуйлаши лозим” дейди. Чиндан ҳам Шарқ мумтоз шеъриятидаги аксарият ғазаллар ишқ – муҳаббат мавзуида бўлиб, уларда соҳибжамолнинг юз – кўзи, қомати, сочи, янбош, хатти – ҳаракати таърифланади. Барча бадиий санъатлар шу мақсадда қўлланади. Шоирлар ёрнинг хусни, кўринишини таърифлаш учун чиройли ташбеҳлар топишга интилади. Шарқ шеърияти шоирларнинг ёр таърифи мусобақасига ўхшайди. Унда ҳар бир шоир ёрни мадҳ этади. Унинг гўзаллигини қуёшга, ойга, гулга қиёслайди. Аммо бу таъриф ҳеч адоғига етмайди, тугамайди. Қизиғи, Шарқ шоирларининг ёрининг гўзаллигини васф этиши ҳеч қачон зериктирмайди, ҳеч кимга малол келмайди. Аксинча ҳаммани ҳаяжонга солади. Кишининг қалбида аллақандай ҳис – туйғулар ҳосил қилиб, вужудини жунбушга келтиради. Чунки ғазалларда олам гўзалининг ҳайратомуз қиёфаси худди моҳир мусаввир чизган суратдагидек тасвирлаб берилади. Миколанжело, Рафаэл сингари улуғ мусаввурлар яратган соҳибжамоллар портрети гарчи бундан бир неча аср аввал чизилган бўлса – да, ҳозир ҳам ҳаммани мафтун этади. Шарқ шоирларининг ёр васфига бағишланган ғазаллари ҳам ҳамиша шундай таъсирчан бўлади.

Албатта Шарқ шеъриятида рубоий, туюқ, мураббаъ, мухаммас, мусаддис, мустаҳзод, қитъа, фард, чистон, қасида сингари жанрлар ҳам саллоқли ўрин эгаллайди. Девон, баёзларга ушбу жанрдаги шеърлар ҳам

киритилади. Масалан, “Ислом комуси”да “рубойи – Шарқ шеъриятининг воҳид (ягона) қуёши”деб таърифланган. Фариддиддин Атторнинг “Мухторнома” асаридан қалбни, хулкни, гўзаллаштиришга даъват этувчи беш мингдан ортиқ рубойи жой олган. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг девонида бир ярим мингга яқин рубойи берилган. Улар Хайёмнинг инсон умри –аниматлиги, дунёнинг ўткинчилиги тўғрисидаги Шарқу Ғарбда шухрат топган. Шарқ поэтикасида рубойи фақат ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам тармоқларида ёзилиши ва албатта тўрт мисрадан иборат бўлиши қатъий белгиланган. Рузнинг бошқа баҳрларида битилган тўртликлар рубойи сифатида тан олинмаган. Абу Али ибн Сино, Шайх Нажмиддин Кубро, Мирзо Абдулқодир Бедил сингари донишмандлар ўзларининг маърифий алоқий, илоҳий қарашларини рубойиларида ифодалашган. Жалол Камол Шарқ шеъриятида ёрқин из қолдирган Умар Хайём, Абу Али ибн Сино, Абдулла Ансорий, Ҳаким Санойи, Адиб Собир Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Мавлоно Жалолиддин Румий, Амир Хусрав Деҳлавий, Мирзо Абдулқодирнинг форс тилида битилган рубойиларини ўзбек тилига таржима қилган.

Рубойи, туюқ, қитъа, фард, мураббаъ, мукаммас сингари жанрлар Шарқ шеъриятининг ранг – баранглигини кўрсатса – да, ғазал ислом халқлари шеъриятида, умуман, адабиётида асосий ўрин тутган. Ғазал, гарчи араб шеъриятида пайдо бўлса – да, у форс – тожик ва туркий адабиётда камолотга эришди. Мақсуд Шайхзода таъкидлаганидек, “Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Камол Хўжонвий, Лутфий, Атоий, Навоий, Бобур, Фузулий каби паҳлавонлар Шарқ ғазалига яшил хиёбонлар очиб бердилар. Ғазал шеърий девонларнинг ҳусни бўлиб қолди. Ҳар қандай девон юз фоиз ғазаллардан ёқуд бир – икки дебоча, бир неча ҳасидадан қатъи назар, 80 – 90 фоиз ғазаллардан ташкил топар эди”. У шунингдек, “Ғазал мулкининг султони” мақоласида Қабул Муҳаммаднинг “Ҳафт қулзум” асаридан: “ғазалнинг ҳадди 19 байтдан ошмаслиги жуда маъқул ва мақбул. Ғазалда, кўпинча свгилининг жамолини зикр этмоқ, севган тилининг кайфиятларини тасвирламоқ кўзда

тутилади. Панду насихатлар ваъзхонлик эса шеъриятнинг бўлак турларида кор қилади. Ғазалда гап нимадан бошланган бўлса, ўша ҳолат билан тугалланиши керак. Шеър бошида висол ҳақида гап кетса, хотимада ҳам гаплар висол тўғрисида билмоғи, айрилиқ ҳақида кетса, пировардида ҳам шу ҳақда сўз бормоғи шарт. Ғазалнинг байти сушт ва бўй бўлмаслиги керак. То ғазалнинг охиригача ҳар байт ўзидан илгариги байтлардан кескин ажралиши ва албатта, юксак туриши керак” деган фикрни келтиради. Ғазал шундай хусусиятларини мужассамлаштирсагина унда ўзига хос феъл – атвор, дунёқарашга эга лирик қаҳрамон образи гавдаланади ҳамда унинг туйғулари, ўйлари бошқаларни лоқайд қолдирмайди.

Аёнки, ҳар қандай фикр тўғридан – тўғри эмас, пардалаб, сирлироқ қилиб айтилса, бошқаларни кўпроқ ўйдантиради. Шарқ шеъриятида инсон табиатининг ана шу хусусияти эътиборга олинади ва фикр кўпинча турли ташбеҳ, истиора, тимсол, рамзлар воситасида ифода қилинади. Бу жиҳатдан тасаввуф адабиётида алоҳида ажралиб туради. Тасаввуф эса инсоннинг ахлоқи, маънавияти ва руҳиятини поклашга қаратилган таълимот бўлиб, у Қуръон ва пайғамбар ҳадисаларига таянади. Қуръон комил инсонга айланиш йўли – йўриқлари баён этилган илоҳий китоб бўлса, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёт йўли комил инсоннинг амалдаги асл намунасидир. Тасаввуф таълимоти инсоннинг адаб – ахлоқини гўзаллаштириш, унинг нафси зоҳири ва нафси ботинони тарбия қилишга қаратилгани учун кишиларни шариат адаби – пайғамбар шариати ва суннатига амал қилиш, тариқат адаби – бирор тариқатга боғланиб, унинг одоб қоидаларини ўрганиб, шу бўйича ҳаракат қилиш, маърифат адоби – нафси аммора (одамни ёмонлик, риёкарлик қилиш, дунёпарастликка ундовчи нафс)ни енгиб, илми илоҳийни ўзлаштириш, ҳақиқат одоби – Оллоҳ ҳаёли билан яшаб, берлиқдаги барча нарсада унинг жамолини кўриб завқланишга даъват этади. Шарқ шеъриятида шу мақсадда турли тимсоллар қўлланади. Тасаввур адабиётида ишқ асосий тушунча бўлиб, у иккига: мажозий ишқ ва ҳақиқий ишққа ажратилади. Мажозий ишқ Оллоҳ яратган барча нарсага – бутун бирлиққа, ундаги жамики

нарсa – ҳодисa ва инсонга муҳаббат билан қарашни билдирса, ҳақиқий ишқ Оллоҳнинг яккаю ягона яратувчи эканини чин дилдан ҳис қилиш, ҳар бир нарсaда яратганнинг жамолини кўришни билдиради. Мажозий ишқда Муҳаммад алайҳисалом ва тариқат пешвоси, пири комил ёр тимсолидир. Ҳақиқий ишқда эса ёр тимсоли Оллоҳдир. Тасаввур адабиётида “май”, “шароб” ишқнинг тимсоли, “коса”, “жом”, “қадах” кабилар кўнгилнинг рамзи, “май – хона”, “бутхона”, “харобот” пир даргоҳини, “соқий” эса “маърифат улашувчи”, “ишқ сирларини талқин этувчи пири комил”ни билдиради. “Ишқ ақли”, яъни ошиқлар деганда сўфийлар, “васл ақли” деганда маънан – руҳан комилликка эришиб, авлиёлик сийратига етишган зотлар назарда тутилади. Тасаввуфда “лаб” ёрнинг каломи, кўрсатмалари, пурмаъно сўзлари, “бўса” ошиқнинг ёр висолидан баҳрамандлиги маъносида келади. “Тарсо” – ўзини Оллоҳ ишқига етишмоққа баҳшида қилган ижондир. Дунё – нафс хуружи, мол – дунё шоншухратга интилиш, маишатга ружу кўйиш каби шайтоний истаклар жамланган воқеликдир. Халойиқ – ҳақиқий ишқдан беҳабар кимсалар, бутун фикру зикри дунёвий ташвишлар билан банд нафс бандаларидир. Сўфий, солиқ, мурид, дарвеш эса тариқат йўлига кирган одамдир.

17- мавзу. Хулоса

Шарқ шеърияти инсоният маданиятининг юксак намунасидир. У узок асрлар давомида башариятнинг маъновий улғайишига хизмат қилиб келган. Шарқ шеърияти умуминсоний қадриятларга асосланади ва инсонни улуғлайди. Шарқ шеърияти сўзнинг илоҳий қудратини, у туганмас маънолар хазинаси эканини, унда турфа хил оҳанглар мавжудлигини кўрсатади. Шарқ шеърияти Оллоҳни ва у яратган оламни мадҳ этади, оламнинг ва одамнинг гўзаллигини таърифлайди. У бошқа халқлар адабиётидан аввало шу жиҳати билан ажралиб туради. Бу шеърият қатъий шаклга асосланиши ва ранг – баранг жанрларга эга эканлиги билан ҳам диққатни жалб этади. Шарқ мумтоз шеърияти арузга асосланади. Араб шеъриятида пайдо бўлган аруз шеър тизими форс – тожик; туркий шеъриятда юксак даражага кўтарилган.

Шарқ шеъриятида йигирма тўртта жанр бўлиб, шоирларнинг девонига уларнинг турли жанрдаги шеърлари жамланган. Ғарб шеърияти бунча кўп жанрга эга эмас. Алишер Навоийнинг “Хазойин ул маоний” девонига ўн олти жанрдаги шеърлар киритилган. Унда шеърлар ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, мусаммон, таржеъбанд, таркиббанд, маснавий, қасида, соқийнома, китъа, рубоий, муаммо, чистон, туюқ, фард тартибида жойлаштирилган. Девонда албатта, дастлаб ғазаллар қўйилган. Ғазаллар ҳам, бошқа жанрдаги шеърлар ҳам қофияси ёки радифидаги тугалланувчи ҳарфга қараб, қатъий тартиб билан жойлаштирилган.

Шарқ поэтикаси қадим тарихга эга. Шунинг учун Алишер Навоий “Аруз фани – шариф фандур” дейди. “Илми аруз”, “илми бадеъ”, “илми қофия”. Шарқ шеъриятининг асосини ташкил этади. Шарқ поэтикаси Шарқ шеърияти бадий тафаккурнинг юксак намунаси экани, у турфа хил образларга бениҳоя бой эканини кўрсатади. “Шарқ шеъриятига кириш” ўқув қўлланмасида адабиётшуносликка оид манбаларга таянган ҳолда аруз шеър тизимига хос хусусиятлар, мумтоз шеъриятимизнинг айрим жиҳатлари билан таништиришга ҳаракат қилдик.

Шарқ шеъриятида Оллоҳ турли рамзлар воситасида мадҳ қилинади. Шунингдек, унда аёл образи ҳам ҳар хил ташбеҳ, истиораларда таърифланади. Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий сингари шеърлари бу жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Уларнинг ғазалларида маъшуқа – гўзал аёл образининг юксак намунаси яратилган. Қўшиқ қилиб куйланадиган ғазалларда ҳам жисман, ҳам маънан баркамол гўзал маъшуқа образи шоир образи билан ёнма – ён туради. Ғазалларни гўзал маъшуқа ва унинг ишқида ёнган шоир образисиз тасаввур этиб бўлмайди. Аксарият ғазалларда марказида соҳиб жамол маъшуқа ва муҳаббат кўйига мубтало шоир образи кўринади. Баъзи ғазалларда уларнинг ёнига рақиб образи ҳам кўшилади. Маъшуқа, ошиқ шоир ва рақиб образи ҳам кўшилади. Маъшуқа, ошиқ шоир ва рақиб образи мавжуд ғазалларда шикоят оҳанги устувор бўлади. Марказида соҳибжамол маъшуқа ва ошиқ шоир образи турган ғазалларда эса севгили ёрнинг ҳусни чиройи таърифи кенг ўрин тутди. Ғазалларда севгили ёрнинг муфассал портретини чизиб берилади. Шарқ шоирлари севгили ёрнинг нуқсонсиз жисмоний ҳусни, ақли баркамоллигини таърифлашда романтикага берилишади. Улар Лайли, Ширин каби соҳибжамолларининг юз – кўзи, қадди қоматини таърифлашда бир биридан маънодор, ёрқин ташбеҳ, истиораларни қўллашади. Ғазалларда севгили ёр гўзаллик тимсоли сифатида кўрсатилади. Шу боисдан бундай ғазалларга куй басталаниб, қўшиқ қилиб куйланади. Бу эса Шарқ шеърияти мусиқа санъати билан гамбарчас боғлиқ эканини билдиради.

18-мавзу.ШАРҚ ШЕЪРИЯТИГА КИРИШ ФАНИДАН
ТЕСТЛАР

1. Мавхум тушунча ёки ҳодисани конкрет нарса орқали ифодалашга асосланган кўчим тури нима дейилади?

А. Сифатлаш

*В. Аллегор

С. Муболаға

Д. Мувашшаҳ

2. Шеърий нутқда бир хил ундош товушларнинг такрорланишига асосланган кўриниши нима дейилади?

*А. Аллитерация

В. Аллегория

С. Аналогия

Д. Сифатлаш

3. Арузнинг қайси баҳри фоилун (- V -) ва фоилотун (- V -) аслларининг кетма – кет такроридан ҳосил бўлади?

А. Ҳазаж

*В. Амиқ

С. Ражаз

Д. Мутақориб

4. Бобур “Мухтасар” асарида:

Кел бери, эй париким, ҳажрдин хастадурман,

Лаълингга ташнадурман, зулфингга бастадурман.

байтини қайси баҳрга мисол сифатида келтирган?

А. Мутақориб

В. Ҳазаж

С. Ражаз

*Д. Амиқ

5. Сўз ёки сўзлар гуруҳининг мисра ёки банд бошида такрорланиши нима дейилади?

А. Сифатлаш

В. Муболаға

*С. Анафора

Д. Аннотация

6. Аруз тизими қандай шеър тизимига мансуб?

А. Силлабик

*В. Метрик

С. Гекзаметрик

Д. Бармоқ

7. Қандай шеър тизими қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг муайян тартибда гуруҳланиб такрорланишга асосланади?

А. Бармоқ

В. Эркин

*С. Аруз

Д. Сонет

8. Ўзбек арузшунослигида нима энг кичик ритмик бирлик деб кўрсатилади?

А. Рукн

*В. Ҳиҷо

С. Баҳр

Д. Ҳарф

9. Алишер Навоийнинг қайси асарида аруз шеър тизими ҳақида сўз юритилган?

А. “Ҳамса”

В. “Ҳазойин ул маоний”

С. “Маҳбуб ул қулб”

*Д. “Мезон ул авзон”

10. Аруз шеър тизимидаги қайси баҳр мафойилун (V - - -) ва фаувлун (V - -) аслларининг кетама – кет такроридан ҳосил бўлган?

*А. Ариз

В. Ҳажаз

С. Мутақориб

Д. Амик

11. Бобурнинг “Мухтасар” асарида:

Лабинг маржон, тишинг дур, хидинг райҳон, кадинг гул,

Сочинг анбар, юзунг хур, менгинг мўлтон, юзинг мул

байти қайси баҳрга мисол сифатида берилган?

А. Мутақориб

В. Сарий

*С. Ариз

Д. Рамал

12. Шарқ шеърлятида икки мисрали банд тури нима дейлади?

А. Аруз

*. Байт

С. Мисра

Д. Ҳижо

13. Аруз шеър тизимидаги қайси баҳр мустафъилун (- -V -) ва фоилун (- V -) аслларининг такроридан ҳосил бўлади?

А. Рамал

*В. Басит

С. Ҳазаж

Д. Комил

14. Алишер Навоий “Мезон ул авзон” асарида:

Ишқнинг мени туну кун мажнуни зор айламиш,

Кўнглумни зору ҳазин, жисмим низор айламиў

байтини қайси мисол сифатида кўрсатади?

А. Ҳазаж

В. Рамал

*С. Басит

Д. Мутадорик

15. Арузда ёзилган шеърда рукнларнинг такрорланиш тартиби, муайян шеърдаги ўлчов асоси нима дейилади?

А. Мисра

В. Қофия

*. Баҳр

Д. Рукн

16. Қайси сўз “уй” деган маънони билдиради?

А. Баҳр

*В. Байт

С. Рукн

Д. Мисра

17. Аруз тизимидаги шеърларда айрим ёпиқ ҳижола охиридаги ундошни вазн талаби билан кейинги унли билан бошланган сўзнинг биринчи ҳижосига қўшиб ўқиш ҳодисаси нима дейилади?

А. Ҳарф

*В. Васл

С. Фоилотун

Д. Зиҳоф

18. Аруз шеър тизимидаги қайси баҳр мафоилатун (V - V V -) аслининг такроридан ҳосил бўлади?

*А. Вофир

В. Ҳазаж

С. Рамал

Д. Мутадорик

19. Бобур “Мухтасар” асарида

Кел эй қаро кўз, манга гузар эт,

Будур санга сўз, манга назар эт

байти қайси баҳрга мисол сифатида келтирилади?

А. Ҳазаж

В. Рамал

С. Мутадорик

*Д. Вофир

20. Аруз тизимидаги шеърларда сокин ва мутаҳаррик ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўладиган ритмик бирлик нима деб аталади?

А. Ҳазаж

*В. Ватад

С. Рамал

Д. Вофир

21. Аруз шеър тизими асосини ташкил этувчи саккизта аслнинг сифат ва миқдор жиҳатидан турли ўзгаришларга учраши нима дейилади?

А. Жузв

*В. Зиҳоф

С. Зулқофиятайн

Д. Тақтиъ

22. Аруз тизимидаги шеърларда байт таркибида уч ёки ундан ортиқ қофиядош сўзлар жуфтлигини келтириш нима дефилади?

А. Зулқофиятайн

*В. Зулқавофиъ

С. Зиҳоф

Д. Жузв

23. Аруз тизимидаги шеърларда мисралардаги барча сўзларнинг ўзаро қофиядош бўлиши нима дейилади?

*А. Тарсеъ

В. Зулқофиятайн

С. Зиҳоф

Д. Зарб

24. Шеърда иккинчи мисранинг сўнгги бўлагини зарб билан, урғу билан айтиш нима дейилади?

*А. Зарб

В. Зиҳоф

С. Жузв

Д. Зулқофиятайн

25. Шеърда бир сўзни бир жойнинг ўзида икки маънода ишлатиш нима дейилади?

А. Изометрия

*В. Ийҳом

С. Ийжоз

Д. Издивож

26. XV асрда ёзилган “Фунун ул балоға” рисоласи муаллифи ким?

А. Ибн Мўътаз

*В. Шайх Аҳмад Худойдод Тарозий

С. Наср бинни Ҳасан

Д. Қудамма ибн Жаъфар

27. Бадиий асарда жонзотлар ва жонсиз нарсаларни одамлар каби сўзлатиш санъати нима дейилади?

А. Ирсол ул масал

В. Лирик чекиниш

*С. Интоқ

Д. Назира

28. Шеърда муайян ниятини ифодалаш мақсадида ҳикматли сўз, мақол ёки матал келтириш санъати нима дейилади?

А. Интоқ

*В. Ирсол ул масал

С. Перифраза

Д. Ийҳом

29. Лутфийнинг шеъридаги:

Ерга кирсам кошки, чун етмас ул ойга илик,

Мушкул аҳволе тушубдур: ”Ер қатиқу кўк йироқ”

байтида қандай бадиий санъат қўлланган?

А. Интоқ

*В. Ирсол ул масал

С.Раддул қофия

Д. Тасбеъ

30. Шарқ шеъриятида шоир тахаллусининг ҳам луғавий маъносида, ҳам тахаллус сифатида ишлатилиши берилган жавобни топинг.

А. Ифрот

В. Мушокил

С. Тасбеъ

*Д. Иттифок

31. Алишер Навоийнинг шеъридаги:

Фиғонким, кўнглим олғон дилбарим дилдорлик билмас,

Билур ошиқни ғамгин қилмоқу ғамхорлик билмас

байтида қандай бадий санъат қўлланган?

А. Зулқавофиъ

В. Бадиҳа

*С. Иштиқоқ

Д. Илтифот

32. Бобурнинг шеъридаги:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,

Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор

байтида қандай санъат қўлланган?

*А. Ийҳом

В. Ийжоз

С. Муболаға

Д. Радд

33. Аруз шеър тизимидаги қайси баҳр мутафоилун (VV - V -) аслининг такроридан ҳосил бўлади?

А. Рамал

В. Мутадорик

*С. Комил

Д. Сариъ

34. Алишер Навоий ғазалининг:

Фиғонким, кўнглим олғон дилбарим дилдорлиғ билмас,

Билур ошиқни ғамгин қилмоқу ғамхорлик билмас

байтида қандай бадиий санъат қўлланган?

А. Лафф ва нашр

В. Ифрот

С. Рамал

*Д. Иштиқок

35. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги:

Яна қадаҳини тошқа урдинг,

Жола гуҳарини бошқа урдинг

байтида қандай бадиий санъат мавжуд?

*А.Зулқофиятайн

В.Зулқавофиъ

С. Иқтибос

Д. Китобат

36. Арузда жузв (туркий арузда ҳижо)ларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўладиган ритмик бўлак кўрсатилган жавобни белгиланг.

А. Баҳр

*В. Рукн

С. Ружу

Д. Фоилотун

37. Сокин ва мутаҳаррир ҳарфларнинг муайян тартибда бирикишидан ҳосил бўлувчи ритмик бирлик берилган жавобни кўрсатинг.

А. Ватад

*В. Сабаб

С. Фосила

Д. Рукн

38. Аруз тизимида ундош товушлар билан тугаган ҳижолар қандай ҳижо саналади?

А. Қиска

В. Ўрта

*С. Чўзиқ

Д. Чўзиқ – қиска

39. Аруз тизимида чўзиқ ҳижонинг қиска ҳижо, қиска ҳижонинг чўзиқ ҳижо тарзида ўқилиши дейилади?

А. Сабаб

В. Фосила

*С. Имола

Д. Рукн

40. Аруз тизимида мисранинг ритмик бўлаклари, яъни ҳижоларнинг турок типигаги гуруҳлари қандай номланади?

*А. Рукн

В. Имола

С. Баҳр

Д. Фаулун

41. Арабча “рукн” сўзининг луғавий маъноси нима?

А.Кўприк

В.Арқон

С.Қозиқча

*Д.Устун

42. Аруз тизимида рукнлар ҳижоларнинг миқдори ва чўзиқ ёки қисқалигига қараб, нечта аслга бўлинади?

А.Олтита

В. Еттита

*С. Саккизта

Д. Тўққизта

43. Аруз шеър тизимида нималар айрим ўзгаришларга учраб, турли ритмик бўлакларни вужудга келтиради?

А. Бахрлар

*В. Асллар

С. Ҳижоляр

Д. Қофиялар

44. Аруз тизимида шеър байтидаги биринчи мисранинг боши нима дейилади?

А. Ажуз

*В. Садр

С. Аруз

Д. Ибтидо

45. Аруз тизимида шеър байтидаги биринчи мисранинг охири номи берилган жавобни аниқланг.

*А. Аруз

В. Ажуз

С. Садр

Д. Зарб

46. Аруз тизимида шеър байтидаги иккинчи мисранинг боши нима дейилади?

А. Имола

В. Асл

С. Садр

*Д. Ибтидо

47. Аруз тизимида ҳар икки мисранинг, яъни садр билан аруз, ибтидо билан ажуз (зарб)нинг ўртаси нима деб юритилади?

А. Имола

В. Баҳр

*С. Ҳашв

Д. Рукн

48. Алишер Навоий шеъридаги:

Кўзинг не бало қаро бўлубтур,

Ким жонга қаро бало бўлубтур

байтида қандай стилистик усул қўлланган?

*А. Палиндром

В. Зулқофиятайн

С. Имола

Д. Ўхшатиш

49. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул аброр” достони аруз тизимининг қайси баҳрида ёзилган?

А. Ҳазаж

В. Мутақориб

*С. Сариъ

Д. Ҳафиф

50. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони аруз тизимининг қайси баҳрида ёзилган?

*А. Ҳазаж

В. Мутақориб

С. Сариъ

Д. Ҳафиф

51. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони аруз тизимининг қайси баҳрида ёзилган?

А. Мутақориб

*В. Ҳазаж

С. Сариъ

Д. Ҳафиф

52. Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони аруз тизимининг қайси баҳрида ёзилган?

А. Мушокил

В. Ғариб

*С. Ҳафиф

Д. Музориъ

53. Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони аруз тизимининг қайси баҳрида ёзилган?

*А. Мутақориб

В. Сариъ

С. Рамал

Д. Ҳазаж

54. Аруз тизимида шеърда икки ёки уч қисқа бўғиннинг ўзидан кейин келувчи бир ўзик бўғин билан бирикишидан ... ҳосил бўлади. Нуқталар ўрнига тўғри жавобни қўйинг.

*А. Фосила

В. Ватад

С. Имола

Д. Сабаб

55. Аруз тизимида шеърда қисқа ва чўзиқ ҳижолатнинг бирикишидан нима ҳосил бўлади?

А. Сабаб, Ҳафиф, ражаз

В. Ватад, рукн, баҳр

*С. Сабаб, ватад, фосила

Д. Рукн, баҳр, ҳашв

56. Аруз шеър тизимида ёпиқ бўғин охиридаги ундош вазн талаби билан ўзидан кейинги унли билан қўшиб ўқилиши нима дейилади?

А. Имола

*В. Васл

С. Рукн

Д. Ҳашв

57. Аруз шеър тизимида ёпиқ чўзиқ бўғин таркибида чўзиқ унли келса, қандай бўғин ҳосил бўлади?

А. Чўзиқ

В. Қисқа

*С. Ўта чўзиқ

Д. Қисқа – чўзик

58. Аруз шеър тизимида кўш ундош билан тугалланадиган бўғин қандай бўғин саналади?

А. Чўзик

В. Қисқа

С. Қисқа – чўзик

*Д. Ўта чўзик

59. Аруз шеър тизимида қисқа талаффуз қилинувчи унлидан иборат бўлган ёки шундай унли билан тугайдиган очик бўғинлар қандай бўғин ҳисобланади?

А. Чўзик

*В. Қисқа

С. Ўта чўзик

Д. Ватад

60. Аруз шеър тизимида чўзик талаффуз қилинувчи унлидан иборат бўлган ёки шундай унли билан тугалланган очик бўғинлар, шунингдек, таркибида қисқа унли бўлган ёпик бўғинлар қандай бўғин деб юритилади?

А. Қисқа

*В. Чўзик

С. Ўта чўзик

Д. Тугаланган

61. Арузшуносликда нима вазн яратувчи энг кичик унсур саналади?

*А. Сокин ва мутаҳаррик ҳарфлар

В. Жарангли ва жарангсиз ундошлар

С. Чўзик унлилар

Д. Жарангли ундошлар

62. Арузшуносликда мустақил ундош ёки чўзик унли ... ҳарф деб юритилади.

Тўғри жавобни топинг.

А. Мутаҳаррик

В. Жарангли

*С. Сокин

Д. Жарангсиз

63. Арузшуносликда ҳаракатланувчи, яъни қисқа унли олдидаги ундош ...
харф деб юритилади. Тўғри жавобни топинг.

А. Сокин

В. Жарангсиз

С. Жарангли

*Д. Мутаҳаррик

64. Аруз тизимида сабаб, ватад ва фосилалар бирикувидан шеър мисраларини
хосил қилувчи ... майдонга келади. Тўғри жавобни топинг.

*А. Рукнлар

В. Бахрлар

С. Ҳижолар

Д. Тақтеълар

65. Лутфийнинг:

Сенсан севарим: хоҳ инон, хоҳ инонма,

Қондур жигарим: хоҳ инон, хоҳ инонма

матлаъли ғазалининг баҳри кўрсатилган жавобни кўрсатинг.

*А. Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи маҳзуф

В. Ҳазажи мусаммани аштар

С. Рамали мусаммани маҳзуф

Д. Рамали мусаммани мақсур

66. Навоийнинг:

Замона кулфатидан бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,

Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди

матлаъли ғазали қайси баҳрда битилган?

А. Рамали мусаммани мақсур

*В. Ҳазажи мусаммани солим

С. Ражази мусаммани солим

Д. Музореи мусаммани солим

67. Бобурнинг:

Хаттинг аро узоринг сабза ичида лола,
Ул чашми пур хуморинг лоладаги ғазола

матлаъли ғазали қандай баҳрда битилган?

- А. Рамали мусаммани машкул
- В. Ҳафифи мусаддаси маҳбуни мақтуъ
- С. Рамали мусаммани мақсур
- *Д. Музореи мусаммани ахраб

68. Алишер Навоийнинг:

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отунча уйқу келмади

матлаъли ғазали баҳри кўрсатилган жавобни белгиланг.

- А. Мутадорики мусаммани мақтуъ
- *В. Рамали мусаммани маҳзуф
- С. Мутақориби мусаммани маҳзуф
- Д. Ҳазажи мусаммани мусаббағ

69. Ҳувайдонинг:

Арзимни айтдим боди сабоға,
Еткурса ҳолим ул дилрабоға

матлаъли ғазали қайси баҳрда ёзилган?

- А. Ҳазажи мусаддаси мақсур
- *В. Мутақориби мусаммани аслам
- С. Ҳазажи мусаммани ахраб
- Д. Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф

70. Машрабнинг:

Кўрсат жамолинг мастоналарга,
Ишқингда куйган девонларга

матлаъли ғазали қайси баҳрда ёзилган?

- А. Рамали мусаддаси мақсур
- В. Ҳазажи мусаммани аштар

*С. Мутақориби мусаммани аслам

Д. Рамали мусаммани машкул

71. Увайсийнинг:

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,

Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман

матлаъли ғазали қандай баҳрда ёзилган?

*А. Ҳазажи мусаммани аштар

В. Рамали мусаддаси мақсур

С. Мутақориби мусаммани аслам

Д. Мутақорики мусаммани мақтуъ

72. Бобурнинг:

Оёғим етганча Бобурдек кетар эрдим вале,

Сочининг савдоси тушди бошима яна

байтида қандай бадиий санъат қўлланган?

А. Ўхшатиш

В. Сифатлаш

*С. Иттифоқ

Д. Жонлантириш

73. Алишер Навоийнинг:

Не бало эмиш сенинг ул хиром ила қоматинг,

Гаҳи суръатинг, гаҳи ноз бирла иқоатинг

матлаъли ғазали қайси баҳрда ёзилган?

*А. Комили мусаддаси солим

В. Рамалимусаддаси мақсур

С. Ҳазажи мусаммани аштар

Д. Мутақориби мусаммани аслам

74. Шеърда бир неча нарса – тушунча номи саналиб, кейин уларга ўхшаш, алоқадор, тааллуқли ёки мувофиқ келадиган бошқа нарса – тушунчалар келтирилиши ... дейилади. Тўғри жавобни топинг.

А. Сифатлаш

В. Анафора

*С. Лафф ва нашр

Д. Ўхшатиш

75. Маълум қофияланиш тартибиги эга бўлган икки ва ундан ортиқ мисрадан ташкил топган шеър бўлаги ... дейилади. Тўғри жавобни топинг.

А. Сифатлаш

В. Анафора

*С. Лафф ва нашр

Д. Ўхатиш.

76. Маълум қофияланиш тартибига эга бўлган икки ва ундан ортиқ мисрадан ташкил топган шеър бўлаги ... дейилади. Тўғри жавобни топинг.

А. Гекзаметр

*В. Банд

С. Баҳр

Д. Қофия

77. Арузшуносликда қофияда равийдан ташқари яна нечта унсур борлиги кўрсатилган?

*А. 8 та

В. 5 та

С. 6 та

Д. 3 та

78. Қофияда қайси унсурлар равийдан олдин келади?

*А. Ридф, қайд, таъсис, дахил

В. Васл, қайд, хуруж, ноира

С. Мазид, ноира, қайд, хуруж

Д. Хуруж, қайд, ноира, таъсис

79. Қофияда қайси унсурлар равийдан кейин келади?

*А. Васл, хараж, мазид, ноира

В. Ноира, васл, ридф, таъсис

С. Хуруж, ридф, таъсис, ноира

Д. Таъсис, мазид, ридф, қайид

80. Қофияни ташкил этувчи унсур нима?

А. Мисра

*В. Равий

С. Хуруж

Д. Таъсис

81. "Шахар – сахар" сўзларида қайси харф равий ҳисобланади?

А. Ш ва с

*В. Р

С. А.

Д. Ҳ

82. Шеър мисраларида қофиядан кейин келувчи сўз, сўз бирикмаси нима дейилади?

*А. Радиф

В. Зулқофиятайн

С. Равий

Д. Таъсис

83. Шарқ шеъриятида ғазал, қасида каби шеърий жанрлар охиридаги якунловчи байт нима дейилади?

А. Матлаъ

*В. Мақтаъ

С. Радиф

Д. Қофия

1. Адабий тур нима?
2. Адабий жанр нима?
3. Сўз санъатида нечта адабий тур бор?

4. Эпос лирикадан қайси жиҳатдан фарқ қилади?
5. Драма ва эпос ўртасида қандай фарқ мавжуд?

Тест

1. Бадиий асарлар қайси жиҳатига кўра адабий турга ажратилади?

- A) Нутқий жиҳатига
- B) Тасвир предмети
- C) Қачон ёзилгани
- * D) A ва B

2. Дастлаб адабий асарлар қимнинг асарида турларга ажратилган?

- A) Фаробий
- B) Ибн Сино
- * C) Арасту
- D) Навоий

3. Қайси турдаги асарда кўпроқ инсон руҳий кечинмаси ифодаланади?

- A) Ғазал
- B) Рубоий
- C) Ҳикоя
- * D) Лирика

4. Эпосда нима кўпроқ асос қилиб олинади?

- * A) Воқеа
- B) Табиат
- C) Руҳий кечинма

19-мавзу. Мумтоз кўшиққа айланган шеърлар

Не бўлди дардима, эй, бевафо, даво қилсанг,
Вафога ва'да қилиб, ва'дага вафо қилсанг.

Танимни қурб фазосида хокроҳ этдинг,
Бошимни васл эшикига ошно қилсанг.

Сунуб кўлимни юзингга, мурод этиб ҳосио,
Очиб юзунгни, кўзим ҳожатин раво қилсанг.

Висол авжи бийик, эй, кўнгул қуши, сен паст,
Етишмак анда не мумкин агар ҳаво қилсанг?

Жаҳон ғамин чу олур, бер қадахни, эй соқий,
Олурмен, икки жаҳон мулкига баҳо қилсанг.

Замона аҳли жафосин тағофул айларсен,
Алар тағофул этиб, кош сен жафо қилсанг.

Агарчи аҳли наводур, вале ул ой боқмас,
Навоийё, неча булбул каби наво қилсанг
Ердин ҳижрон чекар ушшоқ зор, э дўстлар,
Неча тортай ҳажри чун йўқ менда ёр, э дўстлар.

Ёр ишқни асрағил пинҳон, дебон са'й этмангиз,

Ваҳ, не нав' этмуш йўқ ишни ошкор, э дўстлар.

Ишқ бирлан гар биров лофи вафою аҳд урар,
Ишвагарлар аҳдига йўқ э'тибор, э дўстлар.

Айламанг бекаслиғимни та'на, бир кун бор эди,
Ёр бирлан гашти боғу, лолазор, э дўстлар.

Ёрсиз вайронда йиғларман охир, сиз келинг,
Менда йўқ бир нозанин, чобуксувор, э дўстлар.

Ёрсиз ифрот ила гар йиғласам, айб этмангиз
Ким, эрур бу ишқ менга беихтиёр, э дўстлар.

Дўстлик айлаб тутинг гаҳ – гаҳ лаболаб жомким,
Қасди жон қилмиш менга дарди хумор, э дўстлар.

Май ичингким, даҳр эли ичра кўп истаб топмадик,
Аҳд – паймонида ўлғон уствор, э дўстлар.

Ёрингиз васлин ғанимат айлабон шукр айлангиз
Ким, Навоий ўлди бекасликда зор, э дўстлар.

Кўнглум олғач, ул пари мажнун шайдо қилдилар,
Ақлу ҳушимни жунун даштида яғмо қилдилар.

Ўзгача зулму тааддилар блан қоним тўкар,
Турфа эрди, турфа ишлар доғ пайдо қилдилар.

Ҳурмати тақво тутар эрди, вале маст отланиб,
Бошима чопмоқ блан оламга расво қилдилар.

Оҳким чектим кўриб жавлонини беихтиёр,
Ёширин ишқим улусқа ошкоро қилдилар.

Беҳуд ўлғач зулфи зиннориға жон нақдин бериб,
Ишқ бозарида кўнглум турфа савдо қилдилар.

Мен мену эмди фано дайрида бўлмоқ майпараст,
Мў'бача ишқи улусқа ошкоро қилдилар.

Гар ватан дайр ичра қилдим кимсага йўқ ҳеч айб,
Дайр пиридан Навоий бу таманно қилдилар

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Сун, эй соқий, майинг охиргача – жаннатда топмайсан
Бу Рукнобод қирғоғидаги сўлим Мусаллони.

Шу алдоқчи, қизиқчи, фитначи шўхлар қўлидан дод,
Кўнгулдан элтдилар сабрим қилиб туркларча яғмони.

Менинг нуқсонли ишқимга унинг ҳусни эмас муҳтож,
Гўзал юз ҳеч талаб қилмас бўёқ ҳам зебу орони.

Гапир чолғучиликдан, майдан – жаҳон сирриникам изла,
Ечолмас ҳеч киши ҳиқмат – ла бу оғир муаммони.

Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзалликдан аниқ билдим:
Чикормиш ишқ номус пардасидан ул Зулайхони.

Ёмон, дединг, қувондим ман, Худо ҳаққи, сўзинг тўғри,
Гўзалроқ айлади аччиқ сўзинг лаъли шакархони.

Насиҳат тинглагил, жоно, тутурлар жону дилдан дўст
Ақлли, бахтли ёшлар ҳурмат айлаб кекса донони.

Ғазал этдинг – у дур сочдинг, ёқимли куйла, эй Ҳофиз,
Фалак назмингга гавҳардек нисор этсин Сурайёни.

Чолғучи, айлагил наво янги ва янги, хилма – хил,
Изла шароби дилкушо янги ва янги, хилма – хил.

Кўнглинг очувчи ёр ила, хилват ўтир ниғор ила,
Бўса – ла ком этиб раво, янги ва янги хилма – хил.

Менга тилак бўлурми ром, кўтармасанг қадаҳ мудом,
Ёди – ла майни ич расо янги ва янги, хилма – хил.

Нима қилсанг, гўзал пари, қилгуси мен учун бари

Ранг ила ўсмаву ҳино янги ва янги, хилма — хил.

Тонг ели, эссанг ҳар қачон гар ўша дилбарим томон,
Ҳофизнинг арзин эт адо янги, хилма — хил.

Гул ёнда — ю май қўлда, рафиқ дилбари жондур,
Менга бу каби кунда ғулом шоҳи жаҳондур.

Айт: шамъ кетирмангиз — у базм ичра бу оқшом,
Ой юзли гўзалнинг юзи мажлисда аёндур.

Гар мазҳабимиз бода ҳалол дер эди, лекин,
Эй сарв, юзинг бўлмас экан, бода ёмондур.

Доим қулоғим банд наю нағмаю чангга,
Лаъли лабу жом даврига кўзлар нигарондур.

Мажлисга атр ҳожат эмас, жонни димоғи
Ҳар лаҳза сочинг исларидан атрга кондур.

Қанд ила шакар қанча ширин бўлса, дам урма,
Ширин лабинг орзуси менга вирди забондур.

Ул чоққи, ғаминг хазинаси жой олди дилимда —
Шундан бери мен кулга хароботда макондур.

Сўз қилма уятдан — мени расволигим ундан,
Сўрма отим — ул от мени шармимга зиёндур.

Оч кўзникни, ринд, майхўри оввора десанг – биз,
Бу шаҳрда биздек эмас ул кимса қаёндур?

Айбимни дема мухтасиб олдидаки, ул ҳам
Биздек қиладур айш талаб қанча замондур.

Ҳофиз, маю маъшуқасиз ўлтурма замоне –
Ким, ёсуману гу чоғи, ийди рамазондур.

Юзларинг акси тушиб бода тўла жом ичра,
Кулди май, сўфайни қўйди тамаъи хом ичра.

Топди май шуъласидан хониш ила нағма ривож,
Тушди бир нурки соқий юзидан жом ичра.

Ғайрати ишқ кесар хос кишиларнинг тилини,
Йўқса ким фош этадур сирни элу ом ичра.

Бағри ёнган мен – у, дилбар қараши бошқа менга –
Бу гадога нима лойиқ кўрур инъом ичра.

Тўғри кўргучи етар поклик ила мақсадга,
Эгри кўргучи тушибдур тамаъи хом ичра.

Ўйнаб – ўйнаб, уни ғам тиғини кутмак лозим,
Ким унинг – чун бўладур яхши саранжом ичра.

Осилиб зулфингга ул чоҳи занахдон чикди,
Оҳки, чоҳдан қутилиб, тушди яна дом ичра.

Мени кўрсанг керак, эй сўфий, ибодат уйида,
Фикримиз соқий юзию кўзимиз жом ичра.

Мен харобот сари кетмасдим ибодат уйидан,
Солди тадир мени бу ҳолга элу ом ичра.

На қилур юрмаса гардиш четида паргордек,
Тушса ҳар кимсаки бу гардиши айём ичра.

Сўфийлар барчаси бир фикрдадирлар, леки,
Қолди бу ўртада Ҳофиз номи бадном ичра.

Ҳар нечаким юзларинг ой, кунга нисбат қилдилар,
Суратинг кўрмай туриб, тахмин – ла тухмат қилдилар.

Ишқимизнинг шўришидан зарра миқдориндадир
Ҳар наким Фарҳоду Шириндан ҳикоят қилдилар.

Жон бағишлар юзи гулларнинг оёқ гарди иси,
Онглилар ундан димоғин чоғу роҳат қилдилар.

Қарға, қузғун ов учун боғлаб боқишга арзимас,
Лочину қирҳийни аммо шундай иззат қилдилар.

Бокмангиз риндларни таҳқирлаб, сафол деб косаси,
Бу ҳарифлар жоми Жам базмида хизмат қилдилар.

Қилмади мужгон ўқи ҳам жодугар афсунлари,
Жаврларким, зулфу мушкин холинг одат қилдилар.

Бизга бир бўса етарди – қилмади рухсат лабинг:
Бу ширин лаблар мудом шундай ишорат қилдилар.

Соқиё, май бер – азал тақдирининг тадбири йўқ,
Ҳеч бир ўзгармаслигин таъкиду хужжат қилдилар.

Ўтли, пардозли юзи бирла гўзаллар дам – бадам
Сўфийларнинг дил билан динини ғорат қилдилар.

Мақтади эҳсонларнинг шеърида Ҳофиз ҳар қачон,
Тинглаганлар шеърини таҳсин – у раҳмат қилдилар.

Кўнгилда лабингни шавқи, жоно,
Лаълингдан унга недир таманно.

Шавқинг майи, севгининг шароби
Дил шишасида бори ҳувайдо.

Зулфингни асирларига доим
Дард ила балони доми маъво.

Дилдорим оти недир, сўрадим,
Менга сира учрамас у барно.

Андиша қилувчи юрту элдан

Ёри ила ўлтиролмас асло.

Шод ул кишининг дили ҳамиша дилдор ила айши бўлса барпо.

Бир ноз ила ов қилишга дилни,

Гул узра бинафша бўлди оро.

Ҳофиз, шу кўнгилли дам ғанимат –

Асбоби тараб бори мухайё.

Саҳарда булбул арз этди сабога, гул ишқи, деб биз бенавога.

Эрурман нозанни эҳсонига қул,

Қилур у яхши иш кетмай риёга.

Хайрли бўлсин унга тонг шамоли,

Даво қилди тун йўқ бедавога.

Сира бегоналардан нолимасман,

На бўлса – етди дўстдан ошнога.

У сунбул зулфи гулдан парда очди,

Тугундан ғунча чиқди соф ҳавога.

Юзу рангин кўриб, қон бўлди кўнглим,

Дучор ўлдим тикан отлиғ балога.

Қилур ҳар жойда булбул оҳу афғон,

Маза бу ўртада боди сабога.

Кутиб султондан эҳсон янглишибман,
Жафо кўрдим ялингач бевафога.

Бориб май сотқучига хуш хабар бер –
Ки, Ҳофиз юрмагай энди риёга.

Сарви равоним не учун қилмайди ҳеч майли чаман?
Бўлмайди ҳамдам гул билан, ёдига келмайдур суман?

Кўп вақт эрур дайди дилим боғланди – кетди зулфига,
Ушбу узоқ сайридан у қилмайди ҳеч азми ватан.

Ё қошларин қаршисида қанча хушомадлар қилай?
Бермайди ҳеч сўзга қулоқ, доим тағофул қилди фан.

Гарчи бинафша зулфлар тўзди шамол ила бу чоқ,
Кўнглим унинг ёди билан қайтмайди ҳеч ўз аҳдидан.

Ёғди этаклардан гулоб, ҳайрон эрурманким, сабо
Ўтган йўлин туфроқларин қилмас нега мушки Хўтан?

Лойиқ кўриб соқий агар сунса тўда коса захар,
Ким май каби ичмас уни, бўлмай оғиз жону бадан?

Рухсори орзусида дил жон бирла ҳамдам бўлмади –
Тан хизматин қилмайди ҳеч, жондир унинг шавқи билан.

Мен зулфидан қилдим гила, ҳийла йўли – ла у менга

Дедиеи: “Бу эгри қора олмас сўзимни ҳеч қачон.

Тортғил қўлинг, қилма жафо, оқмиш кўзимнинг ёмғири –
Кўз ёшларим қилмай мадад, бўлмайди ҳеч дурри Адан”.

Ғамзангга бўлмишдир фидо, Ҳофиз ўғитни тингламай,
Тиғ ила ўлмакка сазо ҳар кимки сўз укмас экан.

Домлалар минбар уза сўз қилса такрор ўзгача,
Айлагай хилватда турли фитна бедор ўзгача.

Ушбу мажлиснинг билимдонига бор мушкул савол:
“Тавба бергучига тавба не учун ор, ўзгача?”

Миндир ўз эшшакларига янги бойларни бу чоқ,
Кул хачирга фахр этиб, ноз айлар изҳор ўзгача.

Хонақоҳнинг соили, кел, ўтпарастлар дайрида
Бир қадаҳ – ла дилни айла бою дедор ўзгача.

Хусни бепоёни қанча ошиқин қилса ҳалок,
Янги ошиқлар келиб, бўлгай гирифтор ўзгача.

Дод шу гавҳар билмаган саррофларининг дастидан –
Ким, эшакмунчоқни дур деб, қилди бозор ўзгача.

Аршдан тонг чоғида келди товуш, ақл унга дер:
“Ёд олур кўкда малак Ҳофиздан ашъор ўзгача!”

Тургил, олтин косани май қуйиб, обод айла,
Тўлажак бош косаси тупроқ ила – ёд айла.

Охири манзил экан бизга шу жимлик водий,
Еру осмонга солиб ғулғула – фарёд айла!

Шу бошинг ҳурмати, эй сарв, гар ўлсам тупроқ,
Нозни қўй, соя солиб, тупроғими шод айла!

Дилга етган сенинг ул зулфинг илонидан алам,
Қил лабинг унга шифо, дардидан озод айла!

Кўз ёшим бирла ювиндим, бунга дер дарвешлар:
Тозалан аввал ўзинг, покни кейин ёд айла!

Ё Раб, ул зоҳиди инжиқки, кўрур айбни фақат,
Фаҳму идрок йўлига уни иршод айла.

Фикри ифлоснинг кўзи тушмас ул жонон юзига,
У гўзал юзни дилинг пок тутиб ёд айла.

Гулдек ул гул исидан тунни қабо қил, Ҳофиз,
Тунни пояндози ул қомати шамшод айла.

Қайси уйнинг шамъидир у, қайси жойда хонаси?
Ўртади жонни, сўранг, кимнинг эрур жононаси?

Бу замон дину дилимни хонавайрон айлади,
Билмадим кимнинг эрур у мунису хамхонаси?

Лабларинг бодаси ҳаргиз лабимдан кетмасун,
Кимга сўз бермиш вафодан – май тўла паймонаси?

Ул саодат шамъининг базми эрур кимга насиб,
Сиз, Худо ҳаққи, сўранг, кимдур унинг парвонаси?

Ҳар киши афсун билан тортмоқчи, аммо билмадик,
Тортадур нозик дилин кимнинг ширин афсонаси?

Ё Раб, ул ой юзли юлдуз чехрали олий нишон,
Қайси коннинг гавҳари, кимнинг эрур дурдонаси?

Қилди ичмасдан лабининг бодаси дилни хароб,
Кимга улфат, ким эрур ҳамкоса, ҳампаймонаси?

“Оҳким, Ҳофиз дили девонадур сансиз”, - дедим.
Шўх табассум бирла: “Бу кимнинг, - деди, - девонаси?”

Бир дилбари жононимиз олди – ку дилу жонимиз,
Олди – ку дилу жонимиз бир дилбари жононимиз.

Берса ўпич жононимиз қайта тирилгай жонимиз,
Қайта тирилгай жонимиз, берса ўпич жононимиз.

Чин равзаи ризвонимиз ёр эшигин тупроғидир,
Ёр эшигин тупроғидир чин равзаи ризвонимиз.

Бизнинг дили хайронимиз ошуфтаю шайдосидир,
Ошуфтаю шайдосидир бизнинг дили хайронимиз.

Ул Юсуфи Канъонимиз хусн иқлимининг шоҳидир,
Хусн иқлимининг шоҳидир ул Юсуфи Канъонимиз.

Сарви боғу бўстонимиз зебо, келишган қомати,
Зебо, келишган қомати сарви боғу бўстонимиз.

Шу Ҳофизи хушхонимиз фазлу камол тимсолидир,
Фазлу камол тимсолидир

Фойдаланилган адабиётлар

1.Адабиёт назарияси. Икки жилдлик. – Тошкент: Фан, 1978 – 1979,

2. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2 – жилд. – Тошкент: Фан, 1992.
3. Жомий А. Баҳористон. – Тошкент: Ёзувчи, 1997.
4. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон 1925.
5. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
6. Фитрат А. Аруз тўғрисида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
7. Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
8. Исҳоқов Е. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006.
9. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъат ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ, 1998.
10. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Тошкент: Шарқ, 1999.
11. Ислом тасаввуфи манбалари. – Тошкент: О'қитuvchi; 2005.
12. Шарқ мумтоз поэтикаси. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006.
13. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. – Тошкент: Фан,
14. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну – л – балоға. – Тошкент: Хази́на, 1996.
15. Кудслин А. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII – XI век.) – Москва: Наука, 1983.
16. Талабов Э. Араб арузи. – Тошкент: нашриёти 1977
17. Шомухамедов Ш. Форс – тожик арузи. – Тошкент: ТошДУ, 1970.
18. Рустамов А. Аруз ҳақида уҳбатлар. – Тошкент: Фан, 1971.
19. Ҳасанов С. Бобурнинг “Аруз рисоласи” асари. – Тошкент: Фан, 1981.
20. Ҳожиаҳмедов А. Мактобда аруз вазнини ўрганиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
21. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Тошкент: Шарқ, 1998.
22. Олимов М. Рисолаи аруз. – Тошкент: Ёзувчи, 2002.

23. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу – с – санойиъ (Форсчадан А. Рустамов таржимаси). – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
24. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akadem nashr, 2010.
26. Саъдий Шерозий. Ҳикматга тўла олам. – Тошкент: Шарқ, 2007.
27. Ҳофиз Шерозий. Ишқ гавҳари. – Тошкент: Шарқ, 2006.
28. Бобур З.М. Сочининг савдоси тушди бошимга. – Тошкент: Шарқ, 2007.
29. Машраб. Машраб шеърятидан. – Тошкент: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1979
30. Махтумкули. Дунё ўтиб борадир. – Тошкент: Шарқ, 2007.
31. Нодира. Нодира шеърятидан. – Тошкент: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1979.